

А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада.
Кришнани англаш Халқаро жамиятининг асосчи-ачарьяси

Кришнани англаш
- йоганинг энг
олий поғонаси

Бхактиведанта бук траст

Мундарижа

Йога камолоти
Йога ва унинг хукмдори
Ҳақиқий бахтга эришиш сири
Йоганинг олий мақсади
Ҳақиқий ҳаёт
Ҳаре Кришна мантриси
Бхакти-йога йўли
Мутлақ илм манбалари
Қалбнинг осойишталигига эришиш йўли
Иловалар

Йога камолоти

Парвардигор Кришна, Худонинг Олий Шахси, "Бхагавад-гита"нинг олтинчи бобида олий йога тизими ҳақида таълим беради. Шу ерда *У хатха-йога* тизими қоидаларини тушунтириб берган. Халқаро Кришнани англаш Халқаро ҳаракатининг аъзолари тарғибот қилаётган рухий илм "Асл ҳолидаги Бхагавад-гита" таълимотига асосланади. Биз ҳеч нарсани ўзимиз ўйлаб чиқармаймиз. Сизга таклиф қилаётган рухий тажриба усули - *бхакти-йога* - муқаддас китоблар таълимотига асосланган, агар Худонинг ким эканини англаб олмоқчи бўлсангиз, айнан мана шу усулни қўллашингиз лозим, чунки, "Бхагавад-гита"нинг олтинчи бобида хулоса қилиб шундай дейилган: "Ақли ҳамиша Парвардигор Кришна ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билан банд бўлиб юрган киши - йоглар ичида энг аълосидир!"

Йога усуллари мукамал билувчи Кришна, Аржунга *аштанга-йога* билан шуғулланишни таклиф қилди. Йоганинг бу тури билан шуғулланиш учун энг аввало хилват жой топиш керак. Замонавий гавжум шаҳарда яшаб туриб, бундай йога тури билан шуғулланишнинг ва муроқабани билан машғул бўлишнинг иложи йўқ. Бундай машғулотдан ҳеч қандай натижа чиқмайди. Ҳиндистонда, йога билан жиддий шуғулланишга бел боғлаган кишиларнинг Ҳимолай тоғидаги хилват жой - Хардварга чиқиб кетишларининг сабаби ҳам шунда. Шу жойга бориб улар жинсий ҳаётни бутунлай тарк этиб, бутунлай ёлғиз ҳолда, ўзларини еб-ичиш, ухлашдан тийишга ўрганадилар. Йогада баркамолликка эришишдан мақсад - бу бошқаларга қандайдир мўъжизавий ҳаракатлар, жисмоний машқлар намойиш этиш эмас. Йога билан шуғулланиш - сезгиларни бошқаришни, уларни жиловлаб олишни ўрганиш демакдир. Агар одам бошқаларга кўз-кўз қилиш учун йога билан шуғулланса-ю, сезги аъзоларини, ҳиссиёти(нафси)ни жиловлаб олишга интилмаса, у ҳеч қачон бирор натижага эришмайди. Энг аввало муқаддас жой топиш керак; кейин, кўзни ярим юмган ҳолатда ўтириб, нигоҳни буруннинг охирида жамлаш керак. Ана шундай ҳолатдан чиқиш мумкин эмас. Аштанга-йогада шунга ўхшаган, ҳозирги одамлар бажариши жуда қийин бўлган жуда кўп талаблар бор.

Ҳатто бундан беш минг йил аввал, ҳали одамлар ҳозиргидай, маънавий жиҳатдан тушкунликка тушиб, ахлоқи бузилиб кетмаган пайтда ҳам, йоганинг бу тизимини амалда қўллаш жуда қийин эди. Шунинг учун, ҳатто шоҳ хонадонидан чиққан буюк жангчи, Кришна

билан ҳамиша бирга юрган бенуксон зот бўлган Аржундай инсон ҳам Кришнанинг Ўзидан бу таклифни эшитиб, шундай деган эди: "Азизим Кришна, мен бу усулни амалда қўллай олмайман!" У ўзининг ожизлигини очик тан олганди: "Бу қоидаларга амал қилиб, ақлимни, нафсимни жиловлаш менинг қўлимдан келмайди." Ўйлаб қаранг: агар 5000 йил олдин Аржундай буюк инсон саккиз поғонали *аштанга-йога* усулидан фойдалана олмаган бўлса, қандай қилиб биз ҳозирги замонда йоганинг бу усули билан шўғуллана оламиз?

Ҳозирги вақтда одамларнинг умри жуда қисқа. Ҳиндистонда одамларнинг ўртача умри - ўттиз беш йил. Сизларда бу кўрсаткич юқорироқ бўлиши мумкин. Барибир, бобонгиз юз йил яшаган бўлса ҳам, сиз унчалик узок умр кўра олмайсиз. Ҳаёт жуда тез ўзгариб, одамларнинг умри тобора қисқариб боряпти. Муқаддас китобларда башорат қилинганки, биз яшаётган даврда инсон умри қисқариб, одамлар борган сари бераҳм, бафаросат бўлиб борадилар. Ҳозир одамлар жуда қисқа умр кўрадилар ва аввалгидай кучли, чидамли эмас. Биз ҳамиша хавотирда юраимиз ва руҳий илмдан умуман хабаримиз йўқ.

Жаҳонда юзлаб ва минглаб университетлар бор, аммо уларнинг бирортасида руҳ ҳақида таълим берадиган бирорта факультет йўқ. Аслида бизлар барчамиз руҳий табиатга эга зот - жонлармиз. "Бхагавад-гита"да руҳнинг бир танадан иккинчи танага ўтиб юриши тушунтирилган, бу жараён ҳатто бир умрнинг ўзидаёқ рўй бериб туради. Бизлар ҳар биримиз қачонлардир гўдак танасида эдик. Ўша танамиз қани? Ҳозир у танамиз йўқ. Масалан, ҳозир мен кекса чолман, аммо, қачонлардир гўдак бўлганим эсимда. Ўзимнинг олти ойлик вақтимни мен ҳозир ҳам эслайман: опамнинг тиззасида ўтириб ўйнаётганларимни, унинг нимадир тўқиётгани ҳалигача эсимда. Булар менинг эсимда, худди шундай, ҳар бир одам ўзининг болаликдаги танасини эслай олади. Ундан кейин ўсмирлик пайтидаги танам бўлган. Ҳозир эса, мана шу танадаман. Менинг аввалги таналарим қани? Улар йўқ! Менинг ҳозирги танам улардан кескин фарқ қилади. "Бхагавад-гита" бизга тушунтириб айтадики, мен ҳозирги танамни тарк этганимда, яна бошқа тана олишимга тўғри келади. Буни тушуниш қийин эмас. Мен умрим давомида фақат гўдакнинг, ўсмирнинг танасини эмас - жуда кўп таналарни алмаштирдим: ҳозирги замонавий тиббиёт фанининг хулосасига кўра, бизнинг танамиз ҳар секунд сайин ўзгариб, хужайралар алмашиб туради. Биз шунчаки буни сезмаймиз. Демак, таналар ўзгариб турар экан, руҳ, жон эса, ўзгармайди. Гарчи жуда кўп тана алмаштирган бўлсам ва гўдак, ўсмир, йигит та-

насида бўлганларимни эсласам ҳам, барибир ўзим, руҳим, жоним ўзгармай қолган, мен барибир шахс сифатида ўша-ўшаман. Худди шундай, бу танани тарк этганимдан кейин ҳам албатта бошқа тана олишимга тўғри келади. Мана шу оддий ҳақиқат "Бҳагавад-гита"да тушунтирилган, ҳар бирингиз бу ҳақда ўйлаб, фикр юритиб кўришингиз мумкин. Бунинг устига олимлар бу соҳада ҳар хил тажрибалар ўтказиб, изланишлар олиб боришлари, шу илмини ўрганишлари мумкин.

Яқинда Торонтолик бир врачдан мактуб олдим. У ўзининг илмий тадқиқотларида инсон вужудида тана билан бирга руҳ, жон ҳам мавжуд деган хулосага келган. Мен у билан фикр алмаша бошладим. Ўша врачнинг хулосалари жуда тўғри: руҳ ҳақиқатан ҳам мавжуд, буни исботловчи далиллар жуда кўп, фақат ведавий, муқаддас китобларда эмас, балки ҳар биримиз ўз шахсий ҳаётимизда ҳам бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Руҳ мавжуд, ва у бир танадан иккинчи танага ўтиб юради. Афсуски, Университетларда бу масала билан ҳеч ким жиддий шуғулланмайди. Энг ёмони ҳам шунда. "Веданта-сутра"да - **"Инсон бўлиб яшашнинг маъноси - руҳни, Мутлақ Ҳақиқатни излашда!"** - деб ёзилган. Йога билан шуғулланиш ёрдамида инсон моддий оламда руҳнинг мавжудлигини англай олиши мумкин. "Бҳагавад-гита"да Парвардигорнинг Ўзи, Кришна бизга шундай изланиш билан шуғулланишни тавсия этади. Кришнанинг "Хатха-йога билан шуғуллан!" деган таклифини рад этган бўлса ҳам, Кришна Аржунга "Сен йогларнинг ичида энг аълосисан!" - деб айтяпти. У Аржунга шундай дейди: **"Хатха-йога билан шуғуллана олмаслигингдан афсусланма. Хатха-йога, гьяна-йога, дхьяна-йога, бхакти-йога, карма-йога билан шуғулланиб юрган одамлар кўп, ammo уларнинг ичида энг аълоси сенсан"**. Кришна шундай деган: - **«Ҳамиша Мен ҳақимдаги ўйларга берилиб юрган ва ҳамиша қалбида Мени кўриб юрган киши йоглар ичида энг аълоси хисобланади»**.

Ким ҳамиша Парвардигор Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юра олади? Буни билиш қийин эмас. Агар сиз бировни қаттиқ севсангизгина ҳамиша уни ўйлаб юра оласиз - акс ҳолда бунинг иложи йўқ. Агар сиз бировни севсангиз табиий равишда, ҳамиша уни ўйлаб юрасиз. **"Қалбида Худога, Кришнага нисбатан муҳаббат уйғота олган киши ҳамиша Уни ўйлаб юришга қодир бўлади"**, дейилган "Брахма-Самхита"да. Мен Кришна деганда ҳамиша ҳамма учун ягона бўлган Парвардигорни назарда тутишимни эсдан чиқарманг. Кришнанинг номларидан бири "Шйамасундара" яъни, Унинг танаси

қорамтир булутсимон, жуда чиройли. "Брахма-Самхита" шеърларининг бирида - қалбида Шйамасундарага муҳаббат уйғота олган *самта*(табаррук инсон) ҳамиша Парвардигор ҳақидаги ўйларга ғарк бўлиб юради, деб ёзилган. Йога билан шуғулланиб юрган киши *самадхи* ҳолатига эришганида ҳамиша қалбида Вишну қиёфасида мавжуд бўлган Парвардигор ҳақида ўйлаб юради. Шундай одамнинг ақли ҳамиша Парвардигор ҳақидаги ўйлар билан банд бўлади.

Кришна, Шйамасундара, - азалий, бошланғич Вишну. "Бхагавадгита"да мана шу ҳақиқат тасдиқланган. Парвардигор Кришна Ўзида Брахма, Вишну, Шива ҳамда бутун оламни мужассам қилган. Ведавий битикларда Кришна Ўзини жуда кўп қиёфаларда намоён этиши кўрсатилган: аввалига Кришнадан Баладева пайдо бўлади, Баладевадан Санкаршана, Санкаршанадан - Нараяна, Нараянадан - Вишну(Маха-Вишну, Гарбходакашайи Вишну ва Кширодакашайи-Вишну). Буларнинг ҳаммаси ведавий муқаддас китобларда батафсил тушунтирилган. Кришна - бошланғич, азалий Вишну, Шйамасундара.

Ҳамиша Парвардигор Кришна ҳақидаги фикрларга ғарк бўлиб юрган киши йоглар ичида энг яхшиси, энг комил йог ҳисобланади. Йогада баркамолликка эришиш учун фақат қоидаларга амал қилиб, кўрсатмаларни бажариб юришнинг ўзи камлик қилади: инсон интилишда давом этиши керак. Инсон *самадхи* ҳолатига эришганида - қалбида Вишну қиёфасида намоён бўлган Худо Шахсини ҳамиша кўриб юриш ва аини пайтда ҳеч қандай ташвишлар безовта қилмайдиган даражага етганида йогада баркамолликка эришган ҳисобланади. Ана шундай баркамолликка эришиш ниятида йоглар хилват жойларга кетадилар ва у ерда сезгиларини жиловлаб, фикрларини қалбида мавжуд бўлган Парвардигорнинг Вишну қиёфасида жамлаб *самадхи* ҳолатига эришадилар. Йогада баркамолликка эришиш деб шуни айтадилар. Лекин йоганинг бу тури билан шуғулланиш жуда қийин. Балки, риёзатчилардан кимдир бу йўл билан мақсадига эришган бўлиши мумкин, лекин муқаддас китобларда одамларга бошқа йўл тавсия қилинган. *Харер нама харер нама харер намаива кевалам, калау насти эва насти эва насти эва гатир аниятха*: - **"Ҳозир, Кали югада озодликка эришиш учун одамлар Худонинг муқаддас номларини зикр қилишлари лозим. Бошқа йўл йўқ. Бошқа йўл йўқ. Бошқа йўл йўқ"**.(Брихан-нарадия пурана).

Олтин давр ҳисобланган Сатья-юда яшаган одамларга озодликка эришиш учун ҳамиша Вишнуга муроқабат қилиб юриш тавсия этилганди. Трета-югада одамлар катта-катта қурбонлик маросимларини ўтказиб йога билан шуғулланиш, Двапара-югада эса, эҳромларда Ху-

дога сиғиниш орқали баркамолликка эришганлар. Биз яшаётган ҳозирги давр Кали-юга деб аталади. Кали-юга - ҳар хил жанжал ва қарама-қаршиликлар давридир. Ҳозир ҳеч ким биров билан мурса қилгиси келмайди: ҳар ким ўз билганини қилишга уринади, ҳар кимнинг ўз фалсафаси, ўз дунёқараши бор. Агар мен сизнинг айтганларингизни қабул қилмасам - мен билан тортиша бошлайсиз, курашасиз. Ҳозирги даврнинг аломатлари шундай. Кали-югада озодликка эришиш учун тавсия қилинган ягона йўл - Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш. Инсон ҳаётининг Сатья-югада узоқ вақт муроқабаси қилиш йўли билан, Трета-югада катта-катта қурбонликлар ўтказиш йўли билан, Двапара-югада эҳромларда сиғиниш орқали эришилган энг олий мақсадига ҳозирги одамлар Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш билан эришиб, "ҳақиқий ўзлиги"ни тўлиқ англаб ета оладилар. Оддийгина *Хари-киртана* усули билан инсон шу мақсадга эриша олади. Хари ибораси - Худонинг Олий Шахсини, киртан эса, - "улуғлаш, шарафлаш" деган маънони англатади.

Бу усул муқаддас китобларда кўрсатилган. Беш юз йил аввал шу усулни бизга Чайтанья Махапрабху ҳам кўрсатиб кетган. Парвардигор Чайтанья бу дунёда Ўзини Калькуттадан юз чақирим шимолроқда жойлашган Навадвипа шаҳрида намоён қилган. Бу муқаддас жойга ҳозир ҳам жуда кўп зиёратчилар келадилар. У ерда бизнинг марказ, эҳромимиз бор. Ўзини шу ерда намоён қилиб, Чайтанья Махапрабху оммавий санкиртана ҳаракатини бошлаб берганди, бу ҳаракатда ҳар бир одам иштирок этиши мумкин. Парвардигор Чайтанья башорат қилиб айтганки, бу ҳаракат бутун жаҳонга тарқалади, Харе Кришна мантрасини жаҳоннинг ҳар бир қишлоқ ва ҳар бир шаҳридаги одамлар куйлайдилар. Парвардигор Чайтанья Махапрабхунинг амрини бажариб, Унинг изидан бориб, биз ҳар бирингизни *санкиртана* ҳаракатида иштирок этишга ва Харе Кришна мантрасини биргаликда куйлашга чақирамиз. Бу ишда биз катта муваффақиятга эришяпмиз. Мен асосан Ҳиндистондан ташқарида - Европада, АҚШ, Япония, Канада, Австралия, Малайзия ва бошқа ерларда тарғибот қиламан. Мен бу давлатларга *санкиртана* ҳаракатини олиб келдим, бугунги кунда бутун жаҳон бўйлаб саксонта марказимиз бор. Одамлар бутун жаҳонда шу марказларнинг фаолиятига зўр иштиёқ билан қўшилиптилар. Бу ерларда *санкиртана* ҳаракатини ривожлантиришда иштирок этаётган ёш йигит-қизлар ҳиндистонлик эмас, лекин улар бу ҳаракатни жон-диллари билан қабул қилганлар, чунки бу ҳаракат одамларнинг қалбларига бевосита етиб борапти. Инсон қалби ҳеч қандай тўсиқ-чегара билмайди.

Инсоннинг ҳаёт ҳақидаги тасавурлари ҳар хил даражада бўлиши мумкин: тана даражасида, ақл даражасида, тафаккур даражасида ва руҳий даражада. Бизнинг асл ўзлигимизга келсак, у бутунлай руҳий табиатга эга. Алданиш, ғофиллик таъсири остида ўзини тана-сига қиёслайдиган, яъни, танасини "ўзим" деб биладиган кишилар ит ва мушукларга ўхшаб фикрлайдилар. Агар ўзимизни шунчаки тана деб ҳисобласак, демак, биз ана шу ҳайвонлар қаторида бўламиз, чунки, улар ўзларини худди шундай тасаввур қиладилар. Ўзимиз аслида тана эмаслигимизни тушуниб олишимиз лозим: - "Мен - тана эмасман!" Кришна Аржунга насиҳат қилишни айнан мана шундан бошлади: - "Энг аввало ўзингнинг ким эканингни тушуниб олишга ҳаракат қил. Нега ўзингни танага қиёслаб, қайғуга берилиб ўтирибсан? Сен жанг қилишинг лозим. Тўғри, ўз қариндошларинг билан жанг қилишга тўғри келади, аммо, бундан қайғу-ҳасратга берилишдан аввал аниқлаб ол: аслида сен ўзи кимсан - танами ёки бошқа бирор нарсами?" "Бҳагавад-гита" ана шундан бошланади. Аржуннинг ўзи ва унинг танаси бошқа бошқа нарсалар эканини Кришна унга тушунтирди. У бу гапларни фақат Аржун учун эмас, балки ҳаммамиз учун айтган. Энг аввало ўзимизнинг тана эмас, руҳ, жон эканимизни тушуниб олишимиз лозим. Ведалар илми инсонни мана шунга ўргатади.

Ўзининг тана эмаслигига тўлиқ ишонч ҳосил қилган киши *брахма-бхута* даражасига эришган, яъни, Браҳманни англаб етган зот ҳисобланади. Мана шу билим - ҳақиқий илм ҳисобланади. Инсон фақат қандай қилиб еб-ичиш, ухлаш ва насл қолдириш ҳақида илм ўрганса, унинг олган илми ҳайвонлар ҳам биладиган илмдан фарқ қилмайди. Ит ҳам еб-ичиш, ухлаш, насл қолдириш ва ўзини муҳофаза қилишни билади. Агар биз ҳам фақат шу нарсаларни ўргансак, олган илмимиз итнинг илмидан фарқ қилмайди, чунки, ҳаётда қиладиган ишимиз итнинг қиладиган ишидан фарқ қилмайди. Ит билан одамларнинг овқатланишлари маъно, мазмун жиҳатидан бир хил, фақат ит ўз табиатига яраша овқатланадаи, одамлар ҳам, ширин таомлар тайёрлаб, стол-стулларда ўтириб овқатланадилар. Ёки, масалан, сиз олти ёки 122-қаватли бинонинг шинам хонасида ухлашингиз, ит эса, шунчаки кўчада ётиб ухлаши мумкин, аммо, сиз ҳам, ит ҳам ухлаб ётган вақтингизда, бир хил ҳолатда бўласизлар. Ерда ётибсизми, ёки кўпқаватли бино ичидами, билмайсиз, чунки тушингизда сиз ухлаётган жойни ташлаб кетасиз. Ўзингиз тўшақда ётганингизни эсдан чиқариб, тушингизда(нафис танада) қилаётган ишларингизни кузата-сиз. Демак, ухлаш учун ҳар хил "лаззатли" шароитлар яратишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ, буни тараққиёт деб бўлмайди. Жинсий алоқага

келсак, ит учун ҳеч қандай шароит яратиш шарт эмас. Кўчада бирор урғочи итга кўзи тушиши биланоқ ит у билан кўшилиб кетаверади. Одам бегоналар кўзидан бекинган ҳолда жинсий алоқа қиладилар(афсуски, ҳозир бу ишда ҳатто одамлар ҳам итларга ўхшаб кетяптилар), аммо, итнинг ҳам, одамнинг ҳам қилаётган ишининг мазмуни бир - жинсий алоқа. Танасини муҳофаза қилиш ҳақида ҳам шундай мулоҳаза юритиш мумкин: ўзини ҳимоя қилиш учун итнинг тиши, тирноқлари бор, инсон эса, - атом бомбалари ясаб олган. Лекин мақсад бир - ўзини ҳимоя қилиш. Бундан бошқа нарса эмас. Шунинг учун муқаддас китобларда айтилганки, инсон ҳаётининг мазмуни фақат мана шу тўрт амал билан, яъни, тананинг эҳтиёжларини қондириш билангина чегараланиб қолмаслиги керак. Инсон ҳаёти бунинг учун мўлжалланган эмас: инсон Мутлақ Ҳақиқатни англашга интилиши лозим. Ҳозирги одамларга айнан шу таълим етишмаяпти.

Ведалар маданияти қондаларига кўра - **руҳнинг табиатини билладиган одам - браҳман**, зиёли одам ҳисобланади. Ҳиндистонда ҳар бир браҳманни зиёли одам деб ҳисоблайдилар. Аммо, браҳман бўлиш учун браҳман оиласида туғилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Браҳман руҳ нима эканини билиши лозим.

Туғилганида ҳар бир одам шудра, яъни, тўртинчи табақага мансуб сифатлар билан туғилади, лекин онгни поклаш усулларини амалда қўллаш натижасида у юқори табақаларга кўтарилиши мумкин. Онгни поклашнинг ўн босқичи бор. Ана шу босқичларни бирин-кетин ўтиб, инсон ниҳоят руҳий устоз олдига келади, руҳий устоз унга фотиҳа бериб, муқаддас чилвир тақади. Бу унинг иккинчи бор туғилганининг белгиси бўлади. Инсон биринчи бор - ота-онасидан туғилади, иккинчи бор эса, руҳий устозидан муқаддас китоблар илмини ўрганиш орқали туғилади. Иккинчи туғилиш натижасида, руҳий илм олишга интиляётган инсон Ведаларни ўрганиш ва тушуниш имконига эга бўлади. Уларни чуқур ўрганиш ёрдамида инсон ўзининг ҳақиқатан ҳам руҳий табиатга эга эканини ва Парвардигор билан ўзаро муносабатларини англаб етади. Инсон шу тарзда браҳман даражасига кўтарилади. Шахсиятсиз Браҳманни англаб етгандан кейин, ундан ҳам юқори поғонага - Парвардигор Вишнуни, Худонинг Олий Шахсини англаб етади ва вайшнав даражасига эришади. Руҳий баркамоллик чўққисига элтувчи йўл мана шундан иборат.

Йога ва унинг ҳукмдори

Йога - бу рух билан олий рухнинг, ёки тирик мавжудотлар билан Парвардигор орасидаги алоқа. Шри Кришна - Парвардигори олам, Худонинг Олий Шахсидир. Демак, Кришна - йоганинг энг олий мақсади. Шунинг учун ҳам Унинг номларидан бири Йогешвара, яъни, "йога ҳукмдори" деб аталади.

"Бхагавад-гита"нинг охирги шеърида шундай дейилган: **"Кришна ва буюк камонбоз Аржун бор жойда ҳамиша зафар, муваффақият бўлади!"**

Махараж Дхритараштрага "Бхагавад-гита"ни хизматкори Санжай гапириб берган эди. Буни қайсидир театрда бўлаётган спектакльни радио орқали эшитишга ўхшатиш мумкин. Ҳозир дунёдаги хабарларни оммавий ахборот воситалари орқали билганимиз сингари, аввал ҳам одамлар, гарчи ҳеч қандай техника бўлмаса-да, шундай би-лиш қобилиятига эга бўлганлар.

Санжай жанг майдонида бўлиб турган ҳодисаларнинг барчасини кўра оларди, шунинг учун саройда ўтирган жойида ҳамма нарсани Махараж Дхритараштрага гапириб берганди. Санжай ўзининг ҳикоясини шундай хулоса билан тугатади: **"Кришна – Парвардигор, Худонинг Олий Шахси"**.

Йога усули таърифланаётганда Кришнани йога ҳукмдори, Йо-гешвара деб атайдилар. Йога билан шуғулланиб, йоганинг ҳукмдоридан ҳам юқорироқ кўтарилиб бўлмайди. Йоганинг жуда кўп турлари мавжуд. Рухий машғулотлар тизими "йога" деб, ўз ҳаётида шу тизим қоидаларига амал қилиб юрган одамни эса, - "йог" деб ата-лади. Йоганинг маъноси, унинг асосий, якуний мақсади - Парварди-гор Кришнани англаб, Унга эришишдан иборат. Демак, Кришнани англаш йўлидан бориш - йоганинг олий тизимини амалда қўллаш демакдир.

"Бхагавад-гита"да Кришна ана шу йога тизимини яқин дўсти Ар-жунга гапириб берган. Шунда Парвардигор Кришна, йога билан фақат бу усулни ёқтирган одамларгина шуғуллана оладилар, деб таъкидлаган. Кришнага боғланмаган оддий одам Парвардигор Криш-нани англаш йўлида йога билан шуғуллана олмайди, чунки йоганинг бу тури бошқа йога тизимларидан бутунлай фарқ қилади. Бу - йога-нинг энг олий тизими ҳисобланади ва *бхакти-йога* деб аталади.

Парвардигор Кришнага бевосита боғланишнинг беш тури ҳамда билвосита боғланишнинг етти тури бор. Билвосита боғланишни *бхак-ти* деб ҳисоблаб бўлмайди. ***Бхакти* - Парвардигор Кришнага бевос-**

сита боғланишдир. Кришнага тўғридан тўғри, бевосита боғланиш "Худога садоқат билан холис хизмат қилиш" деб аталади, агар сиз Кришна билан бошқа нарсалар орқали боғланган бўлсангиз, бу боғланишни садоқатли хизмат қилиш деб бўлмайди. Лекин бу ҳам Кришнага боғланиш ҳисобланади. Масалан, Камса Кришнанинг она тарафдан тоғаси бўлиб, унга жиянларидан биттасининг қўлидан ўлиш башорат қилинади. Бу башорат Камсани шу қадар дахшатга солиб юборган эдики, у фарзандлари туғилишини кутиб ўтирмасдан шу ернинг ўзидаёқ сингисини ўлдиришга қарор қилади. Аммо, Кришнанинг бўлғуси онаси Девакининг эри Васудева, қайноғасига сўз бериб, сингисини ўлимдан қутқариб қолади. У Камсага шундай сўзлар билан мурожаат қилганди: -"Сен Девакининг ўзидан эмас, унинг ўғлидан кўрқасан. Сени синглинг ўлдиради деб ҳеч ким башорат қилмади-ку! Шунинг учун унга раҳм қил! Мен сенга ваъда бериб айтаманки, барча ўғилларимизни сенга топширамыз, агар хоҳласанг, уларни ўлдиришинг мумкин".

Ҳалокат остида қолган хотинини қутқариш учун Васудева шундай қарорга келганди. У ўзича шундай деб ўйлаганди: "Балки, Девакининг ўғли бўлгунча Камсанинг ақли кириб қолар, уни ўлдиришга журъат қилмас!" Аммо, Камса ашаддий иблислардан эди ва Девакининг ҳамма ўғилларини ўлдирди. Башоратга кўра Камса Девакининг саккизинчи ўғлининг қўлидан ҳалок бўлиши керак эди. Шунинг учун Деваки Кришнага ҳомиладор бўлган пайтдан бошлаб, Камса бир дақиқа ҳам тинмасдан, фақат Парвардигор Кришнани ўйлаб юрарди. Кимдир, "барибир Камса Кришна онгида эмас эди", деб айтиши мумкин, аслида ундай эмас. У Кришна онгида эди, лекин у Кришнани муҳаббат эмас, нафрат, кин-адоват билан ўйлар эди. Бундай муносабатни садоқатли, холис хизмат қилиш деб бўлмайди, албатта. Кришна онгида бўла туриб, Унга дўст, хизматкор, ота-она ёки севгилиси сифатида хизмат қилаётган кишидагина садоқат бўлиши мумкин. Кришнага ўз севгилиси ёки ўғли сифатида муносабатда бўлиш мумкин; Кришна сизнинг дўстингиз, хўжайинингиз, ёки сиз учун У азалий Олий Зот бўлиши мумкин. Кришна билан бўладиган бевосита алоқанинг беш тури шулардан иборат. Булар содиқлик, яъни, *бхакти* деб аталади ва бу муносабатлар ҳар хил таъмагирлик туйғусидан мутлақо пок.

Парвардигорга ўзининг ўғли сифатида муносабатда бўлиш, Унга ота-онаси сифатида муносабатда бўлишдан устун туради. Бу икки муносабат орасида катта фарқ бор. Одатда фарзанди ҳамиша отасидан бирор нарса таъма қилади. Отаси эса, ҳамиша ўғлига нимадир берги-

си келади. Шунинг учун ҳам Парвардигор Кришнага нисбатан ота-она муносабатида бўлиш, "мен Худони отам деб биламан, Унга отам сифатида, мени барча нарсалар билан таъминлаши учун сиғинаман!" - деган фикрга асосланган муносабатдан устун туради. Худога нисбатан ота муносабатида бўлган киши эса, У туғилганидан бошлаб Унга ғамхўрлик қила бошлайди. Демак, Кришнани ўзларининг фарзанди деб билган Васудева билан Деваки Парвардигор билан энг улуғвор муносабатда бўлганлар.

Кришнаниннг иккинчи онаси Яшода, хамиша шундай ўйларди: "Агар Кришнаниннг қорнини тўйғазмасам, У ҳалок бўлади!" У, Кришна аслида Парвардигорнинг Ўзи эканини ва Унинг Ўзи бутун уч олам ҳаётини таъминлаб турганини унутиб қўяди. У, Парвардигорнинг ёлғиз Ўзи барча тирик мавжудотларнинг ҳамма эҳтиёжларини таъминлаб туришини эсига ҳам келтирмайди. Ана шу Парвардигор ўзига фарзанд бўлганида, Яшода: "Агар мен Унинг қорнини тўйғазмасам, У ўлиб қолади" - деб ўйлайди. Мана шуни ҳақиқий муҳаббат деб айтса бўлади. Яшода ўзининг олдида чакалок қиёфасида Парвардигорнинг Ўзи турганини эсидан чиқариб қўяди.

Парвардигорга шу тарзда боғланиш Парвардигор билан бўлган муносабатларнинг энг улуғвор кўринишини нимоён этади. Албатта, бундай муносабатларни англаб етиш учун руҳий юксалиш йўлида анча вақт шуғулланиш керак, аммо, шуни билиб қўйингки: Парвардигор билан ҳар бир алоҳида шахснинг ўзаро муносабатларида шундай улуғвор, эзгу муносабатлар борки, унда ҳар куни Худодан ўзингизга ризқ-насиба тилаш ўрнига, сиз "агар мен Худога овқат пишириб бермасам, У ўлиб қолади", деб ўйлай бошлайсиз. Мана шундай ҳолат Худога бўлган чуқур муҳаббатнинг энг буюк илоҳий лаззатини беради. Парвардигор Кришна билан Радхаранини ана шундай нозик руҳий муносабатлар боғлаб туради. Парвардигор Кришна Радхаранини бошқа ҳар қандай зотдан кўра кучлироқ, қиёси йўқ муҳаббат билан севади. Она Яшода Кришнани оналик меҳри билан севади, Судама эса, Аржун сингари Кришнани ўзининг энг суюкли дўсти деб билади. Кришна билан бевосита, тўғридан тўғри муносабатларнинг ҳар хил турлари билан боғланган миллион ва миллиардлаб содиқлар бор.

"Бхагавад-гита"да барча йога тизимларининг ичида энг буюги бхакти-йога бўлиб, фақат Парвардигор Кришна билан ўзаро муносабатларида Унга қаттиқ боғлана олган кишигина бхакти-йога билан шуғуллана олади, деб кўрсатилган. Бошқалар бу йўлдан боролмайди. Демак, **Парвардигорга садоқат билан холис хизмат қилишга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди.** Агар инсон ўз қалбида Кришна

билан ана шундай боғланишни ривожлантира олса, у Худо Ҳақида, Кришна ҳақида ҳақиқий илмга эга бўлади. Ҳар хил фалсафий фикр-лашлар билан, турли таълимотларни, тахминларни ўйлаб топиш йўли билан Худога эришишга, Уни англаб етишга қанчалик уринманг, - бу сиз учун ечими йўқ муаммо бўлиб қолаверади. Кимдир ўзича, мен Худога эришдим, деб ўйлаши мумкин, лекин аслида бу йўл билан ҳеч ким Худога эриша олмайди, чунки бизларнинг сезгиларимиз чекланган, Парвардигор эса, - чексиз.

"Шримад Бхагаватам"да бизнинг барча сезги органларимиз чекланганлиги айтилган. Биз ҳатто моддий оламни ҳам мукамал ўргана олмаймиз. Тунда осмонга қараб туриб, қанча-қанча юлдуз ва сайёраларни кўрамиз, лекин аслида уларнинг нима эканини умуман тасаввур қила олмаймиз. Гарчи неча йиллардан бери Ойга боришга, ҳар хил йўлдошлар туширишга уринаётган бўлсалар ҳам, одамлар ҳатто Ойнинг қандай эканини ҳам тасаввур қила олмайдилар. Ой сайёраси майли, узоқда, ҳатто ўзимиз яшаб турган Ер сайёрасини ҳам тўла, мукамал ўргана олмаганмиз. Қаерда саёҳат қилманг - ердами, сувдами ёки осмондами - бизнинг сезги органларимиз чекланган бўлиб қолаверади. Шунинг учун оладиган илмимиз ҳамиша номукамал, тўлиқ бўлмай қолаверади, биз буни тан олишимиз лозим. Агар биз, ҳар соҳада мукамал илмга эришдик, фан оламида катта муваффақият қозондик, деб ўйласак - бу шунчаки аҳмоқлик хисобланади. Биз оламни мукамал ўргана олмаймиз.

Биз ҳатто ҳар куни кўриб юрган нарсаларимизни ҳам тўлиқ англаб ета олмаймиз. Шундай экан, руҳий олам, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна ҳақида нимани ҳам ўргана олардик? Кришна - энг буюк руҳий Зот, Уни мукамал бўлмаган сезгиларимиз ёрдамида англай олмаймиз. Лекин, агар бунинг иложи бўлмаса, агар бизнинг мукамал бўлмаган сезгиларимиз бизга Кришнани англаш имкониятини бермаса, унда Кришнани англаш учун, Унинг онгига эришиш учун уриниб нима қиламиз? Бу саволга жавоб бундай: **агар сиз камтарин ҳолда, қалбингизда руҳий ҳолат, яъни, Кришнанинг амрини бажаришга мойиллик кайфиятини ярата олсангиз, ўз ихтиёрингизни Унинг амрига, ихтиёрига топшириб, Уни ҳақиқатан ҳам хўжайинингиз, дўстингиз, ўғлингиз ёки севгилингиз деб билиб, Унга садоқат билан ҳолис хизмат қила бошласангиз, Худонинг марҳамати билан сизга Парвардигор ҳақидаги илм аста-секин очила бошлайди.**

Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилиш тилдан бошланади. Бу қандай рўй беради? Тилингиз ёрдамида сиз Худонинг

муқаддас номларини, Харе Кришна мантрасини такрорлашингиз, Унга таклиф қилинган овқат - кришна-прасаддан тановул қилишингиз мумкин. Шундай қилиб, сиз Худога хизмат қила бошлашингиз биланоқ хизмат қилишдан лаззат ола бошлайсиз. Сиз Харе Кришна, Харе Кришна, Кришна Кришна, Харе Харе, Харе Рама, Харе Рама, Рама Рама, Харе Харе деб такрорлай бошлайсиз, бунинг устига Кришна марҳамат кўрсатиб, Ўз овқатидан қолдириб берганида, Унинг табаррук прасадидан тотасиз. Шу тарзда, агар сиз камтарин ҳолда - Харе Кришна мантрани такрорлаб, *прасад* еб бошласангиз, - Парвардигор Кришнанинг Ўзи албатта сизга Ўзини намоён қила бошлайди.

Сиз ўзингиз ҳар хил тахминларни ўйлаб топиш билан Парвардигорни англай олмайсиз: бунинг иложи йўқ, чунки бизнинг сезгиларимиз мукамал эмас. Лекин сиз Унга садоқат билан хизмат қила бошласангиз - Унга албатта эришасиз - бир кун келиб Парвардигор Кришна сизнинг олдингизда Ўзини яққол намоён этади. Кришна сизга ҳам, худди Аржунга намоён қилганидай, Ўзини кўрсатади. Аржун - Худонинг содиқ хизматкори, камтарин ва Кришна билан ўзаро дўстлик ришталари билан боғланган, шунинг учун Кришна унга Ўзини очиқ кўрсатди.

У "Бҳагавад-гита"ни қайсидир бир ведантист-файласуфга эмас, айнан Аржунга ўргатди. Тўртинчи бобнинг бошида Кришна шундай дейди: - "Мен сенга энг қадимий йога тизимини ўргатаман". Сенга деган сўзга эътибор беринг. Аджун, кшатрий, яъни жангчи тоифасидан эди. У таркидунё қилган санньяси эмас, оилали одам эди. Аммо, Кришнани англаб етиш учун таркидунё қилиш эмас, бошқа нарса керак. Масалан, мен таркидунё қилган, тиланчи-гадой бўлиб яшаш тарзига ўтганман - бу дегани, энди мен Кришнани англай оламан, дегани эмас. Унда, Кришнани англаш учун нима қилиш керак? Буни Кришнанинг Ўзи айтади. Парвардигор Кришна шундай деган: - **"Қалбида Менга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга иштиёқ уйғота олган киши Мени англай олади"**. Бу бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. На буюк олимлар, на файласуфлар Кришнани англай олмадилар. Аммо, агар Кришнага ҳақиқатан ҳам ишонса, ҳатто ёш бола ҳам Уни англай олади. Демак, Кришна фақат қалбида Худога иймон-эътиқоди бутун содиқ хизматкоригагина Ўзини намоён қилади.

Ана шундай иймон ва садоқатли хизмат шарофати билангина сиз Парвардигор Кришна - Худонинг Олий Шаҳси эканини англай olasиз. Кришнани англаш йўллари сизларга тарғибот қилиш билан биз

Ўзимизнинг ҳам, сизнинг ҳам вақтингизни бекорга кетказаяётганимиз йўқ, чунки Кришна - ҳақиқатан ҳам ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси эканига аниқ ишонамиз. Ҳар бир инсон Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тан олиши керак - бунининг ҳаёт тажрибасида синаб кўрсин, ёки ҳеч бўлмаса - назарий жиҳатдан тан олсин. Назарий жиҳатдан муқаддас китобларни ўрганиб бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Парвардигор Кришна ҳақидаги илмни сиз ведавий битиклардан, шунингдек, аввал яшаб ўтган ва ҳозир яшаётган буюк содиқлардан ўргана оласиз.

Ҳозирги замонда Кришна ҳақидаги илмни Парвардигор Чайтаньянинг издошлари тарғибот қиладилар. Парвардигор Чайтанья - Кришна илмининг буюк билимдони. Кришнага бўлган муҳаббати Унинг ақлини бутунлай банд қилиб қўйган эди. Унинг издошлари, Вриндаванлик олти Госвами, айниқса Джива Госвами - бизга Парвардигор ҳақида жуда кўп нодир адабиётлар ёзиб қолдирган. Улар Кришна ҳақида бир неча жилдли асарлар ёзган. Ана шу олти Госвамининг шогирдлар силсиласи бизнинг кунларгача етиб келган: агар сизни илм олишнинг улардан олдинги даври қизиқтирса, бир неча юз йил аввалги тарихга, Вьясадева яшаб ўтган даврга мурожаат қилинг. Вьясадева "Шримад Бхагаватам" ва Кришна ҳақидаги бошқа адабиётларнинг муаллифи сифатида машҳур донишманд. "Шримад Бхагаватам" - тўлалигича Парвардигор Кришна, ягона Парвардигор ҳақидаги асар. "Бхагавад-гита"ни ҳам Вьясадева ёзган. Парвардигор Кришна "Бхагавад-гита"ни бевосита Ўзи айтган, Вьясадева эса, уни "Маҳобҳорат" дostonи таркибига киритиб, ёзиб қолдирган.

Вьясадева Кришнани Олий Шахс деб биледи. "Шримад Бхагаватам"нинг бошида Вьясадева Худонинг йигирма беш марта турли қиёфаларда моддий оламда намоён бўлганини ёзади. Шу қиёфаларни санаб ўтгандан кейин таъкидлаб айтадики, буларнинг барчаси - Парвардигор Кришнанинг ҳар хил кўринишлари, Кришна эса, - уларнинг манбаи, ягона Парвардигорнинг Ўзи, Худонинг Олий Шахси. Кришна Парвардигорнинг бир бўлаги эмас, У Парвардигорнинг Ўзи. Вьясадева шуни тасдиқлайди.

Агар биз шастраларда, муқаддас китобларда нозил қилинган илмга ишонсак, Кришнадан қудратлироқ, Кришнадан машҳурроқ, Кришнадан гўзалроқ зот йўқлигига амин бўламиз. Кришна бу сайёрага беш минг йил аввал ташриф буюрган, аммо У "Шримад Бхагаватам" шаклида қолдириб кетган илмни одамлар ҳали ҳозиргача ўрганиб келадилар. Бу асарни ҳозир фақат Ҳиндистонда, ёки фақат индуслар эмас, балки бутун жаҳон ўрганияпти. Америкада "Бхагавад-

гита"нинг камида 50га яқин, ҳар хил таржималари бор. Шунингдек Англияда, Германияда, Францияда ва бошқа мамлакатларда "Бхагавад-гита"нинг минглаб нашрлари мавжуд. Шундай экан, жаҳонда Кришнадан машҳурроқ Зот топилармикан? Шастраларни имон-эътиқод билан ўрганган киши Парвардигор Кришнанинг улуғворлигига чексиз далиллар келтира олади. Масалан, Кришна Ер сайёрасига келганида Унинг 16108 хотини бўлган, уларнинг ҳар бири учун У ҳашаматли, катта сарой курдирган. Ҳар бир хотини унга ўнтадан фарзанд туғиб берган, уларнинг ҳам бир нечтадан фарзандлари бўлган. Шундай қилиб, муқаддас китобларда Кришна - Худонинг Олий Шахси экани ҳақида жуда кўп далиллар келтирилган. Бу ҳақда коинотдаги биринчи тирик мавжудот - Брахма ёзиб қолдирган энг қадимий асар "Брахма-Самхита"да ҳам ёзилган.

Шу асарда *"ишвараҳ парамаҳ кришнаҳ"* деб ёзилган. Ишвара сўзи "Худо" деганни билдиради. Худоларнинг тури кўп. Шастраларда тушунтириладики, жуда кўп фаришталар бор ва улардан ташқари ягона Олий Худо, ягона Парвардигор бор. "Брахма-Самхита"да айтилптики, *ишвараҳ парамаҳ кришнаҳ*. Кришна - Худоларнинг Худоси. Кейин унинг таърифи келтирилган: *сач-чит-ананда-виграҳаҳ* - Унинг мангу танаси лаззат ва илмга тўла. Кейин *анадиҳ*: Унинг аввали-ю бошланиши йўқ. Унинг Ўзи бутун борлиқнинг аввали. *Анадир адир говиндаҳ*. Го сўзи сезгилар, шунингдек сигир, ер деган маъноларни билдиради. Бутун ер юзи, сигирлар Парвардигор Кришнанинг мулки, У барча сезгиларни яратган Зот.

Ҳаммамиз сезгиларимиз, ҳиссиётимиз орқали лаззат олишни истаймиз, аммо сезгиларимизни фақат уларни яратган Зот - Парвардигор Кришнани лаззатлантириш, Уни рози қилиш билангина тўла қаноатлантиришимиз, лаззатлантира олишимиз мумкин. Шунинг учун Парвардигор Кришнани "Говинда" деб ҳам атайдилар. У - Худонинг азалий бошланғич Олий шахси.

Айнан ана шу Олий Худо, Парвардигор "Бхагавад-гита"ни баён этиб, Аржунга Ўзи ҳақида гапириб берган. Шундай экан, фақат ўзининг мукамал бўлмаган сезгилари, ақли, тафаккури ёрдамида қандайдир файласуф бизга Парвардигор ҳақида Кришнанинг Ўзидан ҳам муҳимроқ бирор нарса айта олармиди? Албатта, бундай бўлиши мутлақо мумкин эмас. Ҳеч ким Парвардигор ҳақида Кришнанинг Ўзидан яхшироқ маълумот бера олмайди, чунки Кришнанинг Ўзи Парвардигор. Сизни ўзингиздан яхшироқ ким ҳам таърифлай оларди? Шунинг учун, агар сизда озгина ишонч бўлса, агар ҳеч бўлмаса назарий жиҳатдан Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тан олсан-

гиз, унда Кришнанинг "Бхагавад-гита"да берган насихатлари ёрдамида сиз Парвардигорни тўлиқ англай оласиз. Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ.

Агар сиз Кришнага ишонсангиз, Худо ҳақида жуда кўп нарса билиб оласиз: Унинг нима билан машғул экани, Унинг қувватлари қандай ҳаракат қилиши, Ўзини қандай намоён қилишлари, моддий ва руҳий олам нима экани, тирик мавжудотлар кимлар ва буларнинг барчаси ўзаро қандай муносабатда экани ва ҳоказо. Парвардигорнинг Ўзи нозил қилган китоблардан жуда кўп нарсаларни билиб олиш мумкин. Ведалар адабиётида асосан уч мавзубаён этилган, улардан биринчиси - алоҳида руҳ билан Парвардигор орасидаги ўзаро муносабатлар. Сиз Парвардигор билан ўзаро муносабатингизни тушуниб олсангиз, шундан хулоса чиқариб ҳаракат қила бошлайсиз - сизнинг ҳаётингиз, фаолиятингиз ўзгаради. Масалан, эркак билан аёлнинг бир-бирига ҳеч қандай алоқаси йўқ, лекин, улар орасида эр-хотин муносабатлари ўрнатилган заҳоти, улар ҳар бири шу муносабатлардан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қила бошлайди.

Ўзининг Парвардигор билан муносабатини билгандан кейин, одамлар одатда Парвардигорни ғамхўр ота ўрнида кўра бошлайдилар ва бола отасидан ҳар хил нарсаларни сўраши мумкин, деб ўйлайдилар. Аслида бундай муносабатларни улўғвор муносабат деб бўлмайди. Худони ҳақиқатан ҳам таниган кишилар У билан яқинроқ, улўғворроқ муносабатда бўла бошлайдилар. Сизнинг Худо билан бўлган ана шундай сирли, ўзаро яқин муносабатларингиз, қалбингиз моддийлик асоратидан тўла покланганида очила бошлайди. Ҳар бир тирик мавжудотнинг Парвардигор билан шахсий, фақат ўзига хос бўлган алоҳида муносабатлари бор, аммо ҳозир биз шу муносабатларни унутиб қўйганмиз. Агар сиз Парвардигорга садоқат билан холис хизмат қилиш йўлидан, Парвардигор Кришнани англаш йўлидан борсангиз ана шу муносабатлар сизга ўзидан ўзи очилади, шунда сиз ҳаётда олий мақсадга эришганингизни англаб етасиз. Худони, Парвардигор **Кришнани англаш - шунчаки муҳаббат ҳақидаги ҳаяжонли чиройли сўзлар, фикрлар эмас**, бу буюк ва нодир илм. Кришнани англаш усули "Бхагавад-гита", "Брахма-Самхита" ва Ведаларда, муқаддас китобларда ёзилган илмий қонунларга асосланган ва улар ҳақиқатан ҳам ишончли манбалар эканини Парвардигор Чайтанья, Рамануджачарья, Мадхвачарья, Нарада, Асита, Вьяса ва бошқалар сингари руҳий илм билимдонлари ва донишмандлар тан олганлар. Кришнани англаш жараёни илмининг дунёвий муҳаббат ёки тижоратга ҳеч қандай алоқаси йўқ: бу ҳақиқий руҳий фаолият,

агар сиз у билан жиддий шуғуллана бошласангиз, албатта ҳаётнинг олий мақсадига эришасиз.

Кришна "Бхагавад-гита"да шундай дейди: - **"Мени ҳақиқатан ҳам англаб етган рух, ҳозирги танасини ташлагандан кейин моддий оламга қайтиб келмайди ва бошқа моддий танага эга бўлмайди"**. Ундай рух нима қилади? У Парвардигор Кришнага, Худонинг даргоҳига, ўзининг ҳақиқий уйига қайтиб боради. Кришнани англаш ҳаракати ҳозирги даврдаги одамларнинг Парвардигорнинг мангу даргоҳига эришишига ишончли, реал имконият яратиб беради. Биз одамларга Кришна ҳақида илм берамиз, бу илм юқорида кўрсатилган "Бхагавад-гита" ва Ведалар сингари ишончли муқаддас китоблардаги маълумотларга асосланган. Веда сўзи "илм" деган маънони англатади, *веданта* эса, - "билишнинг якуний мақсади" деганни билдиради. Билим олишнинг якуний мақсади нима? Ана шу мақсад - Парвардигор Кришна. *Ведани ча сарваир ахам эва ведйах*. Барча Ведаларни ўрганиб, инсон охир оқибатда, ниҳоят Парвардигорга, Кришнага келиши керак. Фақат кўплаб умрлар давомида инсон танасида яшаган кишигина бунга эриша олади. Кўплаб умрларини илм олишга бағишлаган киши донишманд билимдон бўлади ва Парвардигор Кришнага ўз ихтиёрини топширади. У нимага шундай қилади? Чунки, Васудева, Кришна - бутун борлиқнинг аввали, ягона Парвардигор эканини англаб етади. Биз атрофимизда кўриб турган нарсаларнинг барчаси Кришнанинг ҳар хил қувватларининг намоён бўлишидир. Ана шунга тўла ишонч, иймон ҳосил қилган киши Худонинг содиқ хизматкорига айланади. Кришна ҳар бир инсонга - у тўлиқ илмга эгами-йўқми - ўз ихтиёрини бутунлай Худого топширишни насихат қилади. Биз ҳеч нарсани ўзимиз ўйлаб топганимиз йўқ, шунчаки Парвардигор Кришнанинг "Бхагавад-гита"да берган насихатларини бошқаларга етказамиз, холос.

Кришнани англаш ҳаракатининг моҳияти шундан иборат. Бизнинг илм эшиқларимиз ҳамма учун баробар очик, биз таклиф қилаётган усул эса, жуда осон. Бизнинг бутун жаҳон бўйлаб марказларимиз бор, шунинг учун агар шу жамиятнинг бутун инсониятга таркатаётган марҳаматидан баҳраманд бўлиб, туганмас бахтга эришишни истасангиз, марҳамат, даврамизга келинг, илм ўрганинг, бахтли бўлинг ва бошқаларга ҳам ўз бахтингиздан улашинг.

Ҳақиқий бахтга эришиш сири

Биз ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиб яшар эканмиз, сезгиларимизни ва ақлимизни жиловлаб олишга қодир бўла олмаймиз. Ақлимиз: - "Сезгилартиггни бирор нарса билан лаззатлантир!" - деб буйруқ беради, биз индамасдан унинг амрини бажаришга киришамиз. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга кўра яшашнинг маъноси сезгиларимизни лаззатлантиришдан иборат. Умрлар оша биз ўзимизнинг ҳар хил сезгиларимизни лаззатлантириш билан машғулмиз. Турли ҳаёт шаклларида тирик мавжудотларга ҳиссий лаззатнинг ҳар хил кўринишларидан лаззатланиш имкони берилади. Парвардигор Кришна бу дунёда бизга сезгиларимизни лаззатлантириш учун чексиз имкониятлар яратиб қўйибди.

Бизларнинг ҳар биримиз Кришнанинг ажралмас бўлақларимиз, шу сабабли, гарчи жуда кичик миқдорда бўлса ҳам, бизда ҳам Кришнанинг барча истаклари мавжуд. Бизнинг мавжудлигимиз - Худои Таолонинг мавжудлигининг жуда кичкина бўлаги. Бунинг олтин қони билан олтин заррасининг сифатларини тенглаш мисолида тушунтириш мумкин. Сезгиларини лаззатлантиришга мойиллик Кришнада бор. Сезгиларини лаззатлантирувчиларнинг энг биринчиси – Парвардигорнинг Ўзи. "Бхагавад-гита"да - "**Кришна - Олий лаззатланувчи**" - деб кўрсатилган. Аввало бундай интилиш Кришнада мавжуд бўлгани учун биз ҳам ҳаётда лаззатланишга интиламиз. "Веданта - сутра"да "**Бутун борлиқ аввало Кришнадан бошланади**" - дейилган. Парам брахман, Мутлақ Ҳақиқат, бу - бутун борлиқнинг, ҳамма нарсанинг манбаи бўлган Зот. Демак, биздаги лаззатланиш истаги ҳам Кришнадан чиққан. Сезгиларни лаззатлантиришнинг энг олий даражаси - Кришна билан Радхаранининг ишқий ўйинларидир. Оддий йигит-қизлар ҳам лаззатланишга интиладилар, лекин улардаги лаззатланишга бўлган бу мойиллик қаердан пайдо бўлган? Бу мойилликнинг манбаи - Кришна. Бизлар Кришнанинг ажралмас заррачалари бўлганимиз сабабли, сезгиларимизни лаззатлантириш истаги бизда ҳам бор. Лекин фарқи шундаки, бизлар моддий оламда лаззатланишни истаймиз, бу демак, олаётган лаззатларимиз мукамал эмас. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган зотлар сезгиларини Кришна билан мулоқотда бўлиб лаззатлантирадилар. Ана шундай лаззат - мукамал, ҳақиқий лаззатдир.

Бунинг қуйидаги мисолда тушунтириш мумкин. Фараз қилинг, бармоқларимиз билан қандайдир бир ширинликни ушладик, дейлик. Бармоқлар ширинлик билан ўзлари мустақил лаззатлана олмайдилар: улар ширинликни оғиз орқали ошқозонга узатиши керак, шундагина улар ҳам бу ширинликдан лаззатланадилар. Худди шундай, бизлар

ҳам ўз ҳолимизча лаззатлана олмаймиз. Бизлар Кришна билан бўлган азалий ўзаро муносабатимизни қайта тиклашимиз лозим, шунда Кришнанинг сезгилари лаззат олади. Кришнанинг сезгилари лаззат олган заҳоти биз ҳам қалбимизда руҳий лаззат ҳис қила бошлаймиз. Бизнинг асл ҳолатимиз ана шундай. Бармоқлар бирор нарсани ўзлари еб билмайдилар, улар бирор ширин нарсдан ўзлари, алоҳида лаззатлана олмайдилар. Бармоқлар ширинликни олиб оғизга солиши, шу тарзда қоринга лаззат олиб келиши лозим, натижада унинг ўзи ҳам ўзидан-ўзи лаззатланади.

Биз моддий нарсалардан лаззатланишга интилиш иллатидан покланишимиз лозим, - шундагина биз Кришнани англашга, Унинг онгида бўлишга эриша оламиз. Кришна онгида бўла олишимиз учун биз покланишимиз лозим. Бу нима дегани? Агар биз ўз ҳолимизча, Кришнадан ажралган ҳолда лаззатлана олмасак, унда Кришна орқали лаззатланишимиз лозим. Масалан, биз прасадамдан қандай лаззатланамиз? Биз прасадамни, шундай ажойиб таомни тўғридан тўғри ўзимиз эмас, балки Кришна орқали қабул қиламиз. Аввало биз таомни Кришнага таклиф қиламиз, кейин уни ўзимиз қабул қиламиз.

Бунинг нимаси қийин? Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ, аммо шу қоидага амал қилиш билан қалбингиз аста-секин поклана бошлайди. Сиз барибир овқат ейсиз, аммо агар уни аввал Книшнага таклиф қилмасангиз, моддий олам тутқунлигига бадтар ботиб кетаверасиз. Аммо, агар уни аввал Кришнага таклиф қилиб, фақат шундан кейин ўзингиз қабул қилсангиз, бу сизни моддий тутқунликдан, моддийлик иллатидан бутунлай поклайди. "Бҳагавад-гита"да ана шундай ёзилган. Содиқлар овқатни аввало Парвардигор Кришнага тақдим қиладилар, кейин Ундан қолган бу табаррук овқат - прасадни ўзлари қабул қиладилар. Мана шу қурбонлик деб аталади. **Қурбонлик дегани, сиз бирор нарсани Кришна ёки Вишну учун қурбон қиласиз, Худога тақдим этасиз**, деганидир. Қандай иш қилсак ҳам, ҳатто буни ўзларимиз

умуман билмасак ҳам, албатта қандайдир гуноҳ содир қилиб кўямиз. Ҳар қандай жонзотни ўлдириш, - билибми, билмайми - гуноҳ ҳисобланади. Шунчаки йўлда кетиб бораётиб ҳам биз қанча тирик мавжудотларни ўлдираемиз. Сиз ҳатто шунчаки сув ичаётиб ҳам қанча тирик мавжудотларни ўлдирасиз! Сув идишнинг ичида қанча микро-блар бор, сув ичаётиб уларни ўлдирасиз. Олов ёққанимизда ҳам неча минглаб кўринар кўринмас тирик мавжудотлар ўлиб кетадилар. Бирор нарсани янчаётганингизда ҳам қанча мавжудотларни ўлдирасиз.

Бизларнинг ҳар биримиз шу қилган гуноҳларимиз учун албатта жавоб берамиз. Биз ҳаётда билиб ёки билмай, онгли ёки онгсиз равишда ҳар турли гуноҳлар содир қиламиз ва шу гуноҳлар оқибатида моддий оламда тутқун бўлиб қоламиз. Шунинг учун ҳам инсон фақат аввало Худога эҳсон қилинган таомдан овқатланиши лозим: "Бҳагавад-гита"да, бу бизни ҳар қандай гуноҳлардан поклайди, деб ёзилган. Овқатни Кришнага эҳсон қилмасдан, фақат ўз нафси учун тайёрлаган киши эса, содир қилган гуноҳлар оқибатинигина ейди. Бундан қочиб кутулиб бўлмайди. Муқаддас китобларда ёзилганки, кўпчилик одамлар ўз сезгиларини жиловлай олмагани сабабли моддий ҳаёт кечиринишга мажбур бўладилар, натижада улар бу дунёда бир танадан иккинчи танага ўтиб, кетма-кет туғилиб-ўлиб юраврадидилар.

Мен ўзимнинг кейинги ҳаётим қандай бўлишини билмайман, аммо у албатта бўлади. Жуда кўп ҳаёт турлари мавжуд, мен ўлгандан кейин уларнинг хоҳлаган бирортасига тушиб қолишим мумкин. Балки мен фаришта, масалан, Браҳма бўлиб, ит ёки мушук бўлиб туғилишим мумкин. Моддий таналарнинг тури кўп. Гарчи буни истамасам ҳам, кейинги ҳаётимда мен у ёки бу танага эга бўлишга мажбурман. Масалан, мендан сўрашлари мумкин: "Кейинги ҳаётингизда сиз ит ёки чўчка бўлиб туғилишни истайсизми?" Албатта, мен буни истамайман. Аммо, табиат қонунига биноан, мен ҳозирги танамни тарк этгандан кейин, қилмишларимга яраша, карма қонунига асосан, тақдиримга ёзилган бошқа тана олишга мажбурман. Буларнинг барчасини Парвардигорнинг назорати остида моддий табиат амалга оширади. "Менга Браҳманинг, ёки Индранинг, ёки шоҳнинг, ёки юқори мартаба эгаллаган яна кимнингдир танасини беринг!" - деб талаб қилишнинг фойдаси йўқ. Кейинги ҳаётимизда қандай тана олишимизни биз ўзимиз ҳал қила олмаймиз. Бу ишларни Худонинг, Парвардигор Кришнанинг маъсул вакиллари қилади ва Унинг назорати остида улар бизга янги тана инъом этадилар. Демак, **бизнинг ҳозирги ҳаётдаги вазифамиз - Парвардигор Кришнанинг олдига, Худонинг даргоҳига бориш имконини берадиган тана олишга лойиқ ишлар қилишдан иборат.** Кришна онгида бўлиш деб шуни айтадилар.

Рухий илмнинг буюк билимдони Махараж Прахлада айтадики, ҳар бир фаросатли инсон насиҳат ола билиши керак. Насиҳатларни гурудан, рухий устоздан олиш керак. Ўзимиз рухий устоз деб тан олмаган кишининг насиҳатларини тингламаслигимиз керак. Аммо, ҳатто ҳақиқий рухий устози бўлган киши ҳам, агар ўзи моддий оламда қолиб кетишни истаса, Кришна онгида бўла олмайди, яъни, Худо-

нинг даргоҳига эриша олмайди. Бу дунё лаззатларидан тўла роҳатланиш учун модий оламда қолишга қатъий аҳд қилган бўлсам, мен ҳеч қачон Кришна онгига эриша олмайман.

Бу дунёда одамларнинг кўпчилиги бахт ва фаровонликка эришишни умид қилиб, ҳар хил сиёсий, ижтимоий ва ҳар хил бошқа фаолият билан машғул бўладилар, аммо уларнинг барча умидлари пучга чиқаверади. Шунини аниқ тушуниб олиш лозимки, моддий олам шароитларига мослашишга қанчалик уринмайлик, бу ерда, **моддий оламда биз ҳеч қачон бахтли бўла олмаймиз.** Буни балиқ мисолида тушунтириш мумкин: балиқни сувдан чиқариб, чиройли, юмшоқ пар тўшакка қўйишингиз мумкин, лекин балиқ барибир бахтсиз бўлиб қолаверади, - у шунчаки ўлиб қолади. Балиқ сувда яшаши керак, шунинг учун у қуруқликда ҳеч қачон бахтли бўла олмайди. Бизлар ҳам асл табиатимизга кўра - жон, рух, руҳий зарралармиз, шунинг учун руҳий ҳаётдан, руҳий оламдан ташқарида биз ҳеч қачон бахтли бўла олмаймиз. Бизнинг табиатимиз шундай.

Бизлар ҳар биримиз руҳий бахтга интиламиз, лекин ғофиллигимиз, илм етишмаслиги туфайли, бу ерда, моддий олам шароитида бахт излаб юрибмиз. Бундай уринишлар бизни фақат пушаймонликка, афсус-надоматларга олиб келади, холос. **Моддий оламда бахтли ҳаёт яратаман деган ўй, орзу-ҳаваслардан воз кечиш керак.** Шундагина Кришнани англаш усули сизга сезиларли фойда беради.

Менга шогирд бўлган ёш йигит ва қизларнинг барчаси дунё ҳаётидан кўнгиллари тўлмаган, ҳақиқий бахтга эриша олмаган одамлар. Улар камбағал оиладан чиққан одамлар эмас, уларнинг еб-ичиш ёки бошқа дунёвий лаззат олиш имкониятлари чекланмаган эди. Шунда нима сабабдан улар ўзларини бахтсиз сезганлар? Сиз ҳиндистонликларнинг кўпчилиги камбағал бўлгани учун ҳаётдан безган, деб айтишингиз мумкин, лекин америкалик бой одамларнинг фарзандлари нима сабабдан ҳаётдан безганлар? Мана шу - моддий, дунёвий ҳаёт ҳеч қачон инсонга бахт келтира олмаслигини кўрсатади. Сиз ҳаётда бирор вақт давомида бахтли бўлишга уриниб юришингиз мумкин, лекин моддий фаолият ҳеч қачон инсонга бахт олиб келолмайди. Ҳаётнинг ўзи буни исботлаб турибди. **Ҳаётини ҳар хил моддий қулайликлар билан таъминлаб бахтли бўлишга уриниб юрган одамлар Кришнани, Худони англаш йўлига қира олмайдилар.** Кришнани, **Худони англаш учун** киши дунёвий ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган, бу дунёда **бахтли бўлишнинг иложи йўқ эканига аниқ ишонган бўлиши** керак. Ғарбий давлатларнинг бадавлат оилаларидан чиққан бу ёшлар айнан ана шундай ҳолатда эдилар, шунинг учун

хам улар Кришнани англаш йўлига кирдилар. "Шримад Бхагаватам"да шундай бир шеър бор, унда айтилишича, Кришна Ўзининг содиқ хизматкорига алоҳида марҳамат кўрсатиш ниятида унинг бутун молу-дунёсини тортиб олади. Масалан, гарчи Кришнанинг Ўзи хамиша бирга бўлса ҳам, Пандузодалар салтанатидан айрилиб қолгандилар. Парвардигор Кришна - уларнинг дўсти эди, шунга қарамай улар ўзларининг салтанатидан айрилиб қолдилар. Пандузодаларнинг салтанатини тортиб оладилар, хотинини шарманда қилиб, устидан куладилар, ўзларини ўрмонга сургун қиладилар.

Нимага шундай бўлди? Махараж Юдхистхира Кришнага шундай савол берганди. У алам билан Кишнадан сўрагани: "Сен бизларнинг дўстимиз бўлсанг ҳам, нимага бизлар шунча қийинчиликларга дучор бўляпмиз?" Шунда Кришна унга жавоб бериб шундай деди: "Бу Менинг сизларга кўрсатаётган алоҳида марҳаматимдир!" Баъзида биз Парвардигорнинг кўрсатаётган алоҳида буюк марҳаматини англай олмай қоламиз.

Шундай қилиб, ғарбий давлатлардаги ёшларнинг дунёвий ҳаётдан норозилиги – уларга Худони, Кришнани англаш йўлига киришлари учун нодир имконият яратиб беради. Бу дегани, албатта ҳаётда камбағал бўлиш керак дегани эмас. Лекин одам моддий ҳаётда ҳам тўлиқ лаззатланиб яшайман, айти пайтда руҳий ҳаётда, руҳий юксалишда ҳам юқори поғонага кўтарила оламан деб, ўйласа, у қаттиқ адашади. Бу икки йўл бир-бирига умуман қарама-қарши йўللардир. Шунинг учун ҳаётда фақат руҳий бахтга эришишга қатъий қарор қилиш керак, чунки **ҳақиқий бахт - руҳий табиатга эга.**

Инсон танаси бизга *тапасья*, яъни, моддий лаззатлардан онгли равишда, ўз хоҳишимиз билан воз кечиб, ана шундай руҳий поғонага кўтарилишимиз учун берилади. Ҳиндистон тарихида ёшлигидаёқ ана шундай *тапасья*, риёзатга берилган Махараж Бхарата сингари жуда кўп шоҳлар ўтган. Бутун Бхарата варшанинг, Ер юзининг императори бўлган Махараж Бхарата ёш хотинини, бола-чақасини, салтанатини тарк этиб, риёзат чекиб, муроқабга берилиш учун ўрмонга кетганида атиги йигирма тўрт ёшга тўлган эди. Бундан бошқа мисоллар ҳам кўп. Кунларнинг бирида Хираньякашипу ўғли Махараж Прахлададан сўраган эди: - "Сенга Худо ҳақидаги илмни, Кришна онгини ким ўргатди?" Шахзодалар мулоқотда бўладиган одамлар давраси чекланган бўлади, уларни махсус ёлланган устозлар тарбиялайди. Қандай қилиб, эндигина беш ёшга тўлган бола шу қадар юксак даражада Кришна онгида бўлиши мумкин? Отаси бундан ҳайратга тушган эди,

шунинг учун у ўғлидан сўрайди: "Қандай қилиб сен Худони, Кришнани бундай юксак даражада англашга эришдинг?" Махараж Прахлада отасига шундай жавоб беради: "Отажон, сен сингари моддий ҳаётдан лаззатланиб юрган одамлар Кришнани англашга эриша олмайдилар". *хиранья* сўзи "олтин", *кашиту* эса, - "юмшоқ тўшак" деганни билдиради.

Моддий тасаввурлар таъсири остида ҳаёт кечириш - чайналганни чайнаш демакдир. Масалан, оиланинг бошлиғи - отани олайлик. У оиласи олдидаги ўз бурчини билади, шунинг учун оиласини боқиш учун тинмай меҳнат қилади. Ҳозирги даврда оиланинг фаровонлигини таъминлаш жуда қийин, шунинг учун оила бошлиғи оғир меҳнат қилади ва фарзандини ҳам шунга ўргатади. Гарчи одамлар дунёвий ҳаёт қийинчиликларга, азоб-уқубатларга тўла эканини билсалар ҳам, ўз фарзандларини ҳам айнан шу йўлдан боришга ўргатадилар. Бу ҳолат қайта-қайта такрорланаверади ва "чайналганни чайнаш" деб аталади. Дейлик, мен шакарқамишни чайнаб, ширасини сўриб олдим ва ташлаб юбордим. Агар бошқа одам шу таёкчани олиб, яна чайнай бошласа, буни чайналганни чайнаш, деб атайдилар. Тирикчилик учун каттиқ кураш билан боғлиқ бўлган дунёвий ҳаётнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. "Шримад Бҳагаватам"да шундай ҳаёт тарзи ҳақида, инсон танасида туғилган тирик мавжудот табиатнинг хирс гунаси таъсири остида бўлади, деб ёзилган. Моддий табиат уч гунадан иборат: эзгулик гунаси, хирс гунаси ва ғафлат гунаси. Одамлар хирс гунаси таъсири остида бўлгани сабабли тинмасдан меҳнат қилишни истайдилар. Уларнинг фикрича ана шу оғир меҳнатнинг ўзи - бахт. Агар сиз қайсидир катта шаҳарга борсангиз у ерда ҳамма ҳар хил меҳнат билан машғул эканини кўрасиз. Эрта тонгдан ҳар хил машиналар одамларни у ёқдан бу ёққа, ҳар хил завод-фабрикаларга, корхоналарга таший бошлайди. Шаҳарда одамлар эрта тонгдан то қоронғу кечгача тиним билмай ишлайдилар - шунини тараққиёт, цивилизация деб атайдилар. Кўпчилик одамлар бундай ҳаётдан безиб кетганлар - уларга бундай ҳаёт умуман ёқмайди. Бунинг ҳайратланарли жойи йўқ - ахир улар шунча ишлар қиляптилар. Чўчқалар ҳам кун бўйи тиним билмай ишлайдилар - улар ўзларига озиқ излаб, ахлат ахтардилар. Уларни бошқа нарса қизиқтирмайди. Бир жиҳатдан ҳозирги тараққиёт, замонавий цивилизация ит ва чўчқаларнинг маданиятига ўхшаб кетади. Бундай ҳолатни "инсонлар маданияти" деб аташга тилинг бормайди. Инсонлар маданияти онгли, чуқур маънога, мантқиққа эга бўлиши керак. Инсон ҳаётнинг маъносини тушунишга интилиши керак. Фаросатли инсон ҳаётга келгандан кейин ўйлаб кўриши керак:

"Мен кимман ўзи? Нимага бир бўлак нон учун кеча-кундуз тер тўкиб ишлашим керак? Нимага мен шундай ачинарли аҳволга тушиб қолдим?" "Веданта-Сутра"нинг энг бошида айтилганки, инсон ўзининг ким эканини, қаердан келганини ва қаерга бораётганини аниқлаб олиши керак. Кришнани англаш йўли бу моддий ҳаётдан безганлар учун кундалик ҳаётдан маъно топмаганлар учун очилади. Ана шундай одамнинг Кришна онгига эга бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд. Шундай одамгина нимага одамлар машаққат билан меҳнат қилаётганини ва инсон бўлиб яшашнинг маъноси, мазмуни нимадан иборат эканини англай олади.

Бу саволларга жавоб "Шримад Бхагаватам"да берилган. Одамлар **инсон бўлиб яшашнинг асл мақсади нимадан иборат эканини билмагани сабабли** машаққат билан тинмай меҳнат қиладилар. Гарчи улар "ҳаёт фаровонлиги учун ишляпмиз" деб ўйласалар ҳам, аслида фаровонлик нима эканини ўзлари билмайдилар. *На те видух свартха-гатим хи вишну*. Шунини аниқ билиш керакки, Вишнуни, Худони англаб етган кишигина ҳақиқий фаровонликка, фароғатга эришади. Одамлар шу ҳақиқатни билмайдилар. Нимага? Чунки ҳаётда уларнинг адо бўлмайдиган орзу-истаклари кўп. Агар мен аниқ амалга ошса бўладиган нарсага умид қилсам - бу яхши. Лекин, амалга ошиши қийин бўлган нарсадан умид қилсам, умидим ҳамisha пучга чиқаверади.

Биз аслида Худонинг ички ва ташқи қувватининг бирикмасимиз. Бизнинг танамиз - ташқи кўпол қувват таркибига, ақлимиз тафаккуримиз ва сохта ўзлимиз эса, - ташқи нафис қувват таркибига киради. Мана шу кўпол ва нафис ташқи қувватнинг ичида, Худонинг ички қувватига мансуб бўлган руҳ, жон мавжуд. Бизнинг танамиз ер, сув, олов, ҳаво ва эфирдан таркиб топган. Буларнинг ҳаммаси кўпол ташқи қувват. Бундан ташқари нафис ташқи қувват ҳам бор. Ақл, тафаккур ва сохта ўзлик ана шу қувватга мансуб. Буларнинг барчаси устида руҳ жойлашган.

Мен - ана шу тананинг эгасиман. Кийимларим менинг танамни ёпиб туради ва танага нисбатан улар бегона нарсалар ҳисобланади. Шунга ўхшаб руҳни ҳам Худонинг ташқи қуввати - ер, сув, олов, ҳаво ва эфирдан таркиб топган кўпол тана, - ақл, тафаккур ва сохта ўзликдан таркиб топган нафис тана ўраб туради. Кришнанинг ташқи қуввати бизни ўраб олиб, алдаб кўяди.

Агар чиройли кўйлак, ёки пальто сотиб олсам, ўзимни бахтли бўлгандай сезаман. Шундай эмасми? Агар сиз қимматбаҳо кийим сотиб олсангизу, қорнингизни тўйғазишга ширин овқатингиз, ухлаш

учун ётар жойингиз, бошқа зарур қулайликлар бўлмаса - бахтли бўла оласизми? Йўқ, бахтли бўла олмайсиз. Биз ҳаётда Кришнанинг ташқи қувватини бошқариб, унга ҳукмронлик қилиб, бахтли бўлишга ҳаракат қиламиз - бундан ҳеч қандай натижа чиқмайди. Бизлар руҳий зарралар - рухлармиз, шунинг учун биз руҳий нарсалар билан озиқланишимиз, руҳий ҳаёт билан лаззатланишимиз лозим. Фақат шундагина бахтли бўла оламиз. Худди қиммат пальто кийиш билан хурсанд бўлолмаслигимиз сингари, шунчаки моддий ҳаёт кечира туриб, биз ҳақиқий бахтга эриша олмаймиз. Қўпол ва нафис моддалар мавжуд. Қўпол унсурларга катта иморатлар, завод, механизмлар, йўллар, машиналар киради. Нафис нарсаларга - қўшиқлар, шеърят, мусика, фалсафа ва ҳоказолар киради. Одамлар қўпол ва нафис моддий нарсалар ёрдамида бахтга эришмоқчи бўладилар, лекин бунинг иложи йўқ.

Нимага одамларни мана шундай бемаъни ҳаёт кониктиради? Чунки уларнинг йўлбошчилари, раҳбарлари руҳий жихатдан кўр одамлардир. Биз бутун жаҳон бўйлаб Худони, Кришнани англаш илмини тарғибот қиляпмиз, лекин бунга жуда кам одамлар эътибор берадилар. Аммо, агар биз қандайдир бемаъни нарсани, масалан: "Агар мана бундай қилсангиз - олти ойда ҳамма нарсага қодир Худога айланасиз!" - деб, тарғибот қила бошласак, унда сафдошларимиз жуда кўпайиб кетган бўларди. Аслида ўзи шундай бўлади, ҳаётда кўрларни кўрлар етаклаб юради. Масалан, кўрлардан биттаси бошқаларига: "Менинг орқамдан юринглар! Бу ерда машиналар жуда кўп, мен сизларни кўчанинг нариги томонига ўтказиб қўяман!" - дейди. Аммо, унинг ўзи кўр бўлгани учун, у ҳам, унга эргашган одамлар ҳам қайсидир машинанинг тагига тушиб ҳалок бўладилар.

Биз моддий табиатнинг шафқатсиз қонунлари таъсири остига тушиб қолганимизни билмаймиз. Қандай қилиб ана шу табиат қонунлари таъсири остидан чиқа оламиз? Бунинг учун "кўзи кўр" бўлмаган одамнинг, кўзлари очилган, моддий табиат қонунларига бўйсунмайдиган кишининг насиҳатларига амал қилишимиз лозим. Инсон ўз ҳаётида ана шундай устоз-донишмандларнинг насиҳатларига амал қилиб яшаши лозим, шундагина у ҳақиқий фароғат, чинакам бахт нима эканини тушунади. Агар кўзи кўрмайдиган одам иккинчи кўр одамнинг насиҳатларига амал қилса, улар ҳеч қачон ҳам моддий табиат тутқунлигидан озод бўла олмайди.

Аслида, бизга ўзи нима керак, нима етишмайди? Масалан, бола йиғлаётганида, у нимани излайди? У она сутини излайди. Буни тушунган одам болани дарров онасининг олдига олиб келади: "Боланга

кара, у йиғлаяпти!" Онаси боласига кўксини берган захоти у тинчиб қолади. Ёш бола нима истаётганини тушунтира олмайди, шунинг учун фақат йиғлашни билади. Лекин, боланинг нимага йиғлаётганини билган киши уни овутиш учун нима қилиш кераклигини билади. Худди ёш бола сингари бизлар ҳам, Кришнанинг, Парвардигорнинг ажралмас бўлақларимиз - У билан ажралганимиз сабабли йиғлаймиз. Аммо, кўзи кўр раҳбарлар, сохта йўлбошчилар бу ҳақда ҳеч нарсани тушунмайдилар ва нон ўрнига бизга тош берадилар.

Қандай қилиб ҳаётда бахтли бўлиш мумкин? Айтиб ўтганимдек кўпол ва нафис ташқи қувват бор. Ҳоҳ кўпол, ҳоҳ нафис бўлсин, - кимни ана шу ташқи қувват қизиқтирадиган бўлса, ундай одам ҳеч қачон ўз орзуларига эриша олмайди. Шундай одамларга фақат Вишнуга, Кришнага махлиё бўлган, бошқаларга Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўлни кўрсата оладиган кишигина ёрдам бера олади. Шундай инсонгина одамларга Худони, Кришнани англаш йўлини тушунтиради ва шунинг учун уларнинг ҳақиқий дўсти ҳисобланади. Бошқа ҳеч ким уларни бу ҳаётда бахтли қила олмайди. Буюк донишманд Махараж Прахлада ана шундай деб айтган.

Моддий қувват ёрдамида ҳеч қачон бахтга эришиб бўлмайди. Бундан ҳеч қандай натижа чикмайди, чунки моддий қувватни биз бошқариб турганимиз йўқ. Уни Худонинг Ўзи бошқариб турибди. Биз қандай қилиб моддий қувватни ўзимизга бўйсундира оламиз? Бунинг иложи йўқ. "Бхагавад-гита"да айтилганки, моддий табиатни, унинг қонунларини енгишнинг иложи йўқ. Кришна айтадики: "Бу Менинг қувватим, Мен уни бошқариб тураман. Унинг ҳукми остидан фақат ўз ихтиёрини Менга топширган одамгина қутула олади".

Намоён бўлган бу моддий оламнинг дунёвий фаолияти Худонинг ҳукмига бўйсуннишни истамаган руҳларни Унинг даргоҳига қайтариш учун мўлжалланган. Моддий табиатнинг асосий мақсади шундан иборат. Бу дунёда майанинг шафқатсиз қонунлари ҳукмронлик қилади. Уларнинг нима кераги бор? Ҳукуматга милиция нимага керак бўлса, *майа* ҳам Худога шунинг учун керак. Милиция халқни ҳукуматга бўйсундириш учун керак. Агар одам давлат қонунини бузса, уни ушлаб, қамоқхонага қамайдилар. Худди шундай, Худонинг қонунларига бўйсуннишни истамаган зотларни моддий табиат ўзининг аёвсиз қонунларига бўйсуннишга мажбур қилади ва у моддий ҳаётда азоб чекиб яшашга мажбур бўлади. Аслида оламнинг тузилиши ана шундай. Шунинг учун ҳақиқий бахтга, фароғатга эришишни истаган киши Худони, Олий Ҳукмдорни топишга интилиши ва бутун ихтиёрини унга топшириши лозим. Фақат шунда одам ҳақиқий бахтга эришади.

Агар у қандайдир моддий усуллар билан бахтли бўлишга интилиб юрган бўлса, унинг умидлари пучга чиқаверади.

Махараж Прахлада бизга Худога, Кришнага олиб борувчи осон йўлни, Кришнани англаш йўлини кўрсатиб берган. У айтадики, сизлар бахт йўлида мутлақо кераксиз бўлган, ҳар хил йўллари йўлаб топдинглар ва уларда адашиб юрибсизлар. "Шримад Бхагаватам"нинг бошида ёзилганки, биз ана шу кераксиз, йўллардан чиқишга ва барча ташвишлардан биратўла қутулишга интилишимиз лозим. Бугун эрталаб мен шогирдларимдан бири юборган расмда Берлин шаҳрини томоша қилдим. Мен Берлинда ҳам, Москвада ҳам бўлганман, - жуда чиройли шаҳарлар. Берлин - ажойиб шаҳар. Лондон ҳам гўзал шаҳар, лекин нима сабабдан одамлар бир-бирлари билан урушиб, шундай ажойиб шаҳарларга бомба ташлайдилар. Нима сабабдан шундай бўлади? Бунинг сабаби шундаки, одамлар ягона Парвардигорга, Вишнуга интилмай қўйдилар. Шунинг учун ҳам одамлар бир-бирига: - "Сен менинг душманамсан, мен - сенинг душманингман!" - деб, худди ит-мушуклар сингари, бир бирига душманлик қиладилар. Биз ҳаётимизнинг асосий мақсадини - Худони, Вишнунинг англаб етиш, Кришнани англаш қилиб олган заҳоти бу шаҳарларнинг барчасида, бутун жаҳонда ҳақиқий фаровонлик, тинчлик ҳукм сура бошлайди. Ҳамма бахтиёр бўлади, улар биргаликда ширин-ширин таом - прасадлар еб, рақсга тушиб ҳаёт лаззатини сура бошлайдилар ва умрларининг охирида ҳақиқий уйларига, Худонинг олдига қайтадилар. Ҳаётингизнинг олий мақсадини Кришнанинг даргоҳига эришиш қилиб, бу ҳаётда ҳам, кейинги ҳаётингизда ҳам лаззатланиб яшанг - бизнинг таклиф қилаётган йўлимиз ана шундан иборат.

Ҳар бир инсон Кришнани англаш ҳаракатининг мақсадини, моҳиятини тушунишга ҳаракат қилиб, унга жиддий ёндошиши лозим. Бу ҳаракатнинг фаолияти қандайдир ўткинчи, кимлардир ўйлаб чиқарган қоидаларга эмас, мангу ведавий муқаддас қонунларга асосланган. Биз жаҳоннинг ҳамма давлатларида марказлар очганмиз ва уларда ҳаммага шуни тушуниб олиш имкониятини берамиз: агар ҳақиқий бахтга, фароғатга, фаровонликка эришишни истасангиз - Кришнага, Худога, Вишнуга интилишингиз лозим. Бизнинг вазифамиз шундан иборат, бизга қўшилиб ана шу улугвор йўлдан бориб, **аввал ўзингиз мангу бахтга эришинг ва уни бу дунёда бахтга интилайтган ҳар бир кишига етказишга ҳаракат қилинг.**

Йоганинг олий мақсади

"Бхагавад-гита"да *мам* иборасини кўп учратамиз. Бу санскритча сўз бўлиб, "Менга" деган маънони англатади. Кришна, Худонинг Олий Шахси: - "Менга!" - деб айтяпти. Буни бошқача талкин қилмасдан Кришнага, яъни, Худога деб тушуниш керак. Агар мен: "Менга бир стакан сув келтиринг!" - десам, демак, сув менинг ўзимга керак, агар сувни бошқа бировга эмас, менга олиб келсангиз тўғри ҳаракат қилган бўласиз. Кришна "Менга!" - деганида, Кришнага, Худого деб тушуниш керак. Шунга қарамай баъзи бир файласуфлар бу иборани бошқача талкин қилишга уринадилар: "Буни бошқача тушуниш керак! *Мам* - бошқа бир нарсага дегани!" Бундай талкин қилиш ҳатто грамматика нуқтаи назаридан ҳам нотўғри.

Қалбида Худого, Парвардигор Кришнага боғланиш ҳиссини ривожлантирган киши Кришна онгида бўла олади. Одам бировни севиб қолганида ҳамиша севгилисини ўйлаб юради. Севиб қолган кишининг ҳолати шундай бўлади, - бу табиий ҳол. Айтишларига қараганда, эридан бошқа бировни севиб қолган аёл, ўзини кун бўйи уй ишлари билан бутунлай банд қилиб кўрсатгани билан хаёлида ҳамиша севгилисини ўйлаб юради: "Қачон кеч кириб, севгилим билан учрашар эканман?" Демак, биз ҳар хил ишлар билан машғул бўлиш билан бир вақтнинг ўзида севган кишимиз ҳақида ўйлаб юришга қодирмиз. Агар ҳатто бу моддий дунё ҳаётида ҳам севган нарсанг ҳақида ўйлаб юриш мумкин бўлса, нимага шу нарсага руҳий ҳаётда эришиб бўлмасин? "Бхагавад-гита"да берилган насиҳатларнинг асосий мазмуни шундан иборат.

Кришна Аржунга шундай дейди: "Сен жангчисан, шунинг учун жанг қилишинг лозим. Сен жанг қилишдан бош тортишга ҳаққинг йўқ, чунки жанг қилиш - сенинг бурчинг". Билишимча, юртингизда йигитларнинг ҳарбий хизматга боргиси келмайди. Улар кшатрий, жангчилар руҳида тарбия олмаган, шунинг учун ҳам улар армияга боришдан бош тортадилар. Уларни шудралар, яъни ишчилар сифатида тарбиялаганлар. Мана шу ҳолат жамиятнинг табақаларга бўлиниши илмий жиҳатдан тўғри эканини исботлайди. Жамиятнинг бир бўлагини брахманлар, зиёли билимдон одамлар ташкил қилиши керак. Чуқур тафаккурли, зукко одамларни танлаб олиб, уларга фалсафани - барча фанлар ичида энг кийин ва умумлаштирувчи фанни ўргатиш лозим. Брахманларга хос чуқур тафаккурга эга бўлмаган ёшларни ҳарбий хизматга ўргатиш керак. Жамиятга фақат ҳарбийлар эмас, ҳар хил касбдаги одамлар керак. Ҳамма ҳам ҳарбий бўла олмай-

ди-ку? Шудраларни, яъни, оддий ишчиларни жанг қилиш учун Вьетнамга юбордилар, улар жангда шунчаки ўлиб кетдилар. Ўзининг ҳар хил илмий ютуқлари билан ғурурланадиган, аммо жамиятдаги одамларни қобилиятларига мос фаолият билан машғул қила олмайдиган давлат – шунчаки, аҳмоқлар макони.

"Бҳагавад-гита"да Кришна айтадики, жамият тўрт табақага бўлинган: брахман(зиёли)лар, кшатрий(жангчи)лар, вайшья(савдогар)лар ва шудра(ишчи-хунарманд)лар. Жамиятнинг бу бўлиниши табиий ҳол. Баъзи бир одамлар руҳий жиҳатдан юксалишни истайдилар - улар брахманлар ҳисобланади. Ҳозир биз руҳий илм ўрганишга лаёқатли ёшларга Худони, Кришнани англаш илмини ўргатяпмиз, шундай ёшларни баъзида, уларга мутлақо ноўрин бўлган ҳарбий хизматга боришга мажбур қиладилар. Аҳмоқ одамлар бу ёшларнинг бутун инсониятга саодат келтирувчи энг олий илм ўрганаётганини тушунмайдилар. Уларни бу ишдан тўсиб, уларнинг буюк инсон бўлиб етишишларига халақит бериб, умрларини зое қилишнинг нима кераги бор? Брахманларга хос ҳислатларга, чуқур мулоҳазага эга бўлган бу ёшлар "брахмачарий" - ҳақиқий шогирдлар сингари риёзат чекиб, пок ҳаёт кечириб юрибдилар: улар гўшт, тухум, балиқ сингари ифлос овқатларни емайдилар, жинсий алоқа билан шуғулланмайдилар. Биз уларни ҳақиқий брахманлар, энг олий даражадаги зиёли инсонлар, жамиятнинг энг пок инсонлари қилиб етиштирамиз. Агар оилада битта брахман бўлса, бундан бутун оила - ҳатто бутун жамият покланади. Афсуски, ҳозирги одамлар брахманлар ёки кшатрийларни қандай тарбиялашни билмайдилар. Шудралар ва вайшьялар шуғулланадиган соҳаларда уларни ўқитиш жуда яхши йўлга қўйилган. Бизнесменларни тайёрлайдиган коллежлар, институтлар кўп. Бу жуда яхши. Лекин жамиятдаги ҳар бир одамни техника билан, ишлаб чиқариш билан боғлашнинг нима ҳожати бор? Масалан, тана меёрида ривожланиши учун унинг қўллари ҳам, калласи ҳам, қорни ҳам, оёқлари ҳам бўлиши керак. Тананинг ҳамма органлари керак. Сиз - "Менга каллам керак эмас!" - деб айта олмайсиз. Бу аҳмоқлик, тананинг ҳар бир аъзоси керак. Калласи бўлмаган тана - мурда, яъни, "бошсиз гавда - лош"дир. Тана бутунлай соппа-соғ бўлиши мумкин, аммо унинг калласи бўлмаса, - у мурда ҳисобланади. Калла - тананинг фикрлаш фаолиятига жавоб берувчи аъзо ҳисобланади. Худди шунингдек, жамият организмнинг танасида брахманлар бўлмаса - бу организм ўлик ҳисобланади. **Руҳий илмга эга инсонлар бўлмаган жамият ўлик жамиятдир.**

Шунинг учун Кришна айтяпти: **"Одамларнинг сифатлари ва фаолиятига мос равишда Мен жамиятда тўрт табақа яратдим!"** Ўзининг сифатларига мос равишда брахмачарий-брахман фаолияти билан машғул бўлган, Худони, Кришнани англаб етишга лаёқати бор

30

одамни ҳарбий хизматга чақиришнинг нима кераги бор? Қшатрийлар - жамият организмнинг кўлларидир. Албатта, улар ҳам жамиятга керак. Жамиятни, давлатни ҳимоя қилиш учун ҳарбийлар керак. Буни ҳеч ким инкор қилмайди. Лекин брахманларни ҳарбий хизматга мажбур қилишнинг умуман кераги йўқ. Бу - чопқир отни юк ташиш учун аравага кўшиш деган гап. Чопқир отнинг вазифаси умуман бошқа. Аравага бошқа отни, эшакни, хўкизни ёки туяни кўшиш керак.

Мен ҳамма нарсани очиқ айтяпман, менинг фикримни ҳар ким тушуна олади: руҳий илмга эга бўлган, Худони, Кришнани англаб етган одамлари бўлмаган жамият - аянчли, ўлик жамиятдир, чунки бу жамият организмнинг калласи йўқ. Бошсиз одам - шунчаки лош, мурда ҳисобланади. Ўйлаш, фикрлаш қобилияти бўлмаган киши ҳам калласиз одам ҳисобланади. Фикрлаш, ўйлаш қобилиятини йўқотган кишини одатда ақлдан озган, жинни деб атайдилар. Агар одамнинг умуман калласи бўлмаса, у шунчаки ўлик одамдир.

Ақлдан озган ёки ўлик жамиятда одамлар тинч, осойишта ҳаёт кечириши мумкин деб ўйлайсизми? Бундай бўлиши мумкин эмас. Деярли барча аъзолари ақлсиз бўлган жамиятда тинчлик, осойишталик қаердан бўлсин? Шунинг учун ҳозирги даврда жамиятдаги одамлар Худони, Кришнани англаш илмини ўрганишлари жуда зарур, бу жуда муҳим, долзарб масала. Жамиятни бошқариб турган кишилар - давлат президенти, мудофаа вазири ва бошқалар - чуқур фикр юриштишлари ва мана шу илмини, руҳ ва Худо илмини англаб етишга ҳаракат қилишлари лозим.

Кеча Токиода мен Япония ҳукумати министрларидан бири билан суҳбатда бўлдим. Уларнинг ҳукумати Кришнани англаш ҳаракати билан ҳамкорлик қилиши кераклигини тушунтирмакчи бўлдим. У эса: "Йўқ, йўқ, биз диний ҳаракатлар билан ҳамкорлик қила олмаймиз!" - дейди. У одам ҳукуматда энг муҳим лавозим эгаллаб турибди, аммо мутлақо ғофил, нодон одам. У бизнинг ҳаракатимизни бошқа ақидапараст диндорлар жамияти сингари, қандайдир диний ҳаракат деб ўйляпти. Биз айтаётган, тарғибот қилаётган нарсалар қандайдир кераксиз, бемаъни ақидалар эмас, - ҳар қандай жамият олдида турган энг муҳим заруриятдир: жамиятнинг маълум бир бўлаги Худони,

Кришнани англаб етган иймонли, донишманд одамлар бўлиши керак. Акс ҳолда кўп ўтмай бутун жамият ҳалокатга учрайди. Ана шундай аҳмоқ одамлар бошқараётган жамиятда қандай қилиб осойишталик бўлиши мумкин? Итлар жамиятида тинчлик, осойишталик бўлиши мумкинми? Итнинг табиати шундайки, у бошқа бир итни кўриши билан акиллай бошлайди: "Вов!", "Вов!" Одамлар жамиятини ит, мушук ва йўлбарслар жамиятига айлантисангизу, наҳотки яна унда тинчлик, осойишталик бўлади, деб ўйласангиз!? Йўлбарс жуда кучли ҳайвон - у бошқа кўп ҳайвонларни ўлдириши мумкин. Лекин, бундан йўлбарс - жуда керакли, муҳим ҳайвон, деган хулоса келиб чиқмайди. Йўк, инсонлар жамиятида йўлбарслардан ҳеч қандай фойда йўк. Худди шундай ҳозирги инсоният ҳам катта кудратга эга - кудратли оммавий қирғин қуроллари бор, улар билан минглаб одамларнинг ёстиғини қуритиш мумкин. Лекин бу инсонларга хос иш эмас, ундай жамиятни инсонларга хос маданиятли жамият деб аташга тилинг бормайди.

Одамлар жамиятини маймунлар, йўлбарслар ёки эртадан кечгача оғир меҳнат билан машғул эшаклар жамиятига айлантиришнинг ҳам кераги йўк. Наҳотки, эшаклар жамияти ҳаётда кўпроқ саодатга эришади, деб ўйласангиз? Йўк, бунинг иложи йўк.

Кришнага, Худога нисбатан лоқайд, хайрихоҳ, бепарво бўлмаган одам қалбида Унга нисбатан боғланиш туйғусини уйғота олади. Мен келмасдан олдин ғарбий давлатларда Кришнани англаш ҳаракатига ўхшаган жамият бўлмаган, лекин ҳозир шундай жамият мавжуд ва у муваффақият билан ривожланыпти. Кришна Ўзини сизнинг юртингизда намоён қилмагани учун, одатда сизлар Уни ўзингизнинг Худо деб қабул қилишни истамайсизлар. Аммо Кришна ҳаммани Ўзига жалб этади, гарчи бошқа давлатларда яшасангиз ҳам, У сизларни бегона деб ҳисобламайди. Кришна учун сизлар чет эллик эмассизлар. У ҳаммани Ўз фарзандлари деб билади. Фақат ғофиллигимиз туфайли биз Уни бегона, чет эллик деб ҳисоблаймиз.

"Бхагавад-гита"да Кришна шундай дейди: - "Азизим Аржун, албатта, ҳаётнинг жуда кўп шакл ва турлари мавжуд. Лекин, **Мен - барча тирик мавжудотларнинг отасиман**". Кўряпсизми: Кришна фақат одамларни эмас, барча тирик мавжудотларни - ҳайвонларни, кушларни ва бошқа барча тирик мавжудотларни ҳам Ўз фарзандлари деб айтяпти. У: "Мен уларнинг отасиман!" Шундай экан, қандай қилиб Кришнани бегона, чет эллик деб ҳисоблаш мумкин? Бу аҳмоқона фикр. Кўп одамлар Кришна - Ҳиндистонлик, ёки Унга индуслар сифинадилар, чунки У - индуизмдаги кўп Худолардан бири, -

деб ўйлайдилар. Кришна ҳам уларнинг фикрини маъқуллайди, деб ўйлайдилар: - "Ҳа, Мен ҳиндларнинг Худосиман. Мен индусман!". Йўқ, аслида Кришна Қуёш сингари ягона. Наҳотки Қуёш - Американики ёки Ҳиндистонники бўлса? Американики, Ҳиндистонники деган гапларга умуман ўрин йўқ: буларнинг барчаси - юзаки нотўғри гаплар.

"Ер сайёраси одамларники, фақат одамларники!" - мана сизнинг коммунизм. Замонавий коммунизм ғояси мукаммал ғоя эмас, чунки руслар: -"Россия - фақат руслар учун!" дейдилар, хитойликлар: - "Хитой - фақат хитойликларники!" - дейди. Нимага бошқаларники эмас? Ўйлаб кўринг - фақат одамлар учун коммунизм! Нимага фақат одамлар учун? Коммунизм бўлса, барча тирик мавжудотлар учун коммунизм бўлсин! Агар сиз, бу олам фақат инсоният учун яратилган деб ўйласангиз, сизнинг олам, ҳаёт ҳақидаги тасаввурларингиз мукаммал эмас. Бу олам барча тирик мавжудотларники, ҳамманики! Бу олам дарахтлар жамиятига ҳам, ҳайвонот оламига ҳам тегишли. Уларнинг ҳам ҳаёт кечиришга тўла ҳаққи бор. Нимага дарахтларни кесиб ташлаяпсизлар? Нимага ҳўкизларни қушхоналарга жўнатяпсизлар? Бу адолатдан эмас! Агар ўзингиз адолат қилмаётган бўлсангиз, қандай қилиб жаҳонда адолат ўрната оласиз?

Биз Кришна онгига эга эмасмиз. Кришна - бошланғич отамиз, бизлар, тирик мавжудотларнинг барчаси - Унинг фарзандлари эканимизни билмаймиз. Дарахтлар - бизнинг укаларимиз, чумолилар ҳам, ҳўкизлар ҳам. Америкалик, хитойлик, ҳиндистонлик - барчаси менинг оғайниларимдир. Биз Кришна онгида ана шундай фикр юритишимиз лозим. Биз бутун жаҳон ҳамжиҳатлиги, қардошлиги тўғрисида гап юритамиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузамиз, лекин буларнинг барчаси мутлақо маъносиз нарсалар. **Токи ҳар бир одам ягона Ота, ягона Парвардигорни, Кришнани тан олмас экан биродарлик, қардошлик, ҳамжиҳатлик ғояларини амалга ошириб бўлмайди.** Шунинг учун ҳам одамлар неча йиллар мобайнида бу ғоялар ҳақида гапирадилару, лекин барибир бу гаплар ушалмас орзу бўлиб қолаверади. БМТда ишлайдиган одамлар Нью-Йоркдаги штаб-квартирада нима билан машғул эканини наҳотки кўрмаётган бўлсангиз? Улар шунчаки бекорчи, бўлмағур гап сотиб ўтирадилар: уларнинг қиладиган ишлари шундан иборат. Бутун дунё халқлари ягона Худони, Кришнани англаб етганларидагина жаҳонда халқаро аҳвол ўзгариб, ҳақиқий тинчлик, ҳамжиҳатлик ўрнатилади.

Кришна айтяптики, қалбингизда Худого боғланиш туйғусини ривожлантиришингиз лозим. Бу жараён аста-секин, поғонама-поғона

ривожланади, биздаги ҳеч бир ғоя одамлар ўйлаб топган сохта ғоялар эмас. Самимий шогирдларимдан кўплари қалбида Парвардигор Кришнага боғланиш туйғусини ривожлантира бошладилар. Акс ҳолда улар Харе Кришна мантрани зикр қилишга шунча вақтини сарфлаб юрмаган бўлардилар. Уларнинг қалбида Худога, Парвардигор Кришнага боғланиш туйғуси анча ривожланган - бу аниқ амалга оширса бўладиган иш. Албатта, агар ҳаракат қилса, ҳаётда ҳар хил нарсаларга нисбатан муҳаббат уйғотиш мумкин, аммо, Кришнага, Худога муҳаббат уйғотиш - тирик мавжудот учун табиий ҳол, чунки Кришна қандайдир бир айрим диннинг, ёки сектанинг Худоси эмас. Кришна: - "Мен - ҳаммааникиман, барчага баробарман!" - деб айтяпти. Демак, азалий табиатимизга кўра бизларнинг барчамиз Кришна билан боғланганмиз, биз шунчаки бунинг эсдан чиқариб қўйганмиз, холос. Харе Кришна мантрасини зикр қилиш билан сиз хотирангизда Кришна билан бўлган аввалги ўзаро муносабатингизни қайта тиклайсиз. Биз сизнинг ҳаётингизга қандайдир бегона нарсаларни олиб кирмоқчи эмасмиз. Мутлақо ундай эмас, аслида Кришна билан ўзаро муносабатлар табиий равишда азалдан мавжуд, шунчаки сиз уларни унутиб қўйгансиз, холос. Биз сизларга ана шу азалий муносабатларни қайта тиклаш усулини таклиф қиляпмиз. Бунинг учун биринчи навбатда сиз даврамизга, эҳромга келишингиз мумкин. Бу ерда сиз Кришнани ва Унинг содиқларини учратасиз. Бундан ташқари Харе Кришна мантрасини такрорлай бошлашингиз мумкин.

Парвардигор Кришна Ўзининг муқаддас номидан фарқ қилмайди, чунки Парвардигор мутлақ, абсолют табиатга эга. Парвардигор Ўз каломидан, айтган сўзларидан фарқ қилмайди. Муқаддас ном "Кришна" билан Парвардигор Кришна орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, чунки, бутун борлиқ Худо, Кришна билан боғлиқ.

Мутлақ Ҳақиқатни монизм ёки пантеизм шаклида тушунтирадиган фалсафий бирлик ғояси муқаммал эмас. Таркибида Кришна ҳақидаги илм бўлгандагина бу ғоя муқаммал бўлади. Кришна - Олий Мутлақ Ҳақиқат, бутун борлиқнинг манбаи. Шунинг учун бутун борлиқ - Кришна, Худо. Масалан, олтин конидан олтин олиб, ҳар хил тақинчоқлар, маржонлар ясашингиз мумкин. Уларнинг барчаси "олтин" деб аталади, чунки олтиндан қилинган. Албатта, сиз тақинчоқларни сирға деб аташингиз мумкин, лекин олтин сўзини қўшиш керак - "олтин сирға". Ёки, аслида у Олтин конидан олинган олтиндан қилинган, олтин бўлса ҳам, сиз уни "маржон" деб аташингиз мумкин. Кришна ҳам ана шундай, бутун борлиқнинг азалий, бошланғич манбаи.

Кришна - Мутлақ Ҳақиқат, Парвардигори олам бўлгани учун, ундан фарқ қиладиган, Ундан ташқарида бўлган бирор нарса умуман мавжуд эмас. Масалан, биз исирға, маржон, браслет ҳақида гапиранизми - буларнинг барчаси олтиндан қилинган бўлгани учун уларни "олтин" деймиз. Аини пайтда буларнинг барчасини шунчаки олтин деб бўлмайди. "Олтин маржон", "олтин сирға" деб айтиш керак. Майавади, имперсоналистлар ҳамма нарсани, ҳар бир мавжудотни Брахман деб атайдилар. Аммо "ҳамма нарса Брахман" деган бундай тушунча ҳақиқатга тўғри келмайди.

Бу ҳолат "Бхагавад-гита"нинг ўн учинчи бобида батафсил тушунтирилган: **"Мен бутун борлиққа сингиб кетганман. Менинг шахсиятсиз кўринишим ана шундай"**. Кришна Ўзининг шахсиятсиз аспектида ҳамма жойда мавжуд, аммо, аини пайтда У Шахс бўлиб қолаверади. Майавади-файласуфлар ўйлайдиларки, "Агар Кришна бутун борлиққа сингиб кетган бўлса, қандай қилиб У бутун борлиқдан айрим ҳолда, маълум бир жойда Шахс сифатида бўлиши мумкин?" Шундай деб ўйлайдиган одамлар - ҳақиқий ярамас одамлардир, чунки, улар Парвардигор Кришна ҳақида ўзларининг моддий тасаввурларидан келиб чиққан ҳолда фикр юритадилар. Ундай одамларнинг рухий илмдан мутлақо хабари йўқ.

Моддий нарсалар билан тажриба қилганда биламизки, агар, бир варақ қоғозни олиб, уни майда бўлақларга бўлиб ташласак, бир варақ қоғоз йўқ бўлиб кетган ҳисобланади. Моддий нарсалар шундай табиатга эга. Аммо, Ведалар таълимотига кўра, Мутлақ Ҳақиқат ҳар томонлама мукамал, шунинг учун, агар Ундан тўла бутунни олсангиз ҳам У аввалгидай яна тўла бутунлигича қолаверади. Бирдан бирни олсангиз бир қолади. Моддий сатҳда бирдан бирни олсангиз ноль қолади, аммо рухий сатҳда ҳаммаси умуман бошқача табиатга эга. Рухий оламда бирдан бирни олсангиз бир қолади, бирга бирни кўшсангиз ҳам бир бўлади.

Кришна - бутун борлиқдир. Майявадилар бизнинг бу ерда ўрнатган Илоҳларимизни кўриб, "Уларни қаранглар, қандайдир ёғоч кўғирчоқларни кўйиб, уларга Худо деб сиғиняптилар!" - деб айтадилар. Лекин Кришна ҳақида илмга эга бўлган киши Кришна - бутун борлиқда мавжуд эканини билади, шунинг учун У Ўзини хоҳлаган нарсада намоён этиши мумкинлигини билади. Масалан, электр қуввати бутун электр тармоғида мавжуд, шунинг учун унинг қайси нуқтасига уланманг, сиз электр токи билан алоқада бўласиз. Худди шундай Кришнанинг "токи" - Унинг шахс сифатига эга бўлмаган қуввати ҳам - ҳамма жойда мавжуд. Шунинг учун худди электрик

сингари, тажрибали рухий устоз ҳар ерда Парвардигор билан Унинг қуввати орқали муносабат ўрната олади. Бизга телефон алоқаси ўрнатиш керак бўлганда, телефон станциясидан мутахассис чақирамиз ва у телефон уланадиган жойни топиб, бизнинг аппарати-мизни улаб кетади. Биз унинг қандай қилиб станция билан улангани-ни тушунмаслигимиз мумкин, аммо у буни яхши билади ва ўз ишини ҳеч қийналмасдан бажаради. Худди шундай Кришна, Худо билан ҳам алоқа боғлашни ўрганиш лозим. Кришнанинг дарахтданми, темир-данми ёки бошқа нарсалардан қилинган қиёфаларидан Кришнани чақира билиш лозим.

Атрофимизни ўраб турган нарсаларнинг барчасидан, ҳамма жой-да Кришна билан боғлана олиш илмини ўрганиш керак. Йога усули-нинг мазмун - моҳияти шундан иборат. Кришнани англаш ҳам йога, - барча йога тизимлари ичида энг олий ва мукамал йога ҳисобланади. Кўринишидан жуда оддий бўлишига қарамай, "биз шуғулланаётган йога усули - йоганинг энг олий усули", деб ҳар қандай йогларни баҳсга чақира оламиз. Бу йога билан шуғулланиб юрганларнинг қандайдир кудратга эга бўлишлари учун ҳафталаб бирор жисмоний машқларни бажариб юришларининг ҳожати йўқ. Кришнани англаб етган киши Кришна учун хизмат қилиб чарчамайди. Барча шогирдла-рим ҳамиша Кришна онгида қандайдир иш қилишга интиладилар: "Прабхупада, илтимос, менга яна қандайдир хизмат буюринг!" Улар буюрилган вазифаларни жон-диллари билан бажаряптилар. Моддий оламда эса, бирор иш билан анча машғул бўлгандан кейин, чарчаб қоласиз ва у жонингизга тегиб кетади.

Мен, албатта, гимнастика билан шуғулланмайман. Ёшим етмиш иккида, кексайиб қолганман. Касаллигим туфайли ҳатто Ҳиндистонга қайтиб кетишимга тўғри келганди, лекин шунда ҳам ишсиз ўтира олмайман. Аслини олганда мен бу ишларнинг ҳаммасидан биратўла воз кечишим мумкин эди, аммо кучим етганича, Худо йўлида холис хизмат қилишга ҳаракат қиламан. Қалбимда Кришна онгини кеча-ю кундуз ривожлантиргим келади. Тунлари диктофон ёрдамида меҳнат қиламан, мабодо бирор сабаб билан ишлай олмай қолсам, жуда қийналаман. **Кришна онгида бўлиш - Худо учун, Кришна учун холис хизмат қилиш иштиёқида ёниб яшаш демакдир.** Кришнани англаш жамияти - ишқмаслар жамияти эмас. Бизда иш ҳаммага етиб ортади: биз рухий адабиётларни нашрга тайёрлаймиз ва уларни бутун дунё бўйлаб таркатамиз.

Қалбингизда Кришна онгини ривожлантириш учун нима иш қилишингиз мумкинлигини бир ўйлаб кўринг. Агар сиз ҳаётда

хақиқатан ҳам осойишталикка эришмоқчи бўлсангиз, агар хақиқатан ҳам бахтли бўлишни истасангиз - сиз Кришна онгида бўлишингиз лозим. Бунинг учун эса, биринчи навбатда қалбингизда Кришнага боғланиш ҳосил қилиш лозим. Биз таклиф қилаётган усул муқаддас номларни зикр қилиб қуйлаш ва Илоҳлар олдида рақсга тушиш, шунингдек, Парвардигорга ҳар хил таомлар тақдим қилиш, кейин улардан тановул қилишдан иборат. Шу ишларни бажариб юриш натижа-сида қалбингизда Кришна онги ривожлана боради.

"Бхагавад-гита"да таърифланган йога усули ҳозир ғарбий давлатларда кенг тарғибот қилинаётган бошқа йогалардан умуман фарқ қилади. Ўзини "йог" деб атайдиган ўша одамларнинг ғарбий давлатларга олиб келаётган йога тизимлари умуман нотўғри усуллар, нотўғри тизимлардир. Йога билан шуғулланиш осон эмас: энг аввало инсон ўз сезгиларини жиловлаб олиши лозим. Йога билан жиддий шуғулланишга қарор қилган кишига жинсий алоқа қилиш ман қилинади. Йога билан шуғулланиш билан бир вақтнинг ўзида маст килувчи нарсалар истемол қилиш, гўштли таомлар билан овқатланиш, эҳтиросли қимор ўйинларида ёки спорт мусобақаларида қатнашиш, умуман олганда, ҳар хил бемаъни, аҳмоқона ишлар билан машғул бўлиш ярамайди. Мен бир юртдошимнинг бу ерга "йога усто-зи" бўлиб келганини кўриб ҳайрон бўлдим: у Ҳиндистондалик вақтида йога билан шуғулланиш билан бир вақтнинг ўзида спиртли ичимликлар ҳам ичавериш мумкин, деб тарғибот қилиб юрарди. Албатта, бу ҳеч қандай йога машғулотини эмас, йога билан ундай шуғулланмайдилар. Сиз, албатта, уни йога деб аташингиз мумкин, лекин бундай бемаъни машғулотларнинг ҳақиқий йогага ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Айниқса ҳозирги пайтда йога билан шуғулланиш жуда қийин. "Шримад Бхагаватам"да **"йога билан шуғулланиш - бутун диққат-эътиборни Олий Рух, Вишнуда жамлашдир"**, деб тушунтирилган. Вишну бизнинг қалбимизда жойлашган, унда фикримизни жамлаш учун одам ўз ҳиссиётини, сезгиларини жиловлаб олиши лозим. Одамнинг сезгилари асов отларга ўхшайди. Агар аравангизни тортиб бораётган асов отларни бошқара олмасангиз, хавф остида қоласиз. Бир фараз қилиб кўринг: сиз аравада ўтирибсиз, отлар сизга бўсунишдан бош тортиб, бор кучи билан сизни дўзах сари судраб кетяпти. Жуда хатарли, ачинарли ҳолат, тўғрими? Йога билан шуғулланиш - сезгиларни бошқара билиш, уларни жиловлаш, демакдир. Сезгиларни илонларга қиёслайдилар. Илонлар дўстни ҳам, душманни ҳам билмайди: улар дуч келган одамни чақиб олаверади, улар чаққан ки-

ши ўлимга маҳкум. Агар инсон ўз сезгиларини жиловлаб олиб, уларни бошқара олмаса, жуда хавфли ҳолатда ҳисобланади.

Ведавий битикларда айтиладики, сезгилари хуруж қилганида киши ақлини йўқотиб ҳамма нарсани унутиб юборади. Сезгиларининг исканжасига тушиб қолиб, эҳтирос таъсири остида ақлини йўқотган шундай одам, ҳатто ўз қизи билан ҳам жинсий алоқа қилиб қўйиши мумкин. Шунинг учун, шастраларда, муқаддас китобларда руҳий ҳаёт кечираётган киши учун, фақат унинг учун эмас, ҳар бир маданиятли одам учун ҳатто онаси, қизи ёки опа-синглиси билан ҳам ёлғиз қолиш ман қилинган.

Бу қоидалар умуман ахлоқсиз одамлар учун ёзилган, деб айтишингиз мумкин, йўқ, ундай эмас: шастралар одамга ҳатто онаси, қизи, опа-синглиси билан ёлғиз қолишни ман қилади, чунки, инсон қанчалик юқори маданиятга, маънавиятга эга бўлмасин, барибир унда шаҳвоний эҳтирос хуруж қилиб қолиши мумкин.

Бизларнинг бу дунёдаги ҳолатимиз ва ҳаётдаги барча азоб-уқубатларимиз танамиз билан боғлиқ. Танамиз - барча мусибатларимиз сабабчисидир, шунинг учун моддий танадан халос бўлишга ҳаракат қилиш, руҳий танада яшашга интилиш лозим. Ҳозир биз ўзимизга ёт бўлган шароитда, бегона муҳитда яшайпмиз. Ўзининг руҳий табиатига кўра жон, рух эркин, озод, аммо ҳозир у моддий олам, моддий унсурлар муҳитига тушиб, шартланиб қолган. Танамиз моддий унсурлардан таркиб топган.

Инсон чуқур тафаккурга эга, шу боис у ўзининг ким, аслида, танами ёки бошқа нарсами эканини англаб етишга қодир. Буни аниқлаб олиш қийин эмас. Инсон аслида тана эмас: ахир у ўлганида, тана ҳеч қаерга кетмайди-ку, лекин ҳамма дод-вой солади: "У бизни ташлаб кетди!" Унинг танаси олдингизда ётибди - нимага сиз "У кетиб қолди!" - дейсиз? У олдингизда ётибди-ку! Ана шундай пайтда биз ўйлаб кўриш, онгимизга келиш, ўзимизни тушуниб олиш имкониятига эга бўламиз: тана - аслида инсоннинг ўзи эмас. Инсоннинг "ўзи" ҳақиқатан ҳам кетди.

Чақалоқ улғайиб ўспирин бўлади, энди унинг аввалги чақалоқ пайтидаги танаси йўқ. Кейин у ўспирин танасини меники сингари кекса чол танасига алмаштиришга мажбур бўлади. Тана ўзгариб, алмашиб туради, фақат йиллар ўтиши билан эмас, ҳар бир секунд сайин алмашиб туради. Лекин, ўзимиз тана ичида бўлган ҳолда яшашда давом этаверамиз. Буни тушуниш жуда осон. Моддий танамиз бўлгани учун биз қийналамиз, азобланамиз. Бизнинг ҳаётдаги ҳар қандай фаолиятимиз, хоҳ у сиёсий, иқтисодий ёки қандайдир бошқа

фаолият бўлсин, азоб-укубатлардан, мусибатлардан кутулишга қаратилган. Жамият учун, оиласи учун, ватани учун меҳнат қилар экан, ҳар бир инсон азоб-укубатлардан кутулишга ҳаракат қилади. Одамларнинг бутун фаолиятининг мазмуни, моҳияти шундан иборат. Мамлакат ҳам, жамият ҳам, ҳар ким алоҳида ўз ҳолича ва ҳамма бир-галиқда - барчамиз қийналяпмиз, бизнинг азобланаётганимизнинг, мусибатларимизнинг сабабчиси - танамиздир.

Йога билан шуғулланиш - "ҳақиқий ўзлигимиз"ни, яъни, аслида ким эканимизни излаш демақдир. Мен кимман ўзи? Агар мен тана бўлмасам, унда мен кимман? Мен - соф руҳий зот, жон, руҳман. Аммо, танамнинг, сезгиларимнинг фаолиятини жиловлаб олиб, уларни тартибга солмасам, ўзимга бўйсундириб олмасам, ўзимни, ким эканимни англай олмайман. "Бҳагавад-гита"да ҳамма аслида ғофиллик ботқоғига ботган, деб ёзилган. Нимага бизларни ғофил деган? Бунга сабаб, барчамиз моддий тана олганмиз. Фараз қилинг, кимдир сизни уйига таклиф қилса, агар у ерга бориш хавфли эканини билсангиз - у ерга борасизми? Сиз - "Йўқ, мен у ерга бормайман. Ундай хавфли жойда нима бор?" - дейсиз. Лекин, моддий тана ичида яшаш хавфли эмасми? Нимага сиз унинг ичига кириб олгансиз, яна бирин-кетин уларни алмаштириб юрибсиз? Сиз самолётда учишдан кўрқасиз, чунки у кулаб тушиши мумкин. Нимага бундан кўрқасиз? Сиз танангиз учун кўрқасиз - руҳингизга, жонингизга ҳеч нима қилмайди. Шунда ҳам барибир кўрқасиз.

Рух мангу, тана эса, - ўткинчи. Сиз аслида мангу руҳ бўлган ҳолда ҳалокатга маҳкум бўлган тана ичига тушиб қолганингиз сабабли азобланишга мажбурсиз. Демак, худди касалликдан кутулишга ҳаракат қилган сингари, моддий тана тутқунлигидан ҳам кутулишга ҳаракат қилиш керак. Касал бўлиб қийналиш сизнинг табиий ҳолатингиз эмас. Ўзингизнинг асл табиий ҳолатингизда ҳаётдан лаззат олиб яшайсиз, лекин касаллик сабабли ҳаётдан лаззатлана олмайсиз. Касал одамнинг фаолияти чекланган бўлади: у тўшакда ётишга, ҳар хил дориларни ичишга мажбур бўлади. Бундай ҳолат бизга ёқмайди: "Нимага мен касал бўлишим керак?" Аммо, барибир касал эканимизни тан олишга мажбурмиз. Худди шунга ўхшаш, аниқ тушуниб етиш керакки, табиатан пок, озод бўлган руҳнинг моддий тана ичига тушиб, шартланиб қолган ҳолати, унинг касал, табиатига мос бўлмаган ҳолати эканини тан олиш керак. Агар касал одам тортаётган азоб-укубатлари унинг касаллиги сабабли бўлаётганини билмаса, шуни тушуниб етмаса, у шунчаки аҳмоқ, нодонлигича қолаверади. Ундай одам - энг нодон одам бўлади.

Шастраларда ёзилганки, ҳар бир одам ғофил бўлиб туғулади: моддий танага эга бўлдингизми, демак сиз ғофил, нодонсиз. Бу ҳаммага тааллуқли - америкаликларга ҳам, ҳиндистонликларга ҳам, ит ва мушукларга ҳам - ҳеч бир тирик мавжудот бундан мустасно эмас. Сиз шунчаки касалсиз. Агар сиз "Мен - америкаликман" деб ўйласангиз, сиз маълум даражада касалсиз. Ўзи ҳақида "мен ҳиндман" ёки "мен мушукман" - деб ўйлаш ғофиллик, касалликдир. Сиз ит ҳам эмас, мушук ҳам эмас, ҳинд ҳам эмас, оқ ҳам эмас, қора ҳам эмассиз: сиз - руҳсиз! Мана шу сизнинг ҳақиқий ўзлигингиз. Агар инсон шуни англаб етмаса, ўзи аслида пок руҳ эканини тушунмаса, унинг бутун фаолияти пучга чиқади.

Йисо Масих: **"Агар инсон бутун оламни эгалласа-ю, ўзининг мангу руҳини йўқотса, бундан нима фойда?"** - деб айтган эди. Одамлар ўзининг ким эканини билмайдилар, шунга қарамай, ақлдан озгандай тиним билмай ишлайдилар. Уларга бир қаранг: бор кучларини ишга солиб меҳнат қиляптилар, уларнинг ҳаммаси - ғофиллик ботқоғига ботган нодонлар. Аслида улар ҳеч қандай америкалик, немис ёки японлар эмас. Шунчаки уларга мана шу Ер сайёрасига, мана шу азоб укубатга тўла жойга келиш имкони берилган. Маълум бир мамлакатда туғилиб, улар маълум танага эга бўлдилар - энди шу тананинг ичида жойлашиб олганлар.

"Бҳагавад-гита"да биз таналаримизни худди кийим алмаштиргандай алмаштиришимиз ёзилган. Йога, - моддий унсурлар тутқунлигидан биратўла халос бўлиш йўлидир. Сиз худди кийим алмаштирган сингари, кетма-кет туғиласиз-ўласиз, туғиласиз-ўласиз: шунинг учун ҳам азоб чекишга мажбурсиз. Агар шуни тушуна олмансангиз, бутун фаолиятингизнинг, ҳаётингизнинг ҳеч қандай маъноси қолмайди.

Йога билан шуғулланиш - моддий тана тутқунлигидан чиқиш ва ҳақиқий ўзликни, ҳақиқий "Мен" ким эканини англаб етишдир. Сизнинг танангиз ота-онангиздан пайдо бўлган, сиз ўзингиз, пок руҳ унинг пайдо бўлиш манбаи ҳисобланасиз. Аммо, бу руҳнинг ўзи қайсидир вақтда пайдо бўлади, туғилади, кейин анча вақтдан кейин йўқ бўлиб кетади, дегани эмас. Руҳ ҳеч қачон туғилмаган ва ўлмайди. "Бҳагавад-гита"да айтилганки, руҳ – Парвардигорнинг ажралмас зарраси. Худо мангу. У лаззат ва роҳатга тўла. Худонинг, Мутлақ Шахснинг табиати шундай. У мангу ва ҳамиша илм ва лаззатга тўла. Парвардигори оламнинг ажралмас зарраси бўлганимиз сабабли бизлар ҳам мангумиз, Унинг лаззатини қисман ҳис қиламиз ва кичкина заррача имкониятига яраша илмга тўламыз.

Инсон барча тирик мавжудот ичида энг чуқур тафаккурга эга зот ҳисобланади, аммо улар ўзларининг чуқур тафаккуридан ногўгри фойдаланиб юрибдилар. Бу нима дегани? Улар чуқур тафаккурини фақат ҳайвонларга хос бўлган сезгиларининг талабларини қондириш учун ишлатадилар. Еб-ичиш, ухлаш, жинсий алоқа ва ўзини ҳимоя қилиш - ҳайвонларга хос бўлган эҳтиёжлар ҳисобланади. Ҳозирги одамларнинг нима билан машғул эканига разм солинг: улар фақат мана шу тўрт турли эҳтиёжни қондириш учун ҳаракат қиладилар. Ухлаш учун кулай бўлсин деб, пар тўшаклар ясаيدилар. Овқатланиш учун ширин таомлар тайёрлайди. Жинсий алоқа қилиш учун ҳар хил кулайликлар яратадилар. Ўзларини муҳофаза қилишга бўлган эҳтиёжини эса, ватанини ҳимоя қилиш учун кўплаб атом бомбаларини яратиш билан намоён қиладилар.

Бундай фаолият билан машғул бўлиш ҳайвонларга хос бўлган хусусиятдир. Улар ҳам ўз табиатларига мос равишда ухлайдилар, улар ҳам ҳаётларини муҳофаза қиладилар. Уларнинг атом бомбалари бўлмаса ҳам, барибир қандайдир қуроллари бор. Балки сиз душманнингизни ўлдирарсиз, балки у сизни ўлдирар, лекин, аслида унинг ҳаёти ҳам, сизники ҳам ҳимоясиз, - сиз ўзингизни ҳимоя қилишга кодир эмассиз, чунки, бомба ташлаган билан, ўзингиз радиация таъсири остида қоласиз. Демак, бундай фаолият билан шуғулланганингиз билан муаммо ҳал бўлмай қолаверади. Фақат шартланган ҳолатдан биратўла қутулиш билангина барча муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Мана шу йога, яъни, Кришна билан, ягона Парвардигор билан боғланиш ҳисобланади.

Парвардигор ҳақиқатан ҳам бор. Бир разм солиб қаранг, олам қанчалик ажойиб, чиройли яратилган - ахир бунинг учун кимдир бош қотирган эмасми? Осмон қанчалик гўзал, ер қанчадан-қанча озиқ-овқатларни ундириб берапти, бизлар ва бутун коинотнинг ҳаётини таъминлаш учун ёруғлик ва иссиқлик таратиб Ой ва Қуёш қандай қилиб ўз вақтида аниқ пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммаси мохирлик билан тартибга солинган, шунга қарамай, табиат қандайдир онгли шахснинг амри билан эмас, балки ўзидан-ўзи ҳаракат қилади, дейдиган аҳмоқлар топилади.

Лекин аслида ҳақиқат шундан иборатки, Худо, Парвардигор Кришна ҳақиқатан ҳам бор, бизлар ҳаммамиз - Кришнанинг ажралмас бўлақларимиз. Бу ерда, моддий оламда бизларнинг ҳар биримиз шартланган ҳолатдамиз. Энди эса, инсон бўлиб туғилганимиздан кейин, ана шу шартланганлик ҳолатидан қутулишимиз лозим. Аммо, бундан қутулиш осон эмас. Сиз ўзингизда Кришна онгини ривожлан-

тирмай туриб моддий тана туткунлигидан қутула олмайсиз. Кришна онги қандайдир мавхум нарса деб ўйламанг. Аксинча, одамлар ҳамма нарсадан ҳам Кришна онгига муҳтождирлар. Аслида Кришна онги, ягона Парвардигор онги ҳар бир инсон қалбида мавжуд. Киртана пайтида разм солган бўлсангиз, одам қанчалик бегуноҳ бўлса, у шунчалик тез киртанага қўшилиб кетади ва қарсак чалиб рақсга туша бошлайди. Кришна онги - ҳақиқатан ҳам тирик мавжудотнинг табиий ҳолати ва унга эришиш қийин эмас.

Шундай қилиб, қалбида Кришна онгини ривожлантирмай туриб шартланганлик ҳолатидан қутулиб бўлмайди. Буни тушуниб олиш жуда муҳим. Кришна онги - бу қандайдир ҳис-туйғуларга берилган кишилар ўйлаб топган ақидалар эмас, ҳақиқий, илмий ҳақиқатдир, уни чуқур эгаллаб олиш керак. Фақат шундагина инсон ҳаётининг асосий вазифасини бажарган, инсон умрининг асосий мақсадига эришган бўласиз: акс ҳолда умрингиз бекорга хазон бўлади. Сиз ватанингизни буюк давлатлар қаторига кўтаришингиз мумкин, аммо бу билан ўз муаммоларингиздан бирортасини ҳам ҳал қила олмайсиз.

Кришнанинг марҳамати билан мен ҳаёт қувватимни сизларга хизмат қилиш учун қўллай оламан. 1967 йил Американи тарк этиб кетгандим, чунки оғир касал эдим, лекин, ҳаёт ҳам, ўлим ҳам, бошқа нарсалар сингари, Худонинг, Кришнанинг қўлида. Ўшанда мен: "Вриндаванга қайтганим маъқул, чунки Вриндаван - муқаддас жой, у ерда ҳамма нарса Кришна онгида" - деб ўйлаган эдим. Мен ўлаётди Худони, Кришнани ўйлаш имкониятига эга бўлиш учун у ерга бормокчи эдим. Албатта, атрофингизни Кришна онгида бўлган муҳит ўраб турган бўлса, бу ерда яшаб туриб ҳам, Вриндаванда турган ҳисобланамиз. Вриндаван - бу шунчаки Вриндаван деб аталадиган жой эмас. Кришна айтадики; "Мени фақат Худонинг даргоҳида, Вайкунтҳада, шунингдек, йогларнинг қалбида яшайди, деб ўйлаш нотўғри". Йоглар Кришнани ўзларининг қалбидан излаб топишга ҳаракат қиладилар. Лекин Кришна айтяптики: - "Мен руҳий оламда эмасман, йогнинг қалбида ҳам эмасман". Унда қаердасан? "Мен – асл содиқларим Мени олқишлаётган, Мени шарафлаб куйлаётган жойдаман!" Ана шундай жой Вриндаван деб аталади.

Демак, Кришна шарафлаб куйланаётган жой Вриндаван бўлса, шундай жойда туриб мен ўзимни Вриндавандан деб ҳисоблашим мумкин. Агар қаердадир электр лампочкаси ёниб турган бўлса, - демак, у ерда электр токи бор. Бу ўз-ўзидан маълум. Худди шундай, қаердадир Кришна онги мавжуд бўлса, - шу жой Вриндаван. Кришнанинг чексиз марҳамати билан биз агар Харе Кришна мантрасини так-

роласак ва куйласак ҳоҳлаган жойда Вриндаван муҳитини ярата оламиз. Кришна онгини мукамал англаб етишга ҳаракат қилинг: мана шу руҳий машғулоти асосидаги фалсафани тушуниб олишга ҳаракат қилинг. Бу қандайдир сафсата эмас, ҳақиқий илм, биз уни ҳар тарафлама тушунтириб бера оламиз.

Ҳозир инсониятга Кришнани англаш илми жуда зарур. Бу илми ўрганинг, унинг чуқурлигини ва улуғворлигини англашга, тушунишга ҳаракат қилинг - уни бошқаларга ҳам ўргатинг. Бунинг қийин эмас. Агар сиз Харе Кришна мантрисини ҳақоратларсиз зикр қилсангиз, қалбингизда ўздан ўзи бу илм сирлари очила боради, чунки Кришна сизнинг қалбингизда ҳам мавжуд. Агар руҳий қувватингиз етарли бўлса, сиз Парвардигор Кришнага ва сиз билан Кришна орасида шаффоф ойна вазифасини бажарувчи руҳий устозга аниқ ишонсангиз, албатта Кришна ёнингизда эканини ҳис қиласиз. Ведаларда айтилганки: агар сиз Худога ва Худо илмини ўргатаётган руҳий устозга тўлиқ ишонсангиз - сизга муқаддас китобларнинг тўғри мазмуни, сири очилади.

Бу йўл руҳий йўл, ундан бориш учун қандайдир моддий афзалликларга эга бўлишнинг ҳожати йўқ. Назариётчи-файласуфлар ҳақиқий ўзлигини англаш илмидан йироқда ва шунинг учун ғофиллик ботқоғига ботган, ўз умрини бекорга хазон қилиб юрибдилар. Ундай файласуф қанчалик маъруза ўқимасин, барибир аҳмоқ ва ярамас, ғофил, нодонлигича қолиб кетаверади. Аксинча, **Кришнани англашнинг амалий йўлидан бораётган киши, ҳаёти кескин ўзгараётганини, кундан кунга муаммолари камайиб, ҳақиқатан ҳам бахтиёр яшаётганларини сеза бошлайдилар.** Бу ҳақиқий реалликдир.

Азиз ёш йигит ва қизлар, илтимос, Кришнани, Худони англаш илмига, унинг амалий жараёнига жиддий эътибор беринг, шунда сиз албатта бахтли бўласиз, чунки ҳаётингиз баркамол бўла бошлайди. Сизнинг шахсий ҳаётингизда улуғвор бир янгилик пайдо бўлади. Бу қандайдир кўзбўямачилик эмас: мен сизнинг юртингизга пул ишлагани келганим йўқ. Кришна бизни етарлича маблағ билан таъминлаб турибди. Мен ғарбий давлатлардан Ҳиндистонга, Ҳиндистондан бошқа давлатларга тез-тез саёҳат қиламан, мен ўзим эмас, жуда кўп шоғирдларим ҳам дунё бўйлаб, саёҳат қилиб тарғибот қиладилар. Ҳатто бадавлат одамлар ҳам ўзларига бундай харажатларни раво кўролмайдилар: ахир йўл харажатларига ўн минглаб доллар кетади. Аммо бизлар Парвардигор Кришна йўлида ҳолис хизмат қиламиз, шу боис Кришна бизни Ўзи таъминлайди. Мен пуллар қаердан келишини

билмайман, лекин қайсидир йўллар билан Кришна бизни таъминлаб турибди. Кришна онгида бўлар экансиз, сиз албатта бахтли бўласиз. Сизлар - ёш авлод, мамлакатингиз, халқингизнинг келажагисизлар. Мана шу энг улуғвор таълимот - Кришнани, Худони англаш таълимотига амал қилинг. **Ўзингиз ҳақиқий бахтга эришинг ва бошқалани ҳам бахтиёр қилинг.** Ҳаётнинг асосий маъноси шунда.

Ҳақиқий ҳаёт

"Бхагавад-гита"да ёзилишича жуда кўп минг одамлар ичида биргина киши ўз ҳаётини мукамал қилишга, комил инсон сифатида ҳаёт кечиришга интилади. Аслини олганда, инсон ҳайвонларнинг бир тури, лекин, бошқа тирик мавжудотлардан у ўзининг чуқур тафаккури билан фарқ қилади. Хўш, унинг чуқур тафаккури нимада, қандай намоён бўлади. Инсондаги чуқур тафаккур унинг фикр юритишида, **тўғри хулоса чиқара олишида** намоён бўлади. Бундай қарасангиз ит ва мушукларда ҳам тафаккур бор. Масалан, олдингизга бир ит келди, дейлик. Агар сиз унга: "Йўқол!" - деб айтсангиз, у сизни тушунади ва кетиб қолади. У сизнинг қувлаётганингизни тушунади. Демак, қандайдир даражада тафаккур, фикрлаш қобилияти итларда ҳам бор. Шундай экан, инсонни бошқа ҳайвонлардан ажратиб турадиган тафаккур қандай тафаккур, қандай фикрлаш экан.

Танасининг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган фикрлаш қобилияти ҳар қандай ҳайвонда ҳам бор. Ошхонада уй бекаси берадиган сутдан лаззатланиб овқатланишни истаган мушук ҳам, ақл билан ҳаракат қилади, у ўзини ёқимтой кўрсатади: бекасининг ошхонадан чиқишини кутиб туради, унга эркаланиб, суйкала бошлайди. Демак, ҳайвонларга хос бўлган эҳтиёжларнинг тўрт тури - еб-ичиш, ухлаш, насл қолдириш ва ҳимояланиш учун етарли бўлган фикрлаш қобилияти ҳатто ҳайвонларда ҳам бор. Лекин инсонни "юксак тафаккурли ҳайвон" даражасига кўтарадиган тафаккурнинг афзаллиги, фақат инсонга хос бўлган юксак тафаккур нимада намоён бўлади?

Шундай тафаккур инсоннинг "Мен нимага азоб чекапман?" - деб ўйлашида намоён бўлади. Инсоннинг бошқа ҳайвонларникидан фарқ қиладиган алоҳида тафаккури мана шунда намоён бўлади. Гарчи ҳайвонлар ҳам ҳаётда азоб чекаётганига қарамасдан, улар бу азоблардан қутулиш йўлини изламайдилар. Аммо инсонлар жамиятида одамлар илм ўрганадилар, фалсафа билан шуғулланадилар, маданият, ҳар хил динлар мавжуд: одамлар бу соҳаларда ўз билимларини кенгайти-

риб борадилар, чунки шу йўл билан мусибатлардан қутулиб, бахтли бўлишга интиладилар. **"Қандай қилиб ҳақиқий бахтга эришиш мумкин?"** Фақат инсонгина ўзига ана шундай савол бера олишга кодир.

"Бҳагавад-гита"да Кришна айтадики, "Кўплаб одамлар ичида фақат биргина киши менга эриша олади". Кўпинча одамларнинг ҳаёти ҳайвонларникидан фарқ қилмайди. Уларнинг ҳаётдаги ягона ташвиши - танасининг эҳтиёжларини қондиришдан иборат: уларни фақат еб-ичиш, ухлаш, бола-чақа қилиш ва ҳаётини муҳофаза қилиш қизиқтиради. Шунинг учун ҳам "Бҳагавад-гита"да кўплаб одамлар ичидан фақат биттаси чекаётган мусибатларининг асосий сабабини излашга интилади, деб ёзилган. Шундай одам ўзига савол бера бошлайди: "Нимага мен азоб чекапман?" Биз ҳаётда азоб чекишга мажбурмиз, лекин буни истамаймиз. Масалан, қаттиқ совуқ бўлишини истамаймиз, жазирама иссиқ бўлишини ҳам, лекин барибир, уларга чидашга мажбурмиз.

У ёки бу сабабларга кўра тафаккуримиз уйғонганида биз ана шу азоблардан қутулиш йўлларини излай бошлаймиз. Ана шу изланиш *брахма-жигьяса* деб аталади ва "Веданта-сутра"да тўлиқ ёритилган. Унинг биринчи шеърида ёзилганки, инсон танаси тирик мавжудотга айнан шу саволни бериш учун мўлжалланган: азоблардан қандай қутулиш мумкин?

Кришна айтадики, **одамларда**, уларни ҳайвонлардан ажратиб турадиган **тафаккур, фикрлаш қобилиятини уйғотиш осон эмас**. Бундай уйғониш, агар бизнинг ҳақиқий донишмандлар билан ҳамсуҳбат бўлиш имкониятимиз бўлсагина, рўй бериши мумкин. Масалан, ҳозир биз Кришна онги ҳақида суҳбатлашишимиз мумкин. Ана шундай суҳбатларда, ана шундай улуғвор мавзуларни муҳокама қилиш шарофати билан қалбимизда мудраб ётган инсонларга хос тафаккур албатта уйғона бошлайди. Агар одам ўзига "Нима сабабдан мен азоб чекапман?" - деган саволни бермаса, унга ҳақиқатан ҳам жавоб изламаса, ўзининг бутун умри, ҳаёти, фаолияти бекорга хазон бўлаётганини тушуниши керак. Улар шунчаки ҳайвонлардай ҳаёт кечираётгирлар. Лекин "Мен кимман ўзи? Нимага ҳаётда азоб чекапман? Наҳотки ҳаётда фақат қийналиш ва мусибат чекиш учун туғилган бўлсам?" - деб ўйлайдиган, шу саволларга жавоб ахтара бошлаган кишиларнинг умрлари умуман бошқача.

Биз табиатнинг, шунингдек, ўзимиз яшаётган давлат қонунларига бўйсунушга мажбур бўлганимиз туфайли ҳаётда ҳар хил азобларга мубтало бўламиз. Ҳақиқатан ҳам озодликка чиқишни иста-

ган киши бу азоблардан кутулиш йўлини билиши лозим. "Веданта-сутра"да айтилганки, рух, яъни, менинг ҳақиқий ўзлигим, асл табиатига кўра кувончга, шодликка, лаззатга тўла. Шунга қарамай, мен ҳаётда азоб чекиб яшашга мажбурман. Парвардигор Кришна айтадики, ҳаётда чекаётган азобларининг сабабини излашга интилаётган киши вақти келиб Худонинг даргоҳига эришади. Шастраларнинг тушунтириши бўйича, инсоннинг қалбида ана шундай саволларга қизиқиш уйғона бошлаганида у мукамалликка эришиш, комил инсон бўлиш йўлига киради. Парвардигор ва У билан ўзаро муносабатимиз қандайлиги ҳақида савол бера бошлаганимизда биз комиллик даражасига кўтариламиз.

Кришна айтадики, минглаб одамлар ичида биргина киши ҳаётида баркамолликка эришишни истайди, баркамолликка интилаётган ана шундай минглаб одамлар ичида эса, биргина киши Худони англашга, Кришна онгига эришиши мумкин. Демак, Кришнага эришиш, Худони англаб етиш осон эмас. Лекин, бир томондан қаралса, ундан осон иш йўқ. Кришнани англаб етиш бир томондан жуда мушкул, айна пайтда жуда осон. Агар киши маълум қоидаларга амал қилиб, самимий интилса, Худони англашнинг ҳеч қандай қийин жойи йўқ.

Парвардигор Чайтанья Махапрабху бизга Ҳаре Кришна мантрасини куйлаш йўлини бошлаб берган. Аслида руҳий фаолиятнинг бу тури аввал ҳам бор эди, чунки бу йўл муқаддас китобларда тавсия этилган, лекин Парвардигор Чайтаньянинг шарофати билан бу усул бутун ер юзига тарқала бошлади. Ҳозир биз яшаб турган даврда инсон айнан мана шу усул ёрдамида ҳақиқий ўзлигини жуда осон англай олади. Шунчаки Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юриш керак. Бу ҳар қандай одамнинг қўлидан келади. Бу залда мен ягона ҳиндистонлик бўлсам керак. Менинг барча шогирдларим - америкаликлар, ва улар Ҳаре Кришна мантрасини куйлашда жон деб иштирок этаптилар. Улар муқаддас номларни куйлаб, рақсга тушадилар. Демак, буни ҳамма ерда, ҳоҳлаган давлатда қилиш мумкин. Бу энг осон ва енгил усул. Сиз "Бхагавад-гита" таълимотини, гарчи унчалик қийин бўлмаса ҳам, унинг фалсафасини тушунмаслигингиз мумкин, аммо, агар ҳатто "мен уни тушунмайман" деб ўйласангиз ҳам, ҳеч қийналмасдан мантра такрорлашингиз ёки куйлашингиз мумкин: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.

Агар сиз Худони, Кришнани англашга эришмоқчи бўлсангиз, ишни Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишдан бошлашингиз керак.

Бу –Худони англашнинг шунчаки муқаддас ном куйлашдан бошландиган энг осон йўли. Биз ташкил қилган Халқаро Кришнани англаш жамиятининг аъзолари жуда кўп. Бу жамият бир йилдан аввалроқ ташкил қилинганди, аммо Кришнанинг марҳамати билан жуда кўп шогирдларим шунчаки Харе Кришна мантрасини куйлаш шарофати билан руҳий юксалиш йўлида анча муваффақиятга эришдилар ва ҳозир бошқаларга Худо ҳақидаги илмни тўлиқ тушунтира оладилар. Улар одамларнинг Худо ҳақида берадиган ҳар қандай саволларига бемалол жавоб бера оладилар. Шундай қилиб, Харе Кришна мантрасини куйлаш - илоҳий мувоқабанинг энг осон усулидир.

Кришна айтяптики, миллионлаган одамлар ичидан фақат биргина киши Уни англаб етишга қодир бўлади. Аммо, агар сиз Парвардигор Чайтаньянинг берган насиҳатларига амал қилсангиз, Харе Кришна мантрасини зикр қилиб юрсангиз, уни куйлаб рақсга тушсангиз, жуда тез орада Худони англаб етишингиз мумкин. Билиш жараёни Кришнанинг Ўзидан бошланмайди, аксинча, Худони англаш биз ҳар куни атрофимизда кўриб юрган нарсалардан бошланади.

Ер(тупроқ) - кўпол унсурларга киради. Унга кўл теккизиб, қаттиқ эканини биласиз. Ундан нафисроқ унсур - сув: агар сувга қўлингизни ботирсангиз, унинг ерга қараганда нафисроқ эканини англайсиз. Ундан ҳам нафисроқ унсур - олов. Оловдан ҳам, яъни, электр қувватидан ҳам нафисроқ нарса - эфир, ёки бўшлиқ. Эфирдан ҳам нафисроқ нарса - ақл, ақлдан ҳам нафисроқ унсур - тафаккур. Агар тафаккур сатҳидан ҳам юқори кўтарилиб, руҳни англаб етишга ҳаракат қилсангиз, унинг табиати тафаккурнинг табиатидан ҳам нафисроқ, нозикроқ эканини билиб оласиз. Кўпол ва нафис унсурларнинг табиатини ўрганиб, инсоният илм-фаннинг турли соҳаларини яратган. Масалан, геолог олимлар Ернинг у ёки бу қатламини ўрганиб, унда қандай фойдали қазилмалар борлигини аниқлайдилар: олтин, қумуш, слюда ва хоказо. Бу - кўпол унсур бўлган тупроқ ҳақидаги илм. Агар сизни нафисроқ унсурлар табиати қизиқтирса, сув ва бошқа суюқликларни ўрганасиз, масалан, - бензин ва спиртни. Яна ҳам нафисроқ нарсаларни ўрганиб, олов ёки электр қувватини ўргана бошлайсиз. Электр қувватининг табиатини ўрганиш учун анча нарсалар билан таниш бўлишингиз лозим. (Ундан кўполроқ бўлган барча унсурлар табиатини билишингиз лозим). Оловдан ҳам нафисроқ нарса - ҳаво ҳисобланади. Ҳаво оқимларини ўрганишда биз катта муваффақиятларга эришганмиз: биз ҳаво кемалари қандай қонунлар асосида ҳаракат қилишини ва улар қандай шаклга эга бўлиши лозимлигини биламиз. Жуда кўп кашфи-

ётлар килиб, олимлар реактив самолётлар ва сунъий йўлдошлар яратдилар.

Ҳаводан ҳам нафисроқ бўлган эфир эфир ҳисобланади. Эфирдаги ҳар хил жараёнларни ўрганувчи фан - электроника ҳисобланади. Ундан ҳам нафисроқ бўлган аклни эса, психология фани ўрланади. Тафаккурга келсак, бу соҳада одамларнинг илми фақат ҳар хил фалсафий фикрлар билан чекланган, холос. Рух соҳасида-чи? Рух ҳақида илм, руҳни ўрганувчи фан борми? Моддий илм-фанда бундай соҳа йўқ. Моддий илм-фанни ривожлантириб, одамлар эфир, ақл ва тафаккурни маълум бир даражада ўрганиш имкониятига эга бўлдилар, аммо олимлар билим ўрганишда ҳали тафаккурдан юқорироқ кўтарила олмадилар. Улар тафаккурни нима бошқариб турганини, ундан устунроқ нарса нима эканини билмайдилар. Аммо буни "Бҳагавад-гита"дан ўрганиш мумкин.

"Бҳагавад-гита"да тафаккур сатҳидан юқорида бўлган илм берилган. Унинг биринчи бобида Аржуннинг аросатда қолиб турган аҳволи тасвирланади: у жанг майдонида нима қилишини билмай турарди - жангда қатнашсинми ёки йўқми? Тафаккури уни фақат чалкашликка олиб келганди. Аржуннинг тафаккури ночор, унинг муаммоларини ҳал қилишга яроқсиз бўлиб турган пайтда, Кришна унга "Бҳагавад-гита"ни гапириб берган. Рухни билиш нимадан бошланар экан? Масалан, сиз ёш болани кўриб турганингизда, ҳозир унинг танаси кичкинагина бўлгани билан вақт ўтиши билан у каттайишини яхши биласиз. Унинг танаси худди сизники ёки меники сингари улғаяди, аммо унинг руҳи, яъни, "ўзи" барибир ўша бўлиб қолаверади. Ёш боланинг танасида бўлган ўзгармас рух, тана кекса чол бўлганда ҳам ўзгармай, яшаб қолаверади. Демак, рух мангу, фақат тана ўзгариб туради. Буни тушуниш қийин эмас. Тананинг ўзгаришидаги энг охириги жараён "ўлим" деб аталади. Тана ҳар бир сония сайин, минут сайин, соат сайин ва кун сайин ўзгариб туради, энг охириги ўзгариш шундан иборатки, рух бошқа тана олишга мажбур бўлади, чунки энди у эскириб, ёки яроқсиз бўлиб қолган тана ичида яшай олмай қолади.

Кийимим жуда эскириб, тўзиб кетганида мен уни бошқа кийиб юра олмайман: менга янги кийим керак. Рух ҳам танани шундай алмаштиради. Тана жуда кексайиб қолганида ёки бошқа бирор сабаб билан яроқсиз ҳолга келиб қолганида, мен уни бошқа танага алмаштиришга мажбур бўламан. Мана шу жараён "ўлим" деб аталади.

"Бҳагавад-гита"нинг иккинчи бобида берилган рух ҳақидаги бошланғич илм мана шундан иборат. Аммо, рух мангу ва ўзгармас,

тана эса - ўзгариб туришини камдан-кам одам тушуна олади. Шунинг учун ҳам Бҳагаван, Парвардигор Кришна айтадики, миллионлаб одамлар орасида фақат биргина киши руҳий илми эгаллай олади. Лекин, нима бўлганда ҳам, руҳ ҳақидаги илм бор, агар истасангиз, сиз ҳам уни ўргана оласиз. Бу унчалик мушкул эмас.

Аввал биз энг нафис моддий унсур бўлган сохта ўзлик, эго нима эканини англаб етишимиз лозим. Эго дегани нима ўзи? Мен - пок руҳман, аммо менинг ақлим ва тафаккурим модда билан аралашган, шу сабабли мен ўзимни моддага қиёслаймаман. Сохта ўзлик дегани ана шу. Мен - пок руҳман, аммо ўзим ҳақимдаги менинг тасаввурим сохта. Масалан, мен ўз тасаввуримни бирор мамлакат билан қиёслашим мумкин, хитойликман, ёки америкаликман деб. Мана шу *аханкара* деб аталади. *Аханкара* - пок руҳнинг моддий унсур билан кўшилиш нуктасидир. Шу бирикма - *аханкара* ҳисобланади. *Аханкара* тафаккурдан ҳам нозикроқ унсур ҳисобланади.

Кришна саккиз моддий унсур борлигини айтади: ер, сув, олов, ҳаво, эфир, ақл, тафаккур ва сохта ўзлик. Сохта ўзлик - одамнинг ўзини бошқа нарсага қиёслаши, сохта тасаввуридир. Бизнинг ғофиллигимиз айнан ана шундан бошланган: гарчи ҳар куни, ҳар лаҳзада модда эмаслигимизни кўриб, билиб юрсак ҳам, барибир ўзимизни модда деб ҳисоблаймиз. Руҳ ўзгармас ва мангу, модда эса, ўзгарувчан. Биз ўзимизни моддага қиёслаймиз, ана шу адашиш *аханкара*, "сохта ўзлик" деб аталади. Озодликка чиқиш - сохта ўзлик таъсиридан халос бўлиш демакдир. Бу нимада намоён бўлади? Бу шунда намоён бўла бошлайдики, инсон "*ахам брахмасми*" яъни, "мен брахманман, руҳман" деб, ўзининг руҳ эканини англай бошлайди. Ўзининг руҳ эканини англаб, тушуниб етган киши озодликка чиқиш йўлида биринчи қадам ташлаган бўлади.

Баъзида одам касалланади, унинг ҳарорати кўтарилади, кейин ўртача нормага - 36,6 градусга тушади. Энди унинг ҳарорати жойида, бу дегани энди у биратўла тузалди, дегани эмас. Балки, бир икки кун унинг ҳарорати кўтарилмас, аммо овқатланишда ёки иш режимида бирор ножўя иш қилиб қўйган захоти яна ҳарорати кўтарилиб, у ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. Агар кимдир ақлини поклаб, сохта ўзлик таъсиридан қутулиб, ўзининг тана эмас, пок руҳ эканини англаб етса, бу ҳали у тўлиқ озодликка эришди, дегани эмас. Ундай киши озодликка олиб борувчи йўлга энди кирган ҳисобланади. Агар у шу йўлдан боришда давом этса, албатта озодликка эришади - врачнинг барча кўрсатмаларига амал қилиб юрган бемор албатта тузалади. Ёки масалан, ғарбий мамлакатларда бўлгани сингари, одамларни қарахт

қилувчи гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга чақирадилар. Одамлар ўзларининг тана ичида эканини унутишни истайдилар. Аммо, сиз қанча вақтгача бунни эсдан чиқариб юра оласиз? Орадан бироз вақт ўтгандан кейин сиз барибир аввалги ҳолатингизга қайтасиз. Гиёҳванд моддалар ёрдамида бир икки соат эсингизни йўқотишингиз ва ўзингизни танага қиёсламай қўйишингиз мумкин, аммо, ана шундай ҳолатни ҳамиша сақлаб қолишга ўзининг асл "Мен"ини, ҳақиқий ўзлигини тўлиқ англаб етган кишигина қодир бўлади. Барибир, одамлар ўзини танадан бошқа бир нарса деб ҳис қилишга уринадилар. Ўзини танага қиёслашлари натижасида шунча қийналганлари сабабли улар ҳамиша: "Ўзим мана шу тана ичида эканимни қандай унутсам экан?" - деб ўйлайдилар.

Ўзингиз тана эмаслигингизни тушуниш - ўз ҳақингизда моддий тасаввурларни тарк этиш демакдир. Аммо, ҳақиқатан ҳам руҳий ўзлигингизни англаб етиш учун, фақат, сиз аслида руҳ, брахман эканингизни тушуниб етишнинг ўзи камлик қилади. Руҳга, брахманга хос бўлган амалий фаолият билан машғул бўлиш керак - акс ҳолда яна адашиб кетасиз. Ҳозирги ғофил олимлар қилаётгани сингари, шунчаки юқори баландликда учиб - ҳали Ойга бориб етдим дегани эмас. Улар фақат Ер сайёрасидан 390.000кмга узоклашадилар, ойгача бориб яна қайтиб келадилар - шу ҳолос. Лекин, улар ўз ютуқлари билан жуда ғурурландилар. Космонавтика ҳақида шунча гаплар, ҳар хил конференциялар ўтказилади. Лекин улар нимага эришдилар? Бутун чексиз коинотга нисбатан 390000 км нима деган гап? Агар сиз Ер сайёрасидан 390.000.000 км узокқа учсангиз ҳам, барибир яна қайтиб келасиз, ва ҳеч нарсага эриша олмайсиз. Юқори баландликка кўтарилиш - у ерда мустаҳкам ўрнашиб қолиш демакдир. Агар сиз шундай жой топсангиз, бошқа пастга тушишдан кўркмасангиз ҳам бўлади. Лекин сиз, у ёқда шундай жой топмасангиз, муқаррар яна пастга тушишга мажбурсиз. Самолёт ердан ўн-ўн икки км баландликка кўтарила олади, лекин кўп ўтмай дарров қайтиб тушади.

Аханкара нима эканини тушуниб етган киши, шунчаки, ўзини моддий тана билан қиёслашни тарк этади, ҳолос. Шунчаки "мен модда эмасман, мен - руҳман" – деган тушунчага эга бўлиш ҳали ҳаётда баркамолликка эришдим дегани эмас. Имперсоналист ёки бўшлиқ фалсафаси тарафдори ўзини танага қиёслашни тарк этишгача кўтарилади, ҳолос. У биладики, "мен модда эмасман, мен тана эмасман", лекин ҳамиша руҳий даражада, руҳий ҳолатда бўлиш учун бу илмнинг ўзи камлик қилади. Фақат ўзимиз аслида тана эмас эканимизни англабгина қолмасдан, руҳий ҳолатда, руҳ сифатида ҳаракат

кила бошлашимиз лозим. Бу дегани, биз Кришна онгида ҳаракат кила бошлашимиз керак. Кришна онгида яшаш - руҳий ҳаёт, бизнинг ҳақиқий ҳаётимиз ва инсоний бурчимиздир.

Сохта ўзлик нима эканини тушунтириб ўтган эдим. Бу **модда ҳам эмас, руҳ ҳам эмас**, алоҳида руҳнинг модда билан аралашган ва ўзининг руҳий табиатини эсидан чиқарган нуқтасидир. Алданиш айнан мана шу нуқтадан бошланади. Касалликнинг бошида одам гангиб қолади, аста-секин, ўзининг ким эканини унутиб, у ақлдан озиб қолади. У буни аста-секин унутади. У ўзини эндигина эсидан чиқараётган вақт бўлади, ўзининг ким эканини умуман эсидан чиқариб қўйган ҳолат ҳам бўлади. Энди руҳ ўзининг ким эканини унута бошлаган пайт - *аханкара*, сохта ўзлик деб аталади.

Маха-мантрани такрорлаш ва куйлаш - Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре - шунчаки сохта ўзлик таъсиридан қутқариб қолмасдан, юқорироқ сатҳга - мангу, илм ва лаззатга тўла пок руҳий муҳаббат билан Худога хизмат қилиш даражасига кўтарилишга ёрдам беради. Мана шу - онгнинг юксалиш йўлидаги энг юқори поғона, моддий табиат чархпалагига тушиб, кетма-кет моддий таналарни алмашлаб юрган тирик мавжудотларнинг энг олий мақсади ҳисобланади.

Ҳаре Кришна мантриси

Трансцендент товушлардан иборат бўлган Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре маха-мантрасини зикр қилиш - руҳий тажрибанинг энг улуғвор усули ҳисобланади ва у инсонга ўзининг трансцендент, илоҳий онгини қайта тиклаш имконини беради. Руҳий табиатга эга бўлган заррача, яъни руҳ бўлганимиз учун Кришна онги бизда азалдан бор, аммо, қадим замонлардан бери моддий олам билан аралашиб юрганимиз сабабли онгимиз моддий муҳит билан булғаниб қолган. Ҳозир биз яшаб турган моддий муҳит *майя*, алданиш деб аталади. *Майя* ибораси "аслида йўқ нарса" деган маънони билдиради. Бизнинг алданишимиз нимадан иборат? У шундан иборатки, биз барчамиз моддий табиатга ҳукмронлик қилишни истаймиз, аммо ўзимиз бутунлай унинг ўзгармас қонунлари остидамиз. Ўзини қудратли, ҳамма нарсага қодир хўжайин деб ўйлаган хизматкор алданиш тузоғига илинган бўлади. Биз моддий табиатни эксплуатация қилишга,

Ўзимизга бўйсундиришга интиламиз, лекин аслида унинг чангалига бадтарроқ ўралиб қоламиз. Бор кучимиз билан табиатни бўйсундиришга тиришяпмиз, аммо борган сари унга кўпроқ қарам бўлиб қоляпмиз. Ўзимизда азалдан мавжуд бўлган мангу Кришна онгини қайта тиклаган заҳоти ғофиллигимиз сабабли моддий табиатга қарши олиб бораётган бу курашни тўхтата оламиз.

Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре ибораларини такрорлаш - азалий, пок онгимизни қайта тиклашга ёрдам берадиган усулдир. Ана шу трансцендент товушларни талаффуз қилиш ёрдамида инсон ўз қалбини ҳар қандай ёт иллатлардан поклай олади. Бу алданишларнинг барчаси "кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси бизники" деган хато ғояга асосланган.

Кришна онги ақлимизга зўрлаб сингдирилаётган қандайдир бегона фикр ёки бирор ғоя эмас. Кришна онги тирик мавжудотнинг табиий, азалий кувватидир. Ҳаре Кришна мантрасининг илоҳий товушларини тинглаганимизда ана шу азалий мавжуд бўлган онгимиз қайта тикланади.

Муроқаба қилишнинг энг осон йўли ана шундай, бу усул муқаддас китобларда айнан биз яшаб турган давр учун тавсия қилинади. Ҳаре Кришна маха-мантрасини, яъни, "буюк озодлик кўшиғи"ни куйлаш инсонга дарров, бевосита руҳий оламдан келаётган трансцендент, илоҳий лаззат бағишлашини ҳар ким ўз тажрибасида синаб кўриши мумкин. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган одамлар ҳамиша ўз сезгиларининг эҳтиёжларини қондириш билан овора, бу ҳолат уларни ҳайвонлар даражаси тушириб кўяди. Фалсафий фикрлашлар ёрдамида моддий табиат тутқунлигидан кутулиш йўллари излаётган киши улардан юқорида даражага кўтарилган зотлар ҳисобланади. Ундан ҳам чуқурроқ тафаккурга эга кишилар фалсафий фикр юритишлардан амалий ҳаракатларга ўтиб, барча сабаблар сабабчисини ўзининг қалбидан, ташқаридан топишга ҳаракат қилади. Ҳиссиёт(сезгилар), ақл ва тафаккур доирасидан юқорида кўтарилиб, ҳаёт ҳақида руҳий тасаввурга эга бўлган киши трансцендент, илоҳий даражага кўтарилган инсон ҳисобланади. Ҳаре Кришна мантраси руҳий оламдан чиқаётгани сабабли, унинг товушлари онгнинг: сезгилар, ақл, ва тафаккурдан иборат барча пастки сатҳларига нисбатан трансцендент, илоҳий ҳолатда ҳисобланади. Шунинг учун маха-мантрани такрорлаш учун унинг маъносини билишнинг, уни қандайдир назариялар билан асослашнинг ёки фикр юритишларнинг ҳожати йўқ. Бу руҳий даражада кечадиган табиий

жараён бшлиб унда иштирок этиш учун инсон кандайдир алохида сифатларга эга бўлиши шарт эмас. Лекин, ўзидан ўзи маълумки, бу йўлда анча юксалишга эришган ва руҳий илмга эга бўлган киши бу мукаддас номларга нисбатан ҳақоратлаш содир қилмаслиги керак.

Аввалига руҳий жазава, лаззат дарров пайдо бўлмаслиги мумкин. Руҳий лаззат олаётган кишида саккиз хил аломатлар пайдо бўлади: 1. Одамнинг тили тутилиб қолади. 2. Танасидан тер чиқиб кетади. 3. Танасининг туклари тикка бўлади. 4. Овози титрай бошлайди. 5. Эти увишади. 6. Танаси оқариб кетади. 7. Ҳайратдан йиғлайди. 8. Транс, яъни жазава ҳолатига киради.

Лекин вақт ўтиши билан мантра такрорлаб юрган ҳар бир одам албатта руҳий поғонага кўтарилади, бунинг биринчи белгиси - мантра куйлаётган одам ўз-ўзидан рақсга тушгиси келади. Бундай ҳолатни кўп кўрганмиз. Ана шундай куйлаш ва рақсга тушишларда ҳатто болалар ҳам иштирок эта оладилар. Албатта, дунёвий ташвишларга қаттиқ берилиб кетган киши ўзини англаб олиши учун кўпроқ вақт керак бўлади. Лекин шундай дунёвий одам ҳам маха-мантра такрорлаш ёрдамида руҳий поғонага жуда тез кўтарила олади. Худонинг асл содиқ хизматкори муҳаббат билан мантра куйлаётганида, бу унинг тинглаётганлар одамларнинг ҳаммасига жуда кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун, энг кучли таъсир олиш учун мантрани Худонинг асл содиғи оғзидан танглаш керак. Худога ишонмайдиган одамларнинг куйлашини тингламаган маъқул. Илонинг тили теккан сут заҳарга айланади.

Хара - Худонинг қувватига мурожаат қилиш, *Қришна* ва *Рама* - Худонинг Ўзига мурожаат қилишдир. Бу икки ном Қришна, Рама ҳам "энг буюк лаззат" деган маънони англатади. Худонинг олий лаззатланиш қувватини билдирувчи *Хара* ибораси, чақириқ, илтижо кўринишида айтилганида *харе* бўлиб айтилади. Худонинг олий лаззатланиш қуввати Худога яқинлашишимизга ёрдам беради.

Моддий қувват, *майа* - Худонинг сон саноксиз қувватларидан бири. Бизлар, яъни тирик мавжудотлар ҳам Худонинг қувватларидан бири - Унинг оралиқ қувватимиз. Шастраларда айтилишича, моддий қувватга нисбатан тирик мавжудотлар юқори поғонада туради. Юқори поғонадаги қувват паст поғонадаги қувват билан бирикканида ғайритабиий, нокулай бирикма ҳосил бўлади, аммо оралиқ қувват кўринишидаги олий қувват, *хара* деган олий қувват билан бирикканида, тирик мавжудот ўзининг табиий ҳолатига қайтади ва ўзини бахтиёр ҳис қила бошлайди.

Мана шу уч ибора - Ҳаре, Кришна, Рама - маха-мантранинг трансцендент уруғларидир. Шартланган руҳ бу мантрани талаффуз қилганида Худога ва Унинг қувватига илжго қилиб, Улардан ёрдам сўрайди. Ана шу илтижо онасини чорлаётган гўдакнинг йиғисига ўхшайди. Она ўрнидаги Хара қуввати содиқ хизматкорнинг отаси Кришнанинг марҳаматига эришишда ёрдам беради, Парвардигор Кришна мантрани самимий такрорлаётган кишига Ўзини намоён этади.

Ҳозирги иккиюзламачилик ва жанжаллар даврида руҳий ўзликни англашнинг маха-мантрани такрорлашдан ҳам енгилроқ ва самаралироқ усули йўқ: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.

Бхакти-йога йўли

"Бҳагавад-гита"да Кришна дўсти Аржунга шундай дейди: "Мен сенга энг нодир илмни ўргатаман, чунки сен Мен учун жуда азизсан". Тўртинчи бобда тушунтирилганидай, Аржун ўзининг биргина сифати - садорқати, ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топширгани туфайли "Бҳагавад-гита"ни тинглашга муяссар бўлди. Парвардигор айтяптики, **"Бҳагавад-гита"да берилган илм - энг нодир илм.** Бу сирни фақат Худонинг асл содиқ хизматкоригина англаб етишга қодир. Ҳиндистонда "Бҳагавад-гита"нинг 645дан кўпроқ изоҳлари чоп этилган. Бир профессор олимнинг тахмини бўйича, Кришна - врач, Аржун эса, - Унинг мижози. Шундай тахминга асосланиб, у "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзган. Бунга ўхшаган изоҳлар жуда кўп. Баъзи одамларнинг фикрича ҳар бир одам - комил инсондир ва муқаддас китобларни ҳар ким ўз билганича талқин қилишга ҳаққи бор. Биз эса, "Бҳагавад-гита"ни унинг ўзида кўрсатилган насихатлар асосида ўқиш ва маъносини тушуниш тарафдоримиз. "Бҳагавад-гита"да айтилганки, унда берилган илмни руҳий устозлар силсиласи - *парампара* орқали ўрганиш лозим. Худонинг Олий Шахси тушунтириб айтяптики, -"Сен Мен учун жуда азизсан, Мен сенинг ҳаётинг фаровон ва бахтли бўлишини истайман. Шунинг учун сенга бу илмни ўргатяпман". Кришна ҳамманинг бахтли бўлишини ва фаровонликда яшашини истайди, лекин одамларнинг ўзлари буни истамайдилар. Куёш ўз нурларини барчага тенг тарқатади, лекин кимдир ўзи сояда қолишни истаса, қандай қилиб куёш нурлари унинг олдига боради? "Бҳагавад-

гита" илми ҳам барча учун очик. Ҳаётнинг ҳар хил турлари, шунингдек, тафаккурнинг ҳар хил ривожланиш поғоналари мавжуд. Кимнингдир тафаккури чуқурроқ ривожланган, кимникидир пастроқ - бу табиий ҳол. Аммо, Кришна таъкидлашчи "Бхагавад-гита"да ёритилган илм ҳаммага баробар мўлжалланган. Паст табақага мансублик ёки қандайдир бошқа ҳолатлар бу илмни ўрганишга тўскинлик қилолмайди. Агар унинг тўртинчи бобида кўрсатилган қоидага амал қилса, ҳар қандай одам ҳам "Бхагавад-гита"нинг трансцендент хабарини англай олади. Бу қоидага кўра, "Бхагавад-гита" илмини руҳий устоз ва шогирдлар силсиласи орқали ўрганиш лозим: **"Аввал Мен бу мангу йога илмини Қуёш фариштаси Вивасванга ўргатдим; у Мануга ўргатди, Ману эса Икшвакуга"**. Шу тарзда, бу илм Кришнадан бошланиб, устоздан шогирдга, кейин унинг шогирдига ўтиб келган. Лекин, вақт ўтиши билан "устозлар занжири, силсиласи узилиб қолган". Шунинг учун Кришна янги силсила бошлаб беради, Аржун эса Унинг биринчи шогирди бўлади. Иккинчи бобда қандай қилиб Аржун ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топширгани таърифланади: "Шу пайтгача бизлар икки дўст каби суҳбатлашдик, лекин энди, мен Сени руҳий устоз деб қабул қиламан". Мана шу қоидага амал қилган ҳар бир одам ўзининг руҳий устози, гурусини худди Кришнанинг Ўзи сингари қабул қилади; шогирд эса, Аржунга ўхшаган бўлиши керак. Кришна Аржунга худди унинг руҳий устози сингари мурожаат қилади, Аржун эса: "Сенинг ҳар бир сўзингни ҳақиқат деб қабул қиламан!" - дейди. "Бхагавад-гита"ни айнан мана шундай ўрганиш керак. Агар биз ғофиллигимиз ёки қайсарлигимиз туфайли - "Мана бу насиҳатлар менга ёқади, мен уларни қабул қиламан, мана булари эса, - менга тўғри келмайди, менга уларнинг кераги йўқ!" - деб ўйлайдиган бўлсак, "Бхагавад-гита"ни бундай ўрганишдан ҳеч қандай фойда йўқ.

Руҳий устоз Кришнанинг вакили, яъни Унинг содиқ хизматкори бўлиши лозим, шогирд эса, Аржунга ўхшаган бўлиши керак, - шундагина Кришнани англаш илмини ўрганиш мукамал бўлади. Акс ҳолда бу шунчаки бекорга вақт ўтказиш бўлади. "Шримад Бхагаватам"да ёзилганки, Кришна ҳақидаги илмни ўрганишни истган киши Худонинг содиқ хизматкорлари билан ҳамсуҳбат бўлиши керак. Руҳий насиҳатлар содиқлар даврасида муҳокама қилинганида шу насиҳатларда мужассам бўлган кудрат ўзини намоён қилади". "Бхагавад-гита"ни дунёвий академик билим нуқтаи назаридан муҳокама қилишнинг фойдаси йўқ. "Упанишада"ларда айтилганки, **"Худога иймон-эътиқоди чуқур бўлган, шунингдек, Унинг ваки-**

лига чуқур ишонган кишига барча ведавий битикларнинг маъноси очилади". Худони англаб етиш учун биз Унинг содиқ хизматкори бўлишимиз лозим. Парвардигор Ўзини Унга азиз бўлган кишига аён этади. Худонинг содиқ хизматкорлари бўлинг, Унга азиз бўлишга ҳаракат қилинг. Менинг руҳий устозим ҳамиша шундай дерди: - **"Худони кўришга интирманг, Унга шундай хизмат қилингки, Парвардигорнинг Ўзи сизни кўришга интилсин!"** Биз Парвардигор билан учрашишга муносиб бўлишимиз лозим, шунда бизни кўргани Парвардигорнинг Ўзи келади.

Худони кўра олишга қодир бўлган киши ҳар хил моддий эҳтиёжларга нисбатан бефарқ бўлиб қолади. Моддий оламда яшар эканмиз, ҳар хил ўткинчи нарсалардан ташвишга тушамиз. Бизнинг бу дунёда эришадиган бахтимиз, худди чекаётган азобларимиз сингари ўткинчи, алдамчи: улар узоққа чўзилмайди. Совуқ, иссиқ ва қарама-қаршилиқларнинг бошқа кўринишлари маълум вақтда пайдо бўлиб, маълум вақт ўтгандан кейин ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Кришнани англаш усули инсонга мутлақ поғонага кўтарилиш имконини беради. Кришна ҳар кимнинг қалбида мавжуд, киши поклана борган сари, Парвардигор Ўзи унга йўл кўрсата бошлайди. Шундай инсон умрининг охирида, танасини тарк этган пайтида, руҳий оламга раво-на бўлади.

"Мени ҳеч ким билмайди, - дейди Кришна, - ҳеч ким Менинг қудратимни, ҳукмронлигимни, Менинг улуғворлигимни билмайди. Ҳатто махариши(буюк донишманд)лар Мени тўлиқ англай олмайдилар, чунки Мен - барча фаришталар ва махаришиларнинг манбаиман". Жуда кўп аждодларимиз мавжуд, лекин биз улар ҳақида ҳеч нарса билмаймиз; Браҳма ва бошқа фаришталардан ташқари - биз нимани биламиз? Биз Худони тўлиқ англаб етиш даражасига кўтарилишга қодир эмасмиз. Бизлар аклимиз атрофида мужассам бўлган сезги аъзоларимиз орқали илм ўрганамиз, лекин Кришнани ақл ёрдамида англаб бўлмайди. Номукаммал сезгилар ёрдамида мукаммал илм ўрганишнинг иложи йўқ. Агар сиз фақат ақлингиз ва сезги аъзоларингиз ёрдамида илм ўрганмоқчи бўлсангиз, Кришнани англай олмайсиз. Аммо ўзингизнинг сезги аъзоларингизни Кришнага хизмат қилиш билан машғул қилсангиз - унда Унинг Ўзи сизнинг олдингизда намоён бўлади ва сизнинг сезги аъзоларингизга кўринадиган ҳолга келади.

Кимдасиз савол туғилиши мумкин: - "Менга Худони англашнинг нима кераги бор? Бунинг менга нима фойдаси бор? Худо Ўз йўлига - мен ўз йўлимга!" Бундай саволларга жавоб шундай: шастраларда,

муқаддас китобларда ёзилганки, агар биз ҳозирги ҳаётимизда савоб ишлар қилиш билан шуғуллансак, кейинги ҳаётимизда чиройли танада, бадавлат ва илмли кишилар хонадониди туғиламиз, аксинча, ҳар хил гуноҳ ишлар қилиб юрсак, қийин шароитларда туғилиб, қийналиб яшаймиз. Гарчи гуноҳ ва савоб ишлар орасида маълум фарқлар бўлса ҳам, ҳар икки ҳолатда ҳам барибир бу дунёда қийналишга мажбурмиз. Лекин Худо ҳақида илми эгаллаган киши ўзининг барча қилган гуноҳлари оқибатидан биратўла қутулади. Аксинча, қанчалик савоб ишлар қилманг, қилган гуноҳларингиз оқибатидан қутулиб бўлмайди. Шунинг учун, Худони, Унинг илмини ўрганишни рад этиш билан биз ҳеч қачон бахтли бўла олмаимиз.

Нафақат одамлар, ҳатто одамларга нисбатан анча қудратли ва фаросатли бўлган фаришталар ҳам Худони тўлиқ англаб ета олмайдилар. Қутб юлдузи атрофидаги сайёраларда яшайдиган етти буюк риши, буюк донишмандлар ҳам Худони тўлиқ билмайдилар. Кришна айтадики, "Мен - барча фаришталарнинг манбаи бўлган бошланғич, азалий шахсман!" Кришна бутун борлиқнинг отаси. Нафақат фаришталар, ҳатто буюк донишмандлар ҳам Ундан пайдо бўлган. Парвардигор - намоён бўлган бутун борлиқнинг манбаи. "Шримад Бхагаватам"да Парвардигорнинг фазовий қиёфаси таърифланган ва ҳамма нарса Ундан тарқалиши тушунтирилган. Кришна ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган Параматма, У - Олий Рухнинг ҳам, чексиз руҳий ёғду, брахмажйотининг ҳам манбаидир. Кришна - бутун борлиқнинг, Мутлақ Ҳақиқатнинг барча кўринишларининг манбаидир. Гарчи Мутлақ Ҳақиқатни уч кўринишда англаб олиш мумкин бўлса ҳам, Мутлақ Ҳақиқат ҳаминша ягона ўзгармас Ҳақиқат бўлиб қолаверади. Брахман(чексиз ёғду, нур), Параматма(ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган олий рух) ва Бхагаван(Олий Шахс) - ягона Парвардигорнинг уч кўринишидир.

Кришна, Худонинг Олий Шахси айтадики, ҳеч ким Уни тўлиқ билмайди. Шунда Уни қандай англаб етиш мумкин? Агар Унинг Ўзи олдингизда намоён бўлиб, Ўзини сизга очсагина Уни англаб ета оласиз. Фақат шундагина сиз Уни англаб етасиз. Бизнинг сезги аъзоларимиз мукамал эмас, шунинг учун улар ёрдамида Олий Ҳақиқатни англаб бўлмайди. Худонинг Олий Шахсини англаб етиш учун камтарин ҳолда Харе Кришна мантрасини такрорлай бошлаш керак. Ҳақиқатни, Худони англаш тилдан бошланади. Тилнинг вазифаси - овқат тановул қилиш ва гапириш. Агар сиз фақат Худога таклиф қилинган нарсалардан еб, фақат Худонинг муқаддас номларини зикр

қилиб, тилингизни жиловлай олсангиз, қолган барча сезги аъзоларингиз ўз-ўзидан сизга бўйсун бошлайди. Прасад қабул қилинг ва руҳий юксалиш йўлидан олға юринг. Бунга уйингизда ҳам эришса бўлади. Кришнага вегетариан овқатларни таклиф қилинг, Харе Кришна мантрасини такрорланг ва эҳтиром билан Парвардигор олдида сажда қилинг:

*намо брахманйа-девайа го-брахмана-хитайа ча
джагат-хитайа кришнайна говиндайя намо намах*

Кришнага ҳар қандай одам ҳам овқат таклиф қилиши, кейин яқинлари билан Ундан қолган табаррук сарқит таом – прасаддан тотиши, ейиши мумкин. Парвардигорнинг қиёфалари олдида Унинг муқаддас номларини куйланг, соғлом турмуш тарзи билан яшанг, шунда кўрасизки: атрофингиздаги бутун олам ўз ўзидан Вайкунтхага - ҳар қандай ташвишлардан бутунлай холи жойга айланади. Ҳозир биз ҳар хил ташвишлар билан бандмиз, чунки ҳаёт ҳақида нотўғри, моддий тасаввурлар таъсири асосида яшаймиз. Руҳий оламда ҳамма нарса умуман бошқача, аммо, моддий оламда яшаётган одамлар моддий тирикчиликнинг ҳар хил ташвишларидан кутулиш йўлларини билмайдилар. Карахт қилиб, ақлингизни ўғирлаб қўювчи гиёҳванд моддалар сизга ёрдам бера олмайди, чунки кайфингиз тарқаган заҳоти яна шу аввалги ташвишларга рўпара бўласиз. Агар сиз ҳақиқатан ҳам озодликка эришмоқчи бўлсангиз, мангу, илм ва лаззатга тўла ҳаётга эришмоқчи бўлсангиз, Кришнани, Худони англаб яшашга ҳаракат қилинг. Худони тўлиқ англаб етишнинг иложи йўқ, лекин барибир бунинг ягона йўли бор: Худони, Кришнани англаш йўлига кириш.

"Шримад Бхагаватам"да айтилганки, гарчи Худони ҳеч ким ўзига бўйсундира олмаса ёки Унга яқинлаша олмаса ҳам, баъзан Унинг Ўзи Ўз содиқларига Ўзини бўйсундириб олиш имконини беради. Бунинг учун нима қилиш керак? Ҳар ким ўзи эгаллаб турган ҳолатда қолсин, - шунчаки, ҳар хил китоблардаги бемаъни сафсаталарни ўқишни тарк этишлари керак. Жаҳон бўйлаб ҳар қуни минглаб китоблар нашр қилинади, одамлар уни бир марта ўқиб ташлаб юборадилар. Ҳар қанча уринсангиз ҳам, сиз ўзингизнинг мукамал бўлмаган кўпол сезгиларингиз ёрдамида Парвардигорни англай олмайсиз. Тадқиқотларингизни тарк этинг, - улардан бутунлай юз ўгиринг, - шунчаки камтарин ҳолда ўзингизга разм солинг. Чекланган, моддий табиат қонунларининг ҳамда ягона Парвардигорнинг ҳукми остида эканингизни тан олинг(тақдирга тан беринг). Худога тенг бўлган ёки Ундан ҳам буюкроқ бўлган ҳеч бир Зот йўқ. Шунинг учун камтарин бўлинг, Унга бўйсунинг. Худонинг буюклиги ҳақидаги ҳикояларни ишонарли содиқлар оғзидан тинглашга ҳаракат

килинг. Ундай содиқлар Худо ҳақидаги илмни руҳий устозлар силсиласи орқали ўз устозларидан оладилар. Агар руҳий устоз бизга Аржун ўрганган илмни ўзгартирмасдан ўргатаётган бўлса, уни ҳақиқий руҳий устоз деб қабул қилиш лозим. Парвардигор бизга Ўзини намоеън қилишга ҳамиша тайёр, фақат сиз Уни англашни истасангиз бас. Бутун умрини Кришнага, Худога садоқат билан холис хизмат қилишга бағишлаган буюк устозлар, ачарйалар юрган йўлга киринг - шунда сиз ҳамма нарсани билиб оласиз. Гарчи Парвардигор Кришна ҳеч кимга бўйсунмайдиган ва Уни тўлиқ англаб етиш мумкин бўлмаса ҳам, сиз ҳатто уйингиздан чикмай туриб ҳам Худога эриша оласиз.

Ана шу қоидаларга амал қилиш ва Кришнани англаш йўлига кириш билан сиз нима фойда кўрасиз? Сиз Парвардигорни англаб етган заҳоти маълум бўладики, барча сабабларнинг сабабчиси Кришна, Унинг мавжудлигининг ҳам Ўзидан бошқа сабабчиси йўқ. У барча сайёраларнинг ҳукмдори. Буни шунчаки кўр-кўрона қабул қилиш керак эмас. Худо сизга чуқур фикр юритиш, баҳслашиш, сўраш қобилиятини бериб қўйибди - фақат бекорга баҳслашманг. Агар сиз руҳий илмни ўрганмоқчи бўлсангиз, ўзингизни мўътабар устоз ихтиёрига топширинг. Шундай руҳий устозни унинг сифатларига қараб билиб олиш мумкин. **Ўз тақдирингизни аҳмоқ ва ярамас, сохта билимдонларга ишонманг.** Олий Мутлақ Ҳақиқатни биладиган ва руҳий устозлар силсиласида турган кишини топинг. Шундай кишини топиб, унга ўз ихтиёрингизни топширинг. Уни мамнун қилишга, унга хизмат қилишга ҳаракат қилинг ва ҳаёт ҳақида саволлар беринг. Ана шундай руҳий устозга тақдирингизни топшириш - тақдирингизни Худога топшириш билан баробар. Шунчаки вақт ўтказиш учун эмас, илм ўрганиш ниятида саволлар беринг.

Шундай қилиб, Парвардигорни англаб етишнинг йўли бор, аммо, агар сиз бемаъни нарсаларга, масалан, маст қилувчи нарсалар истеъмол қилиб, бекорга умрингизни хазон қилсангиз, ҳеч қачон енгилмас, ягона Парвардигорни кўра олмайсиз. Биз тақлиф қилган қоидаларга амал қилинг, шунда руҳий илм аста-секин бўлса ҳам, албатта очила боради. Сиз ўзингизнинг руҳий жихатдан юксала бораётганингизни албатта ҳис қиласиз. Бу йўлдан боришнинг ҳеч қандай қийин жойи йўқ, уларга амал қилиб, сиз ҳамиша бахтиёр бўласиз. Кришна ҳақидаги илмни ўрганинг, муқаддас номларни куйланг, рақсга тушинг, Кришнанинг прасадини енг. Агар сиз шу ишлар билан машғул бўлсангиз, ҳеч ким сизни алдай олмайди. Лекин ўзингиз алданишни истасангиз - алдоқчи ярамаслар олдига боринг!

Табаррук устозларнинг насихатларини тинглаб, бу буюк илмни ўрганишга ҳаракат қилинг ва шахсий ҳаётингизда унга амал қилиб яшанг. Бу дунёдаги одамларнинг ҳаммаси ўлимга маҳкум, лекин сиз улар орасида энг ақллиси бўлиб чиқасиз, чунки сиз гуноҳ ишлар қилишни ўз ўзидан тарк этасиз. Агар сиз ҳамма ишларни фақат Худо учун, Кришна учун қилиб юрсангиз, қилган ишларингизнинг бирортаси учун жавобгар бўлмайсиз. Қилаётган ишларингизнинг қайси бири яхши-ю қайси бири ёмон деб ўйлаб ўтиришнинг ҳам кераги бўлмай қолади, чунки қилаётган ишларингизнинг барчаси энг олий савоб, эзгу ишга айланади. Худога садоқат билан холис хизмат қилишнинг моҳияти шундан иборат. Охир оқибатда сиз Кришна билан алоқа боғлайсиз ва энг олий мақсадга эришасиз. Бу ҳамманинг қўлидан келади, бунинг ҳеч қандай қийин жойи йўқ.

Кришна билан алоқа ўрнатиш учун Унинг ҳолатини тушуниб олиш керак, бунга эришишда бизга Кришнанинг Ўзи ёрдам беради. Кришна айтадики, У - туғилмаган ва Унинг мавжудлигининг, борлигининг ҳеч қандай сабабчиси йўқ. Ҳаммамиз ўз тажрибамиздан биламизки, ҳар биримиз қачондир туғилганмиз ва туғилишимизнинг сабабчиси бор. Бизнинг ҳаётда борлигимизнинг сабабчиси - отамиз. Ўзини Худо деб ҳисоблайдиган одамлар аввал Худо сингари туғилмаган эканини ва мавжудлигининг сабабчиси йўқ эканини исботласинлар. Ўз тажрибамиздан биламизки, барчамиз туғилганмиз. Лекин Кришна туғилмаган. Буни яхши тушуниб олиш керак. Буни тушуниш - Кришнанинг бутун олам мавжудлигининг сабабчиси эканини, Унинг Ўзининг мавжудлигининг ҳеч қандай сабаби йўқлигини тўла тушуниб олиш, англаб етиш демакдир. Шундай экан, бутун борлик Парвардигор Кришнанинг мулки ҳисобланади. Мана шу оддий фалсафани тушуниб етган киши алданиш тузоғига илинмайди.

Бизларнинг аксарият кўпчилигимиз ҳозир алданиш таъсири остидамыз. Масалан, ўзимиз яшаб турган мамлакатни бизники деб ҳисоблаймиз. Лекин, бу мамлакат биз туғилмасдан олдин ҳам бор эди, биз кетгандан кейин ҳам шу ерда қолади. Қаердадир у ёки бу танага эга бўлиб, "Бу менинг ватаним!", "Бу менинг ватаним!" - деб неча марта такрорлаш керак. Бу ғофиллик, аҳмоқлик эмасми? Ана шундай алданишлардан халос бўлиш керак. Токи ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлардан халос бўлмас эканмиз, бутун ҳаётимиз, фаолиятимиз, алданиш таъсири остида ўтаверади. Ўзимиз алданиб юрган-юрмаганимизни аниқлаб олишимиз лозим. Барча шартланган руҳлар алданиш тузоғига илинган, лекин алданиш чангалидан чиқа олган киши озодликка эришади. Агар ҳаётнинг барча чигалликларидан,

мусибатларидан биратўла қутулишни истасак, Худони англаб етишга интилишимиз лозим. Бунга эътиборсиз бўлмаслик керак, чунки, Худони англаш - инсоннинг энг муҳим вазифасидир.

Дунёда яшаётган миллионлаб одамлар ичида фақат биргина киши ҳақиқий илмга эга бўлиши мумкин. Одатда биз ҳар биримиз ғофил бўлган ҳолда, ғафлат ичида туғиламиз, деярли, туғилган кунимиздан бошлаб, бизларни тарбия қилаётган ва ўргатаётган одамлар - ота-оналаримиз ва ўқитувчилар - нотўғри фикр, ғояларни миямизга сингдириб ташлайдилар: мана шу мамлакат, ватан сеники. Миллатчилик руҳида тарбиялаш инсонни аввалгидан ҳам аҳмоқроқ қилиб қўяди. Ўзимиз туғилган мамлакатни меники деб ҳисоблаш аҳмоқлик эмасми? Ҳар бир ҳаётимиз тамом бўлгандан кейин, биз худди, кийим алмаштиргандек, танамизни алмаштирамиз. Сиз қанча-қанча кийим алмаштиргансиз, неча марта ҳаёт ҳақидаги тушунчаларингизни алмаштиргансиз, - нимага энди айнан мана шу, ҳозирги танангизга қаттиқ боғланиб қолгансиз? Нимага шуни тушуна олмайсиз: "Бу яхши кийим, аммо, балки бир неча дақиқадан кейин мен уни ташлаб, бошқасини оларман?" Сиз табиат қонунлари ҳукми остидасиз ва ўзингиз хоҳлаган кийимни буюра олмайсиз: "Ҳой, табиат, мени америкалик қилиб қўй!" Мутлақо йўқ! Қўлингиздан ҳеч нарса келмайди, чунки бу жараёни сиз бошқариб турганингиз йўқ. Уни моддий табиат бошқариб турибди. Агар сиз инсон бўлатуриб, итларга ўхшаб яшаётган бўлсангиз, «Марҳамат, итнинг танасини олинг!» Агар ҳаётингиз илоҳий даражада бўлса, табиат сизга руҳий оламга, Худонинг олдига бориш имконини беради.

Баъзан, ғафлат ботқоғига ботган кўплаб одамлар орасидан биргина чуқур фикрлаш қобилиятига эга бўлган биргина киши чиқиб қолади: -"Мен аслида кимман ўзи? Итми? Америкаликми? Русми?" Ҳақиқий илм излаш мана шундай бўлади. Агар бирор нарсани аниқлаб олмоқчи бўлсангиз, сиз буни фақат ўзингиздан эмас, балки, бошқалардан ҳам сўрашингиз лозим. Агар сиз қайсидир кўчага қандай ўтишни билмоқчи бўлсангиз милиция ходимидан ёки бошқа бировдан сўрайсиз. "Мен кимман?" деган саволга жавоб топиш учун ҳам биладиган кишига мурожаат қилишингиз лозим. Руҳий устоз аслида ким ўзи? Руҳий устоз - Парвардигор Кришна ҳақида мукамал илмга эга бўлган инсон. Аксарият одамлар бу илмни ўрганишни истамайдилар, аммо, агар инсон бунга ўзи ҳаракат қилса, у албатта руҳий юксалишга эришади ва вақти келиб англаб етадики: Кришна, ягона Парвардигор - барча сабабларнинг сабабчиси.

Тўрт тоифа одамлар муқаддас китоблар ва табаррук рухий устозларнинг насиҳатлари асосида Кришна ҳақидаги илмни эгаллашга интиладилар. Гуноҳга ботган киши рухий илм билан қизиқа олмайди. Улар аҳмоқона ҳаёт кечиришда давом этаверадилар, лекин такводор, покдомон зотлар эса, мана шу илмни эгаллаб, албатта Худонинг даргоҳига қайтиб борадилар. Ишонарли, мўтабар, ҳақиқий рухий силсилада турган, шахсий манфаат кўриш ниятида ҳеч кимни ўзига бўйсундиришни истамайдиган, уларга фақат чинакам бахтга эришиш йўлини кўрсатишни истайдиган рухий устозлар одамларга ана шундай имконият берадилар. Кришнани англаш Халқаро жамияти ҳар бир инсонга Худо, Парвардигор ҳақида ҳақиқий илм эгаллай олиш имконини бериш учун ташкил этилган. Сиз чинакам бахтга эришишни истайсизми - марҳамат, мана сизга бахт йўли. Ҳозир ҳаётда чекаётган азобларингиз - олдинги ҳаётингизда қилган гуноҳларингиз оқибатидир. Агар ана шундай оқибатлар бўлмаса, ҳаётингизда ҳеч қандай азоб-укубат бўлмас эди. Кришнани англаб етган киши, шубҳасиз, аввал қилган гуноҳлари оқибатида келадиган азоблардан албатта халос бўлади. Кришна айтадики, **"Менга ўз ихтиёрингни топшир, Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этаман!"** Кришнанинг, Парвардигорнинг айтган гапларига ишонинг. Уларга гумон билан қараманг, шубҳаланманг! Кришна ҳақиқатан ҳам сизни барча азоб-укубатлардан халос этишга қодир, чунки У ҳар нарсага қодир, қудратли Парвардигор. Агар шундай ваъдани мен берсам, балки мен берган ваъдам устидан чиқа олмасман, чунки мен Парвардигор Кришна сингари қудратли эмасман.

Агар сиз Кришна онгида ҳаракат қила бошласангиз, қалбингизда мудраб ётган, Кришна билан азалдан мавжуд бўлган ўзаро муносабатингиз албатта қайта тиклана бошлайди. Кришна билан ўзаро муносабатларингиз азалдан мавжуд, бунга ишонмаслик аҳмоқона иш, нодонлик бўлган бўларди. Муносабатлар азалдан мавжуд, фақат уларни қайта тиклаш, уйғотиш керак. Биз барчамиз Кришнага, Худога хизмат қилишни истаймиз, аммо, ҳозир алданиб, адашиб юрганимиз сабабли Кришна билан, Худо билан ҳеч қандай алоқам йўқ, деб ўйлаймиз. Гўё мутлақо мустақил бўлган ҳолда, ҳар хил бемаъни ишлар билан машғулмиз, шу боис ҳар хил ташвишлар билан бандмиз. Аммо, Кришнага нисбатан қалбимизда мудраб ётган муносабатлар, рухий ҳис-туйғулар уйғона бошлаганда, биз бутунлай Кришна онгида, Худони тўла англаган ҳолда ҳаракат қила бошлаймиз.

"Худо ҳеч қачон туғилмаган" дегани, унинг барча моддий нарсаларга ўхшамаслигини билдиради. Биз моддий оламда яшаб туриб, ҳеч қачон туғилмаган мавжудотни кўрмаганмиз. Биз яшаётган шаҳарнинг пайдо бўлган, туғилган санаси бор, - бутун инсоният тарихи ана шундай саналар билан тўла. Аммо руҳий табиатнинг бошланғич санаси, аввали бўлмаган, мана шу - руҳий табиатнинг моддий табиатдан яққол кўриниб турган фарқларидан биридир. Моддий оламда ҳар бир нарсанинг бошланиш вақти, аввали бор. Шуни тушуниб олишга ҳаракат қилинг, Кришна ҳеч қачон туғилмагани сабабли, моддий оламда яшаётган бизлардан фарқ қилган ҳолда У руҳий табиатга эга. Кришна қандайдир "ғайритабиий қобилиятларга эга бўлган, лекин барибир, қачондир туғилган" одам эмас. Кришна ҳеч қачон туғилган эмас. Қандай қилиб Уни оддий одам деб ҳисоблаш мумкин? Кришнанинг Ўзи "Бхагавад-гита"да: **"Фақат нодон ва ярамаслар Мени оддий инсон деб ўйлайдилар"**- дейди. Кришна бу дунёдаги мавжуд бўлган ҳамма нарсадан фарқ қилади. У - *анади*, "бесабаб", "мавжудлигининг сабаби бўлмаган" Зот.

Кришна руҳий Зот, аммо руҳий тана фақат Унинг Ўзидагина мавжуд эмас. Бизнинг ҳам, худди Кришнаники сингари руҳий танамиз бор, аммо бу танамиз туғилади. Аниқроғи, бу таналар туғилмайди, лекин, оловнинг учкунлари сингари ҳаммаша мавжуддилар. Учкунлар оловдан туғилмайдилар, улар азалдан оловда мавжуд. Биз ҳам туғилмаймиз: бизлар - манбаи азалий руҳий қиёфа бўлган учкунлар, руҳий зарралармиз. Лекин бу руҳий зарралар туғилмагани билан улар Кришнадан ажралиб чиққан, демак, бизлар Ундан фарқ қиламиз. Гулханнинг учкунлари ҳам олов ҳисобланади, лекин улар гулханнинг ўзи эмас. Сифат жиҳатдан бизларнинг Кришнадан фарқимиз йўқ. Бу худди ўғлининг отасидан фарқ қилишига ўхшайди. Отаси билан ўғли бир биридан фарқ қилади, айти пайтда улар бир биридан фарқ қилмайди. Гарчи ўғил - отасининг давоми бўлса ҳам, унинг ўзини отасига қиёслаши, яъни "отам - бу менман", деб ўйлаши нодонлик бўларди.

Кришна Ўзини бутун борлиқнинг ҳукмдори деб эълон қиляпти, бутун борлиқ Уники, бўлгани учун, У бутун борлиқдан фарқ қилади. Масалан, ҳатто Нью-Йорк штати меники бўлгани билан бу - Нью-Йорк штати менинг ўзим дегани, эмас-ку. Ана шундай зиддият ҳар нарсда бор, шунинг учун биз билан Парвардигор орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, деб айтиш нотўғри бўлади.

Ўзимизнинг ҳолатимизни, шунингдек, Кришнанинг, Парвардигорнинг ҳолатини аниқ илмий жиҳатдан тушуниб олсангиз, сиз шу

захотиёқ барча гунохларингиз оқибатидан халос бўласиз. Биз таклиф қилаётган усул ана шу мақсадга эришишда сизга ёрдам беради. Харе Кришна мантрасини зикр қилинг ва куйланг, шу тарзда ақлингизни покланг, шунда сиз рухий илмни ўзлаштира оласиз. Сиз ўзингизни шунга тайёрлашингиз лозим. Агар Харе Кришна мантрасини тақрорлаб, Худо ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юрсангиз, Худога яқинлаша оласиз, - бунинг учун ҳеч қандай пул тўлаш, қандайдир сарф-харажат қилиш керак эмас. Қалбингиздан ғофиллик пардаси кўтарилади ва сиз ҳаётдаги ҳамма нарсага ҳақиқий рухий назар билан қарай бошлайсиз.

Мутлақ илм манбалари

Худо ҳақидаги илмни ёритувчи асарлар ичида энг улуғвор бўлган "Шримад Бҳагаватам"нинг мазасини қандай тотиб кўриш ҳақида билиб олиш жуда муҳим. "Шримад Бҳагаватам" - ведавий до-нишмандлик илми дарахтининг егилиб пишган, ширали мевасидир. Санскритча *раса* ибораси "шарбат" маъносини англатади, масалан, апельсин шарбати, манго шарбати. "Шримад Бҳагаватам"нинг муаллифи биздан бу асарнинг шарбатидан тотиб кўришни илтимос қиляпти. Нимага у илтимос қиляпти? Бу "мева"нинг шарбатини тотиб кўриш шунчалик муҳимми? Чунки "Шримад Бҳагаватам" Ведалар тимсоли бўлган "орзулар дарахти"нинг пишган мевасидир. Ведалар ҳам, худди орзулар дарахти сингари, сизга истаган нарсангизни бе-ришга қодир илм. *Веда* сўзи "илм" маъносини англатади. Ведалар – ҳақиқий илмнинг шунчалик бой, чексиз манбаики, моддий ёки рухий ҳаёт билан лаззатланишни ишташингиздан қатъий назар, сиз ундан истаган маълумотларни, шунингдек, ҳар қандай саволга жавоб топа оласиз. Агар сиз ҳаётда ведавий принципларга амал қилиб яшасангиз - мукамал, ҳақиқий бахтга эришасиз. Бу худди дунёвий давлатдаги ҳаётга ўхшайди: давлат қонунларига риоя қилиб, жиноят қилмай яша-ётган киши бемалол ҳаёт лаззатини суриб яшаши мумкин. Агар тўғри яшасангиз, ҳукумат вакиллари сизни безовта қилмайдилар. Агар дав-лат қонунларини бузмай яшасангиз, моддий ҳаётингиз бахтли бўлади.

Шартланган руҳларни, яъни, моддий оламда яшаётган тирик мавжудотларни давлат фуқароларига ўхшатиш мумкин. Улар бу дунё-га лаззатланиш учун, моддий бахт излаб келганлар. Ведалар ана шун-дай руҳлар учун қўлланма ҳисобланади. Сиз бу оламга лаззатланиш учун келдингизми - майли, лаззатланинг, лекин Ведаларнинг қонунларига амал қилган ҳолда лаззатланинг. Ведаларда ҳамма нар-

санинг қоидаси бор. Масалан, баъзида никоҳ маросимини ўтказамиз. Бу маросимнинг моҳияти, маъноси нимадан иборат? Унинг маъноси шундан иборатки, келин билан куёв, эр билан хотин бир-бирларига никоҳ ришталари билан боғланади. Агар улар аллақачон бирга яшаб юрган бўлсалар, никоҳ маросимининг нима кераги бор? Ведавий қоидаларга асосан, эркак билан аёлга бирга яшашга ва жинсий алоқа қилишга руҳсат берилади, лекин улар маълум қоидаларга амал қилишлари керак - шунда уларнинг ҳаёти бахтли бўлади. **Яшашдан мақсад - бахтли бўлиш.** Ведавий қонун-қоидаларга амал қилиш - тана учун зарур бўлган овқатланиш, уйқу, жинсий алоқа ва ҳимояланиш каби нарсалардан умуман воз кечиш дегани эмас. Ведалар умуман бу ишларни таъқиқламайди. Танамизнинг эҳтиёжлари худди ҳайвонларнинг эҳтиёжларига ўхшайди: ҳайвонлар ҳам одамлар сингари озикланадилар, ухлайдилар, жинсий алоқа қиладилар ва ҳимояланадилар. Аммо Ведаларда одамлар учун маълум қонун-қоидалар берилган: агар сен ҳаётда бахтиқаро бўлишни истамасанг, ундай қилишинг керак, бундай қилишинг керак. Агар ана шу қоидаларга амал қилсангиз, охир оқибатда моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқасиз.

Ростини айтганда, бу дунёдаги моддий ҳаёт руҳий табиатга эга бўлган жон учун яроқсиз, тўғри келмайдиган иш. Моддий ҳаётдан бахт излашимиз қандайдир англашилмовчиликдир. Аммо Кришна, Парвардигори олам, бизга шундай кўрсатмалар берадики, уларга амал қилиб яшасак, моддий ҳаётдан лаззатланиш имкониятига эга бўламиз ва кейин, бу ҳаёт аслида бизнинг ҳақиқий ҳолатимиз эмаслигини, ҳақиқий ҳаёт - руҳий ҳаёт эканини англаб етамиз. **Инсон ўзининг руҳий ўзлигини англаб етганида комил инсон даражасига кўтарилади:** "Мен - Брахман, руҳман". Агар биз руҳий ҳаётимизга жиддий эътибор бермасак, худди ит ва мушуклар сингари кун кечиримизга тўғри келади, шунда кейинги ҳаётимизда хойнаҳой ҳайвон бўлиб туғилишимиз эҳтимолдан холи эмас. Бу демак, табиат биз билан ана шундай "ҳазиллашгани" ва ҳайвон танасига эга бўлиб қолишимиз натижасида, яна инсон танасида туғилиш имкониятига эга бўлиш учун, миллион йиллар керак бўлади. **Инсон танаси бизга ҳақиқий ўзлгимизни англаб олиш учун берилган,** Ведалар илми эса, бизга ана шу йўлни кўрсатади.

Фақат Худони англаб етган, Кришна онгида бўлган кишинигина барча Ведаларни ўрганган ва уларнинг қоидаларига амал қилиб юрган одам деб ҳисоблаш мумкин. Кришна "Бҳагавад-гита"да шуни айтган, буни "Шримад Бҳагаватам" ҳам тасдиқлайди. Ведалар инсонни

аста-секин, бир неча умрлар давомида Кришнани тушуниб, англаб етишга олиб келади. Лекин "Шримад Бхагаватам"ни «Ведалар дарахтининг егилиб пишган меваси» деб атайдилар, чунки бу асар бизга зарур бўлган ҳамма нарсани дарров беради.

Ведалар тўрт қисмга бўлинган: "Сама-", "Риг-", "Атхарва-" ва "Яджур-веда»лар. Ведаларнинг мазмуни "Пурана"ларда тушунтирилган. Ўн саккиз Пурана бор. Ведалар илми "Упанишада"ларда яна ҳам кенгрок, батафсилроқ тушунтирилган. 108 Упанишада мавжуд. Упанишадалар фалсафаси "Веданта-сутра"ларда умумлаштирилган "Веданта-сутра"ларнинг муаллифи уларнинг мазмунини "Шримад Бхагаватам" асарида тушунтириб берган. Ведавий асарлар бир бири билан ана шундай боғланган. Демак, "Шримад Бхагаватам" бутун Ведалар илмининг квинтэссенцияси, маъзи ҳисобланади.

Наймишаранья - Ҳиндистон шимолида жойлашган муқаддас ўрмон, одатда *риши*, донишмандлар руҳий юксалиш йўлида баркамолликка эришиш учун шу ерга тўпланадилар. Ҳозирги даврда "Шримад Бхагаватам" айнан мана шу ўрмонда биринчи бор муҳокама қилинган эди. Ана шу муҳокама пайтида донишмандлар буюк донишманд Сута Госвамига шундай савол билан мурожаат қилдилар: "Кришна Ўзининг даргоҳига қайтиб кетди, энди бу дунёда трансцендент, илоҳий билимни ким ушлаб, сақлаб туради?" Донишмандлар шуни билишни истардилар. "Бхагавад-гита"да Кришна *гьяна-йога*, *карма-йога*, *дхьяна-йога* ва **бхакти-йогани** батафсил тушунтириб берган. Энди эса, Кришна Ер сайёрасини тарқ этиб кетгандан сўнг, руҳий илмни қаердан топиш мумкинлигини аниқлаш лозим эди. Бу саволга жавоб бера туриб, Сута Госвами айтдики, Кришна бизга "Шримад Бхагаватам"ни қолдириб кетган. "Шримад Бхагаватам" - Кришнанинг товушда намоён бўлган кўриниши бўлиб, худди "Бхагавад-гита" сингари, у ҳам Кришнанинг Ўзидан фарқ қилмайди. Улар мутлақ табиатга эга. Кришнанинг овози Кришнанинг ўзидан фарқ қилмайди. Кришнанинг номи ҳам Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Кришнанинг танаси ҳам Кришнадан фарқ қилмайди. Мутлақ табиат шундай бўлади, бу нарсаларни бевосита руҳий тажриба жараёнида тўлиқ англаб етиш мумкин.

"Бхагавад-гита" ва "Шримад Бхагаватам" - Кришнанинг товушда намоён бўлган кўринишлари. Бундан ташқари "Шримад Бхагаватам" - Кришнанинг бадий қиёфаси ва Ведалар илми дарахтининг егилиб пишган мевасидир. Ҳар бирингиз тўтиқушни билсангиз керак. Тўтиқушнинг танаси яшил, тумшуғи қизил. Бу қуш инсоннинг овозига аниқ тақлид қилишга усталиги билан машхур. Тўтиқуш қандайдир

дарахтнинг пишган мевасини чўқиса, шу мева яна ҳам ширин бўлиб кетади. Пишган мевалар одатда ёқимли, ширин бўлади, аммо, ундан тўтикуш тотиб кўрса, улар яна ҳам ширалироқ бўлиб кетади: табиат шундай яратилган. "Шримад Бхагаватам" - Ведалар илмининг пишган меваси, шу меванинг мазасини бир пайтлар Сута Госвамининг рухий устози Шукадева Госвами тотиб кўрган эди. Санскритча "*шука*" сўзи "тўтикуш" деган маънони англатади.

Шукадева Госвами - "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи тарғиботчиси. "Шримад Бхагаватам"нинг муаллифи - Шукадеванинг отаси Вьясадева. Шукадева Госвами ўн олти ёшлик пайтида "Шримад Бхагаватам"ни тинглаб рухий ўзлигини англаб етган эди. Бу пайтга келиб у озодликка чиққан илоҳий, трансценденталист, рухий даражага эришган, аммо Мутлак Ҳақиқатнинг чексиз кўринишига боғланган зот эди. Шукадева отасидан "Шримад Бхагаватам"ни тинглаганда, уни Кришнанинг кароматлари ўзига махлиё қилди. У "Шримад Бхагаватам"ни тарғибот қила бошлади. Унинг "Шримад Бхагаватам"ни гапириб берган биринчи одами буюк шоҳ Махараж Парикшит эди. Махараж Парикшитнинг тақдири бундай: у жуда тақводор шоҳ эди, аммо, бахтга қарши, бир гуноҳ иш қилиб қўяди, натижада уни браҳман оиласидан чиққан бола дуои-бад қилади. Қарғиш натижасида шоҳ етти кундан кейин ўлиши керак бўлади. У пайтларда агар браҳман бирор кишини дуои-бад қилиб қарғаса, қарғиш албатта амалга ошарди. Браҳманнинг қарғиши ҳам, дуоси ҳам хақиқий қудратга эга ва албатта ижобат бўларди.

Бир ҳафтадан кейин ажали етиб келишини билган шоҳ Парикшит ўлимга тайёргарлик кўра бошлайди. У салтанатдан воз кечиб, тахтни ўғли Джанамеджаяга топширади, оиласини тарк этиб, Дехли шаҳрига яқинроқда, Ганга дарёси соҳилига жойлашиб олади. Аниқроғи, Ганга эмас, Ямуна дарёси соҳилига. Махараж Парикшит буюк император бўлгани сабабли, у ерга жуда кўп донишмандлар, ведавий илм билимдонлари тўпланадилар.

Махараж Парикшит шу ерда тўпланган буюк донишмандларга шундай савол билан мурожаат қилади: - "Менинг вазифам, бурчим нимадан иборат? Етти кундан кейин ўлишим керак - энди менинг бурчим нима? Сизлар барчангиз Ведаларни яхши биладиган донишмандсизлар; менга тушунтириб беринглар - ажалим келиши олдидан мен нима қилишим керак?" Баъзи донишмандлар у *гьяна-йога* билан шуғулланиши лозим, дейишади, бошқалари *дхьяна-йога* билан шуғуллансин, дейишади, лекин улар сира бир қарорга кела олмайдилар. Шу пайт бу ерга Шукадева Госвами келиб қолади. Шукадева Гос-

вами шастраларни тўлиқ билиши билан машхур эди. Гарчи ўн олти ёшлик ўспириндай кўринса ҳам, барча мўйсафид донишмандлар, шу жумладан унинг отаси - Вьясадева ҳам, Шукадевага ҳурмат кўрсатиб ўринларидан турдилар. У Ведаларни шу қадар яхши билар эдики, донишмандлар шу заҳотиёқ уни ўзларининг сардори қилиб танлайдилар: "Мана Шукадева Госвами келди, Махараж Парикшитнинг нима қилиши кераклигини у айтиб беради!"

Шу тарзда Шукадева Госвами тўпланган барча донишмандлар номидан гапириш ҳуқуқига эга бўлди. Шоҳ ундан сўрай бошлайди: "Менинг бурчим нимадан иборат? Шу қадар омадлиманки, мен учун энг муҳим бўлган пайтда бу ерда сен пайдо бўлдинг. Менга тушунтириб берчи, мен нима қилишим керак?"

"Хўп, - дейди Шукадева Госвами, - мен сенга "Шримад Бҳагаватам"ни гапириб бераман". Барча тўпланганлар бир овоздан унинг қарорини маъқуллайдилар.

Шукадева Госвами - "Шримад Бҳагаватам"нинг биринчи тарғиботчиси. Айнан шу сабабли, худди пишган мева тўтиқуш чўқигандан кейин яна ҳам ширинроқ бўлгани сингари, "Шримад Бҳагаватам" ҳам, аввало ундан Шукадева Госвами тотиб кўргани сабабли яна ҳам лаззатлироқ бўлди, деб айтадилар.

Бунинг маъноси шундан иборатки, Ведалар адабиётининг ҳар қандай асарини, айниқса, "Шримад Бҳагаватам" ва "Бҳагавад-гита"ни рухий ўзлигини англаб етган киши оғзидан тинглаш лозим. Айниқса, агар улар вайшнавларнинг асарлари бўлса, уларни Худога ишонмайдиган иймонсизлар оғзидан тингламаслик керак. "Шримад Бҳагаватам" ва "Бҳагавад-гита" айнан вайшнавларнинг адабиёти ҳисобланади. Мен буни бир неча бор айтганман, яна таъкидлайман: фалсафий фикрлашлар билан, кармали фаолият билан ёки мушоабаси (сеҳрли йога) билан шуғулланиб юрган кишилар бошқаларга Худо ҳақидаги илмни очиб бера олмайдилар. Буни буюк авлиё донишманд Санатана Госвами ҳам ўз асарларида айтиб ўтган. У айтадики, Худога ишонмайдиган иймон-эътиқодсиз, Худога садоқат билан холис хизмат қилмайдиган одамларнинг "Бҳагавад-гита", "Шримад Бҳагаватам" сингари Худо Шахси ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни бошқаларга тушунтиришларига йўл қўймаслик керак. Биз "Бҳагавад-гита" ва "Шримад Бҳагаватам" сингари, Парвардигор ҳақидаги асарларни дуч келган одамдан тинглайвермаслигимиз керак. Бу мутлақо нотўғри. Санатана Госвами бизни алоҳида огоҳлантириб айтяпти, Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни қалби нопок кишилар оғзидан эшитмаслик керак.

Кимдир савол бериши мумкин: "Табиатан трансцендент, илохий, демак, пок бўлган Кришнанинг сўзлари қандай қилиб бирор нарса билан нопок бўлиб қолиши мумкин? Шу сўзларни Худосизлар оғзидан эшитсак нима бўлибди?" Тўғри савол, шастраларда унга шундай жавоб берилган: сут - ажойиб, тўйимли ичимлик, аммо, агар унга илон тилини теккизса, сут заҳарга айланади. Илон - заҳарли махлуқ. У ҳеч қандай сабабсиз қақиб олиши мумкин, у чакқан одам ўлимга маҳкум. Шунинг учун ҳам илонни барча ҳайвонлар ичида энг ашаддий, ваҳший махлуқ деб ҳисоблайдилар. Гарчи, барча муқаддас китоблар сингари, шастралар ҳам, одамларни бирор тирик мавжудотга озор бермасликка тарғибот қилсалар ҳам, уларда илон ва чаёнларни ўлдириш таъқиқланмаган. "Сут - ажойиб нарса, унга илон теккан бўлса ҳам ичавериш мумкин", деб ўйласангиз, ундай сутни ичганингиздан кейин албатта ҳалокатга учрайсиз. Ҳеч бўлмаса "Бҳагавад-гита" ва "Шримад Бҳагаватам"ни иймон-этикодсиз, Худога холис хизмат қилмайдиган, Худо ҳақида аниқ илмга эга бўлмаган ва Унга ҳасад қиладиган одамлар оғзидан тингламаслик керак. Бундай асарларни тушунтираётиб, ундай одамлар уларни ўзларининг заҳари билан булғайдилар. Гарчи Худонинг сўзлари ҳамиша улғувор ва ажойиб бўлса ҳам, биз уларни ҳеч қачон имонсиз одамлар оғзидан тингламаслигимиз керак, чунки улар худди илон сутни заҳарлагани сингари, Худонинг сўзларини заҳарлайдилар.

"Шримад Бҳагаватам"да айтилганки, бу асарга Шукадева тил теккизгани шарофати билан у яна ҳам ширалироқ, тотлироқ бўлиб кетди. "Шримад Бҳагаватам" - Ведалар илми дарахтининг пишган меваси бўлиш билан бирга Шукадеванинг оғзидан чиқаётгани учун, яна ҳам тотлироқ бўлиб кетди.

Парвардигор Кришна - йоганинг олий мақсади, шунингдек, чексиз руҳий лаззат манбаи: у фақат Ўзининг содиқларигагина очилади ва содиқларнинг марҳамати билан ҳар қандай инсон ҳам Парвардигор билан бевосита мулоқот қилиш лаззатидан баҳраманд бўла олади.

Осойишталикка эришиш йўли

Ҳар бир тирик мавжудот ҳаётда хотиржамликка, осойишталикка интилади. Ҳаёт учун курашнинг моҳияти ана шундан иборат. Хоҳ сувда яшовчилар ёки юксак даражада ривожланган одамлар бўлсин, хоҳ чумоли ёки Коинотда яратилган биринчи тирик мавжудот - Браҳма бўлсин, - ҳар бир тирик мавжудот осойишталикка, хотиржам-

ликка эришишга интилади. Бу - барча тирик мавжудотлар интиладиган асосий мақсад. Парвардигор Чайтанья айтгандики, Кришна онгида бўлган кишигина чинакам осойишталикда, хотиржам бўлади, чунки ундай одамнинг ҳеч қандай шахсий истаклари қолмайди. Кришна онгида бўлган кишига хос бўлган алоҳида хусусият мана шундан иборат. Ана шундай инсонни *акама* деб атайдилар. *Акама* дегани унинг "ҳеч қандай истаги йўқ", у ҳеч кимдан ҳеч қандай илтимос қилмайди, деганидир. У ўз ҳолатидан мамнун ва бутунлай фароғатда. У қандай одам? У - Кришна онгида мустаҳкам турган Худонинг содиқ хизматкори.

Қолган одамларнинг барчаси уч тоифага бўлинади. Биринчи тоифа одамларга *бхукти*лар, яъни, моддий лаззат, дунёвий бахт излаб юрган одамлар киради. Ундай одамлар фақат еб-ичиш, хурсандчилик қилиш ва лаззатланишни истайдилар. Ҳар хил таналар тирик мавжудотларга бу дунёда лаззатланиш учун турли имкониятлар беради. Одамлар ҳар хил жойларда - бу сайёрада, бошқа сайёраларда, яшаш имкони бўлган ҳар бир жойда лаззатланиш учун имконият ахтарадилар. Уларнинг ҳаётдаги асосий мақсади - сезгилари(нафси)нинг талабини қондириш, шунинг учун уларни *бхукти* деб атайдилар. Кейинги тоифа одамлар қаторига ҳиссий лаззатланиш ортидан югуравериб чарчаган, ёки улардан безиб кетган, энди бу моддий олам тутқунлигидан қутулишга интилиб юрган кишилар киради. Ана шундай одамларнинг баъзилари илм излаш йўлига кириб, Мутлак Ҳақиқат ҳақида ўйлай бошлайдилар. Бир сўз билан айтганда, баъзи одамлар ҳиссий лаззатларга интиладилар, баъзилар эса озодликка, моддий тутқунликдан халос бўлишга интиладилар. Озодликка интилаётганларнинг ҳам истаги бор: улар моддий олам чангалидан халос бўлишни истайдилар. Улардан ташқари йоглар ҳам бор, улар сеҳр қудратига эга бўлишга интиладилар. Йогада баркамолликка эришишнинг саккиз тури мавжуд, жумладан, энг кичик нарсадан кичик бўла олиш, энг оғир нарсадан оғирроқ бўла олиш, хоҳлаган нарсага шу заҳоти эриша билиш. Шундай қилиб, оддий одамлар қалбида - ҳиссий лаззатланишга, озодликка чиқишга ёки сеҳр қудратига эга бўлишга интилаётган одамларнинг у ёки бу истаклари мавжуд бўлади. Худонинг содиқ хизматкорлари-чи? Содикларнинг ҳеч қандай шахсий истаклари йўқ. Содикларнинг ягона истаги - Кришнага, Худога садоқат билан холис хизмат қилиш, шунинг учун улар ҳаётда фақат Кришнанинг кўрсатмаларини кутиб юрадилар ва Унинг истагини бажаришни ўзлари учун бахт деб биладилар. Агар Кришна содиқ хизматкорига дўзахга бор деса, улар дўзахга боришга ҳам тайёр. Агар Кришна улар-

га: "Менинг олдимга кел!" - деса, улар Кришнанинг олдига борадилар. Уларнинг ҳеч қандай шахсий истаги йўқ. Ҳақиқий мукамаллик ана шундай бўлади.

Бир содиқнинг Парвардигорга қилган ажойиб илтижоси бор: "Мен бутун онгимни Сенинг Ўзингда мужассам қилишни истайман, эй азиз Парвардигор, мен ҳамиша Кришна онгида бўлишни ва ақлу-хаёлимда пайдо бўлаётган ҳар қандай истаклардан бирагўла қутулишни истайман". Моддий оламда тутқун бўлиб юрганимиз учун бизнинг шахсий, сохта ниятларимиз кўп. Кўпчилик одамлар ҳиссий лаззатланишни истайдилар: руҳий юксалиш йўлида анча юқори кўтарилганлар ақл сатҳидаги лаззатлар билан қаноатландилар; бу дунёда ўзларининг сеҳр кучини бошқаларга намоён қилиб, мўъжиза кўрсатишни истайдиганлар улардан устунроқ туради. Ҳар хил даражада бўлишларига қарамай, бу одамларнинг барчаси моддий олам тутқунлигидаги одамлардир. Аммо, Кришна онгида бўлган киши, Худога шундай сўзлар билан илтижо қилади: "Эй Парвардигор, қачон мен бутун фикру-хаёлим билан Сени ўйлаб, Сенга хизмат қила бошлар эканман?" "Парвардигор ҳақидаги ўйлар" - қандайдир мавҳум, ўйлаб топилган нарсалар эмас, балки мутлақо аниқ, ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган нарсалардир. "Мен албатта фароғатга, хотиржамликка эришаман!" Ана шундай кайфиятга эга бўлсак, қалбимиздаги ҳар хил "мен уни истайман", "мен буни истайман!" деган фикрлардан қутуламиз.

Бизлар ҳозир ақл сатҳида адашиб юрибмиз. Биз ўз ихтиёримизни ақлимизга топшириб қўйганмиз, у бизни ҳар қўйга солиб юрибди: "У ёққа бор, бу ёққа югур!" Мана шу бемаъни фаолиятни тарк этиш лозим ва олган илмимиз ёрдамида қатъий қарорга келишимиз керак: "Кришна, мен Сенинг мангу хизматкоринг бўлишни истайман. Ниҳоят, ўзимнинг ҳақиқий ҳукмдоримни топганимдан чексиз хурсандман!" Кришна онгида бўлмаган кишининг суянадиган кишиси, борадиган жойи, ҳукмдори йўқ. Ундай одамлар фақат ўз мулоҳазаларига таяниб иш тутадилар, Кришна онгида бўлган киши эса, олий ҳукмдори, хўжайини раҳбарлиги остида ҳаракат қилади, шунинг учун у ҳеч нарсадан қўрқмайди. Масалан, ёш бола ота-онасининг ғамхўрлиги остида бўлар экан, у ҳеч нарсадан қўрқмайди. Лекин, у мустақил ҳаракат қила бошлаган заҳоти турли хил қийинчиликларга учрай бошлайди. Бу жуда кўпол ўхшатиш, лекин агар одам ўзи ўйлаб топган ҳар хил истаклардан озод бўлиб, Кришна-ни тўла англаган ҳолда, Кришна онгига ғарқ бўлиб, кеча-ю кундуз холис хизмат қилиш билан машғул бўлса, у шу заҳотиёқ фароғатга

эришади. Ҳақиқий, чинакам фароғат, чинакам осойишталик мана шундай бўлади.

Демак, Парвардигор Чайтанья айтгандики, Кришна онгида бўлган кишигина чинакам осойишталикда, фароғатда бўлади, чунки ундай одамнинг ҳеч қандай шахсий истаклари қолмайди. Ҳиссий лаззатланишга, ёки озодликка чиқишга интилиб юрган ёки турли хил сеҳр қудратларига эга бўлишга интилиб юрган одамларнинг барчаси ҳамиша ҳар хил ташвишлар остида юрадилар. Ташвишларга берилган одам шубҳасиз моддий табиат чангали остида бўлган киши ҳисобланади. Биз фақат ҳар хил ташвишлардан биратўла қутулсаккина ҳақиқий озодликка эришамиз. Қалбимиздаги ташвиш ва хавотирларнинг барчаси, бутун борликни ким бошқариб турганини, Кришнани, Парвардигорни билмаганимиз сабабли пайдо бўлади. Биз қандайдир нотўғри тасаввурларга эгамиз ва шулар асосида ҳаёт кечирамиз, шу сабабли ҳамиша хавотирдамиз.

Худонинг содиқ хизматкорига ҳар қандай қийинчиликлар ҳам ташвиш келтирмаслигини кўрсатувчи жуда кўп мисоллар бор. Маҳараж Прахлада жуда ёш, беш яшар бола эди, у Худога садоқат билан холис хизмат қилишда машғул бўлгани учун отаси унинг ашаддий душманига айланади. Бу дунё ўзи шундай тузилган: Худога холис хизмат қилиш билан шуғулланмоқчи бўлган киши олдида дарров турли хил қаршиликлар пайдо бўлади. Лекин бу қийинчиликлар уни ўз йўлидан тўхтата олмайди, бу қийинчиликлар содикни руҳий юксалишда давом этишдан тўхтатиб қола олмайди. Бизларнинг ҳар биримиз Кришна онгига эришиш истагида ёниб яшашимиз керак, акс ҳолда биз алданиш салтанатида, майанинг ҳукмронлиги остида қолиб кетаверамиз. Унинг чангалидан қутулишга ҳаракат қилаётганимизни кўрган заҳоти *майа* олдимизда пайдо бўлади: "Ҳа-а, мана бу руҳ менинг амримга бўйсунушдан бош тортмоқчи!" – албатта, у бор кучини ишга солиб қаршилик қилишга ҳаракат қилади. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган ва ихтиёрини Худога бутунлай топшириб қўйган одам учун *майа* ҳеч қандай қийинчилик туғдиrolмайди. *Майа* унинг учун кўрқинчли эмас. Кришна онгида бўлиш - чинакам фароғатда бўлиш демақдир.

Ҳамма тинчлик бўлишини истайди. Тинчлик марши катнашчилари бутун жаҳонда тинчлик бўлишини истайди, аммо улар бунга қандай эришиш йўлини билмайдилар. Мен яқинда архиепископ Кентерберийскийнинг газетада эълон қилинган мақоласини ўқидим, у айтадики: "Сизлар Худонинг Ўзини четда қўйиб Унинг салтанатига эришишни истайсизлар!" Мана бизнинг асосий хатоимиз! Агар сиз

ҳақиқатан ҳам тинчлик бўлишини истасангиз, фақат Худони англаб етган одамларгина чинакам тинчликка эриша олишини тушуниб олишингиз лозим. "Бхагавад-гита"да шундай ёзилган. Агар сиз ўзингизнинг Худо билан, Кришна билан ўзаро муносабатингизни қайта тиклаб олмасангиз, ҳеч қачон тинчликка эриша олмайсиз. Дунёдаги одамлар тинч-тоғув яшашлари учун, уларнинг ҳар бири, - Америка Қўшма Штатлари билан бирга бутун олам - ягона Парвардигорнинг мулки эканини англаб олишлари керак. Россия ҳам, Хитой ҳам, Ҳиндистон ҳам ва бошқа барча мамлакатлар Худонинг мулки. Аммо одамлар бу мамлакатларни меники, бизники, деб ёпишиб олганлар, шунинг учун ҳар хил келишмовчиликлар, қаршиликлар, низо-лар пайдо бўлади. Шундай экан, қандай қилиб дунёда тинчлик ўрнатиш мумкин?

Авваламбор биз ҳамма нарса Кришнанинг мулки, Худоники эканини тан олишимиз лозим. Бизлар бу ерга эллик ёки юз йил муддатга келган меҳмонлармиз, холос. Ҳар биримиз дунёга келамиз, сал ўтмай ўлиб кетамиз, лекин, шунга қарамай, ҳар бир одам ўзи вақтинчалик яшаб турган жойини "менинг ватаним!", "менинг оилам!" "менинг нарсам", "менинг танам" - деб ўйлайди. Кейин вақти келиб, Парвардигор танамизни, уйимизни, ватанимизни, молу-дунёмизни тарк этишни амр этганида, олий ҳукми ижро этиб, бошқа шароитларда яшаш учун биз бошқа бир танага йўл оламиз. Биз моддий табиат қонунларининг ҳукми остидамиз, у бизларга ҳар хил таналарни беради: "Марҳамат, мана шу танани олинг!" Шу тарзда биз америкалик, хитойлик ва ҳиндулар танасида, мушук ёки ит танасида туғиламиз. Аслида, ҳатто мана шу тана ҳам ўзимизники эмаслигига қарамасдан, дарров ўзимизни шу танага қиёслаб бошлаймиз. Шундай ғофиллик ботқоғига ботган тирик мавжудотлар осойишта ёки хотиржам ҳаёт кечири оладиларми? Фақат, бутун борлик уники эмас, Худоники эканини англаб етган кишигина чинакам хотиржамликка эриша олади. Дўстларимиз, ота-онамиз, уларнинг ота-оналари, давлат президенти - уларнинг барчаси бу дунёга вақтинчалик келган одамлар. Фақат ана шу ҳақиқатни одамлар англаб етгандагина жаҳонда барқарор тинчлик ўрнатилади.

Биз ҳаммиша хотиржамликка, осойишталикка эришиш йўлида бизга ёрдам бера оладиган бирор дўст излаймиз. Ана шундай дўст - Кришна, Парвардигор. Агар сиз У билан дўстлашсангиз, бу дунёда ҳамма сиз билан дўст бўлади. Парвардигор ҳар бир инсон қалбида мавжуд, агар сиз Худо билан дўстлашсангиз, у барча тирик мавжудотларнинг қалбида туриб, уларга сизга нисбатан дўстона муносабат-

да бўлишни таъкидлаб туради. Агар сиз полиция комиссари билан дўстлашиб олсангиз, бундан албатта қандайдир манфаат кўрасиз. Агар президент билан дўстлашиб олсангиз, ҳамма сиз билан дўст бўлади, чунки ҳамма президентга бўйсунди. Агар қайсидир мансабдор шахсдан сизга бирор нарса керак бўлса, сиз шунчаки президентга қўнғироқ қиласиз, у ўша мансабдорга буйруқ беради: "Дўстим сендан илтимос қилаётган ишни бажариб юбор!" Дарров ишингиз ҳал бўлади. Парвардигор билан шунчаки дўстона муносабат ўрнатишга ҳаракат қилинг, шунда ҳамма сизнинг дўстингизга айланади. Агар мана шу ажойиб ҳақиқатни одамларнинг барчаси тушуниб етсалар, агар улар Парвардигор - ҳар бир одамнинг, ҳар бир тирик мавжудотнинг дўсти эканини, ҳамма нарса Уники эканини англаб етсалар, улар албатта тинчликка, ҳамжихатликка, дўстликка ва хотиржамликка эришадилар. Парвардигор Чайтанья мана шунини айтиб кетган эди.

"Бҳагавад-гита", "Шримад Бҳагаватам", "Чайтанья Чаритамрита" ва бошқа барча ведавий асарлар, бошқа динларга нозил бўлган муқаддас китоблар сингари, одамларга мана шу ягона ҳақиқатни тушунтирадилар: ҳамма нарса Худоники, фақат ягона Парвардигоргина ҳар бир тирик мавжудотнинг энг яқин дўсти. Шунини тушунсангиз, сиз ҳаётда чинакам хотиржамликка эришасиз. Фароғатга, хотиржамликка айнан шу йўл билан эришиш мумкин. Агар сиз Худонинг мулкига кўз олайтирсангиз, «бу меники!» деб ёпишиб олсангиз, "полиция", яъни моддий табиатнинг иши сиз билан бўлади. У бу мулк сизники эмаслигини сизга яхшилаб тушунтириб қўяди: сиз Худонинг сизга бериб қўйган нарсасидан вақтинча фойдаланяпсиз, холос.

Бизга инсон сифатида қўйилаётган бирдан бир талаб - Кришнани, ягона Парвардигорни тўлиқ англаб етиш даражасига кўтарилиш. Агар бу қонунга бўйсунмасангиз, унга амал қилиб яшашни хоҳламасангиз, руҳсат қилинганидан кўпроқ лаззатланмоқчи бўлсангиз, унда, шунга яраша азоб чекишингизга тўғри келади. Бундан ҳеч ким қочиб қутула олмайди. Шунинг учун ҳам Парвардигор Чайтанья айтганки, "Фақат Кришна онгида бўлган кишигина ҳақиқий ҳаловатга эришади, чунки ҳаётда унинг ҳеч қандай истаклари йўқ".

Кришнани, Худони англаб етган киши учун Парвардигор Кришнадан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас. Фақат Кришна онгида бўлганларгина ҳақиқий осойишталикка эришган зотлар ҳисобланадилар ва ҳеч нарсадан қўрқмайдилар. Ана шундай зотлар жаннатда ҳам яшамайдилар, дўзахда ҳам, бошқа бирор жойда ҳам яшамайдилар: улар ҳамиша Кришна билан бирга ва шу сабабли улар учун ҳамма жой - Вайкунтҳа, яъни "ҳеч қандай қайғу, ташвиш йўқ

жой". Парвардигор Кришна Параматма, олий руҳ кўринишида ҳамма жойда мавжуд. У ҳатто чўқанинг қалбида ҳам мавжуд. Чўққа ахлатчиқиндилар билан овқатланади, лекин бу - Олий Руҳ ҳам унинг қалбида туриб у билан баробар жазоланади, дегани эмас. Худо ва Унинг содиқлари моддий табиат гуналарига нисбатан ҳаммиша илоҳий ҳолатда бўладилар. Ҳамиша Кришна онгида яшаётган кишиларни камдан кам учратиш мумкин, улар жуда ҳам хотиржам, осойишта ҳаёт кечирадилар. Миллионлаб одамлар орасида эҳтимол, ҳақиқатан ҳам Кришнани англаб етган бирор одам топилиб қолиши мумкин. Ундай даражага, Кришна онгида бўлиш даражасига эришиш камдан кам одамнинг кўлидан келади. Ҳозирги даврда одамларнинг ана шундай қийин аҳволда қолганини кўриб, Кришнанинг Ўзи бу дунёга Парвардигор Чайтанья қиёфасида ташриф буюрган ва барчага Худога бўлган ана шундай нодир муҳаббат туйғусини саховат билан улашяпти.

Лекин, Худога муҳаббат туйғуси текинга берилаётгани ва уни хоҳлаган одам олиши мумкин бўлгани учун, одамлар унинг қадрига етмайдилар. Менинг руҳий устозим айтар эдики, агар сиз уйма-уй юриб, ҳар кимга текинга лангера мангосини тарқатиб чиқсангиз, одамлар сиздан гумонсирай бошлайдилар: "Нимага бу одам лангера мангосини текин тарқатяпти? У албатта бундан қандайдир фойда кўраётган бўлса керак?" Лангера мангоси энг олий навли манго бўлиб, жуда қиммат туради. Худди шунингдек, Парвардигор Чайтанья энг қиммат лангера мангосини, - Кришнага муҳаббат туйғусини - текин тарқатаётгани учун, одамлар ўзларининг ғофиллиги сабабли бунга гумон билан қарайдилар: "Шунчаки, Харе Кришна мантрасини такрорлаш - шу ҳам буюк иш бўлибдими? Бу шунчаки аҳмоқ, илмсиз, фалсафий фикрлаш кўлидан келмайдиган одамларнинг иши!" Аслида мутлақо ундай эмас. Шастраларда айтилганки: - "Миллионлаб одамлар орасидан фақат биргина киши Кришнани англаш билан қизиқиши мумкин". Бу нодир илмга эътиборсизлик билан қараманг, уни ўрганиш имконияти жуда кам учрайди. Агар қалбингизда Кришна онгини ривожлантира олсангиз, ҳаётда энг катта муваффақиятга эришган бўласиз. Ҳаётда инсон эришиши лозим бўлган энг олий мақсадга эришган ва инсон сифатида ўз бурчингизни тўла бажарган бўласиз. Кришнани англаш уруғи - жуда нодир, танқис, камдан кам одамга насиб қиладиган бахт. Парвардигор Чайтанья айтганки, моддий таналарнинг 8 400 000 тури мавжуд, сон-саноксиз руҳлар коинот бўйлаб ана шу таналарнинг бир туридан бошқа турига ўтиб, адашиб, сарсон саргардон бўлиб юрадилар. Ана шундай сон-саноксиз тирик

мавжудотлардан бирортаси хақиқий, руҳий илм олиш имкониятига дуч келиши мумкин.

Баъзан Худонинг содиқ хизматкорлари уйма-уй юриб, девонагадойлар сингари, эҳсон сўраб юрадилар. Ҳиндистонда ана шундай гадойларни, айникса санньясиларни жуда хурмат-эҳтиром билан кутиб оладилар. Кимнингдир эшиги олдида санньяси пайдо бўлиши биланоқ, уй эгаси ундан сўрайди: "Свамиджи, келинг, сизга қандай ёрдам керак?" Тиламчи содиқ сиздан ҳеч нарса сўрамайди, лекин, уй эгаси унга бирор нарса берса, атиги битта чапати берса ҳам, эвазига жуда катта руҳий мукофот олади. Уйига келган Худонинг содиқ хизматкорига атиги битта чапати берган уй эгаси ҳам катта руҳий ютукқа, руҳий бойликка эришади. Руҳан бой бўлган киши содиқларни иложи борича яхши кутиб олишга ҳаракат қилади. Ведавий қонунларга асосан, агар уйингизга ҳатто душманингиз келса ҳам, унга шундай иззат-икром кўрсатишингиз керакки, у сизга душман эканини эсидан чиқариб юборсин. Уйингизга Худо йўлида ҳамма нарсасидан воз кечган Худонинг асл содиқ хизматкори кириб келганда эса, сиз унга муносиб хурмат иззат кўрсатишингиз лозим.

Грихастхалар, уй эгалари айнан ана шундай ҳаёт кечиришлари лозим. Кун ўртасида *грихастха* кўчага чиқиб, қорни оч одамларнинг ҳаммасини уйига овқатга таклиф қилиши лозим. Агар ҳеч ким бўлмасагина уй эгаси ўзи овқатланишга ўтириши мумкин. Инсон бўлиб яшашнинг жуда кўп қонун-қоидалари мавжуд, уларнинг барчаси инсон ҳаётда такводор бўлиб яшаши учун мўлжалланган. Булар қандайдир юзаки ақидалар ёки бемаъни талаблар эмас: улар инсонни такводор қилиб тарбиялайди. Барчамиз Худонинг ажралмас бўлаклари бўлганимиз сабабли, бизга шундай тарбия олиш имконияти берилган. Ана шу қонун-қоидаларга амал қилиб юрсак, эртамикечми албатта Кришна онгига эришамиз.

Ана шундай тарбия олиб яшаб юрган инсон ҳаёт йўлида табаррук устоз, Худонинг содиқ хизматкорини учратиб қолса, шундай зот билан ҳамсуҳбат бўлиши натижасида унинг қалби покланади. Парвардигор Чайтанья айтган эдики, агар инсон аввалги ҳаётларида руҳий бойлик келтирувчи хайрли ишлар қилган бўлса, кейинги ҳаётида у Худонинг асл содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиш имкониятига эга бўлади. Шартланган руҳ руҳий устози ва Кришнанинг марҳамати билан Кришна онгининг уруғини олишга муяссар бўлади. Руҳий устоз ва Парвардигор Кришна истаганида инсондаги Кришна онгининг уруғи ривожланиб, яхши ҳосил беради. Шу тарзда инсон ўзининг солиҳ амаллари шарофати билан омади юришиб, руҳий ҳаёт

йўлига кириб боради, кейин ҳақиқий руҳий устозни учратади, унинг марҳамати билан Кришна онгининг уруғини олади. Инсон ўзи қалбида руҳий илм эгаллашга, Худонинг улуғвор содиқлари билан учрашишга интилаётгани сабабли ана шундай бахтли ҳолат юзага келади.

Руҳий юксалиш йўлининг қисқача таърифи шундай ва шастралар инсонга айнан мана шу йўлдан боришни тавсия қиладилар. Кришна сизнинг қалбингизда, агар У сизнинг ҳақиқатан ҳам самимий интилаётганингизни кўрса, Уни ҳақиқатан ҳам жиддий излаётганингизни билса, У ҳаёт йўлингизда сизни ҳақиқий руҳий устоз билан учраштиради. Кришнанинг ва руҳий устознинг марҳамати билан шартланган руҳ Кришна онгининг уруғини олишга муваффақ бўлади. Шу уруғ сизнинг қалбингизда азалдан бор. Масалан, сизда атиргул уруғи бор, ундан ажойиб атиргул униб чиқиши мумкин. Сиз бу уруғни нима қиласиз? Сизда қандайдир яхши ўсимликнинг уруғи бўлса, уни сандиққа солиб яшириб қўйиш эмас, тупроққа экиш керак. Бу уруғни каерга экасиз? Бир куни келиб Кришна онги билан танишганингиздан сўнг, сиз бу уруғни ўз қалбингизга экишингиз лозим. Оддий тупроққа эмас, қалбингиздаги юмшоқ жойга экишингиз лозим. Қалбингизга Кришна онги уруғини экканингиздан кейин, муқаддас номларни такрорлаш ва тинглаш билан уни озиклантириб, суғориб туришингиз лозим. Қалбингизга эккан Кришна онги уруғини муқаддас номларни зикр қилиш ва тинглаш суви билан суғориб туринг, шунда у албатта ўсиб улғаяди.

Руҳий устоздан фотиҳа олгандан кейин, эришган мана шу ютуғингизда тўхтаб қолманг, энди муқаддас номларни такрорлаш ва тинглашнинг ҳожати йўқ, деб ўйламанг. Руҳий юксалишда давом этинг. Агар ниҳолга сув қуйиб турмасангиз, у сўлиб қолади ва ҳеч қандай мева бермай қўяди. Худди шунингдек, агар сиз Кришнани англашда юксак даражага эришган бўлсангиз ҳам, ҳеч қачон Худонинг муқаддас номларининг илоҳий товушларини такрорлаш ва тинглашни тарк этманг. *Майя* жуда кучли, унинг қудрати чексиз, шунинг учун руҳий ҳаёт қоидаларига эътиборсиз қараганингизни кўрган заҳоти у сизни ўз чангалига олишга ҳаракат қилади. Сиз садоқат ниҳолини суғориб туришингиз шарофати билангина Кришнани англаб етишда ривожлана борасиз. У қандай қилиб ўсади? Сиз билган ҳар қандай дарахт ўсиб ривожланишда бир жойга бориб тўхтади: у қанчалик ўсмасин, барибир бир жойга бориб ўсишдан тўхтади. Аммо Кришнани англаш ниҳоли ўсишдан тўхтамайди, у моддий коинот чегарасидан ҳам ўтиб кетади, чунки бу ниҳолнинг эгаси моддий

оламда мумкин бўлган саодатлар билан қаноатланиб қолмайди. Ундай одамга ҳатто Сиддхалока сайёрасида яшашни таклиф қилсангиз ҳам рози бўлмайди. Сиддхалока аҳолиси шу қадар кучли илоҳий қудратга эга бўладиларки, самода ҳеч қандай самолетларсиз беиалол учиб юра оладилар.

"Шримад Бхагаватам"га асосан, бизнинг коинотда Сиддхалока деган сайёра борки, унда яшайдиган одамлар бир сайёрадан иккинчи сайёрага самолет ёки космик кемаларсиз учиб ўтиш қудратига эга. Сиддхалокадагидан ҳамюқори имкониятларга эга бўлган сайёралар ҳам мавжуд. Менга маълум бўлишича, ҳозир олимлар осмондаги ҳар бир юлдуз бизнинг сайёрамиз сингари, Куёш системасидан иборат деб ҳисоблайдилар; лекин Ведалар таълимоти бир-биридан мустақил ҳолда мавжуд бўлган сон-саноксиз коинотлар мавжудлигини ўргатади. Ҳар бир коинотнинг ўлчами унинг марказидан то уни қоплаб турган осмоннинг энг узоқ нуқтасигача бўлган масофа билан ўлчанади. Замоनावий олимлар «ҳар бир юлдуз – куёш» деб ҳисоблайдилар. Аммо Ведаларда бошқача маълумот берилган. Ведавий битиклардан биламизки, ҳар бир коинотда фақат битта куёш бор. Аммо моддий оламда коинотлар жуда кўп, шунга мос ҳолда ойлар ҳам, куёшлар ҳам кўп. Коинотдаги энг олий сайёра Браҳмалока деб аталади, Парвардигор Кришна айтадики: "Агар ҳатто сен энг юқори сайёрага борсанг ҳам, барибир яна қайтиб келишга мажбурсан". Космонавт ва астронавтлар томошабинларнинг гулдурос қарсақлари остида жуда баландга кўтариладилар, аммо кўп ўтмай яна қайтиб тушадилар. Уларни қарсақлар чалиб қанчалик олқишламасинлар, улар бундан юксакроқ нарсага қодир эмаслар. Худди шунингдек, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга амал қилиб яшаётганлар ҳатто Браҳмалокага ҳам кўтарилишлари мумкин, лекин, қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши, ҳатто Браҳмалокага эришишга ҳам рози бўлмайди. Унинг қалбида ҳатто Худонинг шахсиятсиз ёғдуси бўлган браҳмаджйотига кўшилиб кетиш нияти ҳам йўқ. Буларнинг бирортаси уларни ўзига жалб қила олмайди.

Коинотнинг қобиғи ҳозир биз кўриб, яшаб турган бўшлиқдан бир неча бор қалинроқ. Унинг қалинлиги коинотнинг ички ҳажмидан ўн баробар каттароқ. Агар руҳ мана шу қобиқ орқали ўта олса, у Вираджага, Сабаблар уммониغا эришади. Будда таълимотига кўра инсон ҳаётининг камолот чўққиси - ана шу Вираджага эришиш ҳисобланади. Ведалар тилида моддий фаолиятни тўла тарқ этиш - *вираджа* деб аталади. Аммо, Кришна онгига эга бўлган киши, коинот қобиғидан ўтиш билан қаноатланиб қолмайди. Сабаблар уммониغا,

яъни оралиқ ҳолатга етиб, у ўз йўлида давом этаверади. Кришна онгининг ажойиб ниҳоли ўсиб улғайишда аввало Брахмалокага, кейин Вираджага, кейин рухий осмонга эришади, ҳатто у ерга бориб рухий Вайкунтҳа сайёраларида ҳам ўсишда давом этаверади.

Рухий оламнинг энг юксак сайёраси - Кришналока. У худди устида Кришна турган нилуфар гулига ўхшайди. Содикнинг қалбига ўрнатилган садоқат ниҳоли, Кришна онги ниҳоли ўсишда Кришналокага етиб бориб, Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини топганидагина тин олади ва бошқа ҳеч қаерга интилмайди. Худди ўсишда давом этавериб ниҳоят бир нарсага илашгандан кейин гуллаб ҳосил бера бошлайдиган чирмовук сингари, Кришна онгининг ниҳоли, садоқат ниҳоли ҳам, ўсиб ривожланишда Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига бориб етгандан кейингина очилиб, гуллай бошлайди. Садоқат ниҳоли Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини ўраб олган заҳоти, унинг бошқа бирор нарсага интилиш истаги йўқолиб кетади ва у шу ерда қолишга қарор қилади: "Бўлди, энди менинг саёҳатим ниҳоясига етди, мен шу ерда гуллаб-яшнашни истайман". "Гуллаб яшнаш" - Кришна билан бирга бўлишдан лаззатланиш демакдир. Фақат Кришна, Парвардигор билан юзма-юз мулоқотга эришгандагина содиқ хизматкор тўла мамнуният ҳосил қилади.

Садоқат ниҳолини тинмай парвариш қилиш керак, агар Кришнани англаш йўлида мустаҳкам турган киши қатъият билан олға юраётган бўлса, у ҳозирги ҳаётидаёқ садоқат ниҳолининг мевасидан баҳраманд бўла олади.

Кришнанинг муқаддас номларини такрорлаш ва тинглашда давом этиб, сиз тиним билмай ўса борасиз, Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига эришгандан кейин эса, У билан мулоқот лаззатини сурасиз.

Иловалар

Оммабоп Бхакти-йога

Буюк донишмандлар, табаррук авлиёлар ва такводор шоҳлар қадим замонлардан бери Парвардигорга садоқат билан холис хизмат қилиб келганлар. Қадимда машҳур шоирлар Худога садоқат билан хизмат қилишни олқишлаб ғазаллар ёзганлар, Парвардигорга бўлган соф муҳаббатини кўшиқларда шарафлаб куйлаганлар.

Биз яшаётган ҳозирги кунда Худога садоқат билан хизмат қилиш - *бхакти-йога*, минг йил аввалгига қараганда ҳам зарурроқ, муҳимроқ бўлиб қолган, чунки, Худо билан боғланишни тарғибот қиладиган бошқа йўлларнинг, бошқа динларнинг ҳар хил кўрсатма ва қонун-қоидаларини бажаришга ҳозирги одамларнинг вақти ҳам, имконияти ҳам йўқ. Аммо ҳаётда Худони англашнинг *бхакти-йога* усулига амал қилиш жуда қулай. *Бхакти-йога* билан шуғулланиш инсонга ўзида барча улугвор, эзгу фазилатларни ривожлантириш ва ҳаётда ҳар бир инсон интилиб юрган нодир бахт - мангу ҳаёт, мангу лаззат ва мукамал илмга эришиш имконини беради.

Ҳаётда ким бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай инсон *бхакти-йога* билан шуғуллана олади. Бунинг учун таркидунё қилишнинг, ишлаётган ишимизни, оиламизни ёки уйимизни тарк этишнинг, ёки катта харажатлар қилишнинг ҳожати йўқ. Биз ҳаётимизнинг энг муҳим, асосий мақсадини ягона Парвардигор, Кришна қилиб олсак бас. Кундалик турмушдаги барча ўй-фикрларимиз, орзу-истакларимиз ва қиладиган барча ишларимизни Худога бағишлашимиз лозим. Агар биз муҳаббат ва садоқат билан Худонинг муқаддас номларини - Ҳаре Кришна мантрисини мунтазам зикр қилиб юрсак, *бхакти-йога* қонун-қоидаларига амал қилиб, Шрила Прабхупаданинг китобларини мунтазам ўқиб, пиширган овқатларимизни аввал Парвардигорга таклиф қилиб юрсак, албатта Парвардигор бизнинг қалбимиздан жой олади ва биз ҳаётда энг бахтиёр одам бўламиз.

Муроқабаси усули

Ҳаётда барча мусибат ва ташвишлардан биратўла халос бўлиб, ҳақиқий бахтга эришишга интилаётган киши учун мууроқабаси билан шуғулланиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Муроқабаси дегани "хаёлан кўз олдига келтириш" демакдир. Ҳамиша ақлини банд қилиб юрган кундалик турмуш ташвишларидан халос бўлиш учун инсон ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан устун турадиган илоҳий даражага кўтарилиши лозим. Бундай ҳолатга мунтазам равишда Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш, шу тарзда Парвардигор билан мулоқотда бўлиш натижасида эришиш мумкин.

Ҳар хил муқаддас китобларнинг тасдиқлашига кўра ягона Парвардигорнинг номлари кўп: Кришна, Рама, Иегова, Оллох, Будда ва ҳоказо. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш инсоннинг қалбини поклаб, ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан руҳий даража-

га кўтарилишда ёрдам беради. Ҳиндистоннинг авлиё зотлари қадимдан Худонинг муқаддас номларини мантралар кўринишида зикр қиладилар. Санскрит тилидан олинган "мантра" ибораси "Инсон ақлини ҳар хил ташвишлардан поклайдиган илоҳий товушлар бирикмаси" деган маънони билдиради.

Муқаддас китобларда чексиз поклеш қудратига эга бўлган *маха-мантра*, яъни, "буюк мантра" мавжудлиги ҳақида маълумотлар берилган. "Кали-сантарана-упанишад" деган муқаддас китобда ўн олти бўғиндан иборат бўлган ана шу маха-мантрани зикр қилиш, ҳозир биз яшаётган Кали-юга - ўзаро жанжаллар, иккиюзламачилик ва ташвишлар авж олган даврда руҳий юксалишга эришиш воситаси сифатида алоҳида тавсия қилинган: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.

Худонинг муқаддас номларидан бири бўлган Кришна ибораси "ҳаммани Ўзига маҳлиё қиладиган", Рама ибораси эса, - "барчага лаззат бағишлайдиган" деган маънони, Ҳаре ибораси эса, Худога садоқат билан хизмат қилиш қувватига мурожаат қилишни билдиради. Яъни, маха-мантранинг мазмуни тахминан қуйидагича: "Эй ҳаммани Ўзига маҳлиё қиладиган, барчага лаззат бағишлайдиган Парвардигор, эй Худонинг чексиз қудрати! Ўзингга садоқат билан хизмат қилишимга имкон бер!"

Бу мантрани истаган жойда, истаган оҳангда, истаган вақтда зикр қилиш мумкин. Мантрани яқка ҳолда тасбеҳда зикр қилиш - "жапа" деб, жамоа, кўпчилик билан биргаликда зикр қилиш эса - "киртан" деб аталади. Киртан одатда ҳар хил мусиқа асбоблари жўрлигида қуйланади.

Жапа

Зикрий муроқабанинг бу тури билан шуғулланиш учун тасбеҳ керак бўлади. Тасбеҳ ипга тизилган 108 дона кичик мунчоқ ва бир дона каттароқ мунчоқдан иборат. Каттароқ мунчоқ "Кришнанинг мунчоғи" деб аталади ва унда мантра ўқилмайди. "Кишна мунчоғи"нинг ёнидагидан бошлаб, биринчи мунчоқни, катта ва ўртанча бармоқлар билан ушлаб туриб, маха-мантрани тўлиқ талаффуз қилиш керак: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Кейин иккинчи, учинчи ва ҳоказо. То "Кришна мунчоғи"га етгунча, 108 мунчоқнинг ҳаммасида мантра такрорлаб чиқсангиз, бир "доира" зикр қилган

бўласиз. Кришнанинг мунчоғида мантра айтмасдан, зикрнинг иккинчи доирасини тасбехда Кришна мунчоғидан ўтмасдан, тескари йўналишда айтиш керак. Тасбех билан *мантра* айтганда одамнинг рухий юксалиши, покланиш жараёни тезлашади, чунки мууроқаба жараёнига унинг тили, ақли ва қулоғидан бошқа бармоғи ҳам жалб қилинган бўлади. Мантра ибораларини диққат билан аниқ талаффуз қилиб, уни тинглашга ҳаракат қилиш керак. Шунинг учун мантра сўзларини эшитарли даражада овоз чиқариб талаффуз қилган маъқул. Албатта тек турмас ақл, хаёл бошқа нарсаларга чалғиб кетишга интилади, лекин уни ҳамиша мантранинг ҳар бир иборасини диққат билан тинглашда ушлаб туришга ҳаракат қилиш керак. Айниқса, куннинг эрталабки пайтларида зикр мууроқабаси билан шуғулланиш кишига жуда катта рухий самара беради. Иложи борича ҳар кун аниқ бир вақтда мууроқаба қилишга одатланиш лозим. Таҷриба учун кунига бир ёки икки доира жападан бошлаш мумкин, рухий баркамолликка эришишга жиддий интилаётган киши аста-секин доиралар сонини кўпайтириб бориши мумкин. Ҳар бир доирага тахминан 7-12 минут вақт кетади.

Киртан

Киртан кўпчилик билан, жамоа бўлиб мууроқаба қилиш усули бўлиб, унда мантра бирор оҳангда куйланади. Унда бир киши аввал мантра сўзларини маълум оҳангда куйлайди, кейин қолганлар шу оҳангда биргаликда, жўр бўлиб такрорлайдилар. Ҳар хил мусиқа ас-обларидан фойдаланиш мумкин. *Киртан* авж олган сайин унда иштирок этаётган ҳар бир одам тобора чуқурлашиб борадиган рухий лаззатга ғарқ бўлади. Киртанда ҳамма, ёш болалар ҳам иштирок этиши мумкин. Мунтазам равишда киртанда иштирок этиб юрган кишининг қалби покланиб, рухий юксалиши ҳам тезлашади, чунки бунда одам фақат ўзи талаффуз қилган илоҳий товушлар билан бирга, бошқаларнинг жўр бўлиб айтган илоҳий товушларини ҳам эшитади. Шунинг учун иложи борича тез тез киртан ўтказиб туриш керак.

Бхакти-йоганинг асосий қонун-қоидалари

Қандай ҳолатда, қандай шароитда шуғулланишидан қатъий назар, маха-мантрани зикр қилиш билан мууроқаба қилиш инсоннинг

рухий юксалишига жуда катта ёрдам беради. Лекин, унинг самарасини яна ҳам ошириш учун буюк устозлар баъзи қоидаларга амал қилишни тавсия қиладилар. Одам зикр билан қанчалик кўпроқ машғул бўлса, унинг бу қоидаларга амал қилиши шунчалик осон бўлади, чунки зикр шарофати билан у рухий қудратга эга бўлиб, қалбида юксак рухий лаззатларга интилиш туйғуси кучаяди. Мантра зикр қилишдан илоҳий лаззат ола бошлаган кишининг рухий юксалиш йўлида ғов бўладиган ҳар хил бемаъни одатларни тарк этиши ҳам осон бўлади.

1. Ҳаётда рухий юксалишга жиддий интилаётган киши қуйидаги тўрт асосий қоидага амал қилиши лозим: а) овқатга гўшт, тухум, балиқ ишлатмаслиги; б) маст қилувчи нарсалар (гиёҳванд моддалар, арок, тамаки, ҳатто чой ва кофе) истеъмол қилмаслиги; в) ҳар хил қимор, лоторея ўйинларида иштирок этмаслик, ҳаром йўллар билан пул, мол-дунё тўпламаслиги; г) зино қилмаслиги керак.

Бу қоидаларга риоя қилиб яшаш шарофати билан инсон рухий юксалишга жуда тез эришади, акс ҳолда унинг моддий, ўткинчи нарсаларга боғланиши кучайиб, рухий юксалиши сусайиб кетади. Махамантрани мунтазам зикр қилиш жараёни шу қадар кучли рухий қудратга эгаки, фақат шунинг ўзиёқ вақт ўтиши билан ҳеч қийналмасдан мазкур қоидаларга амал қилиш имконини беради.

2. Мунтазам равишда А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабхупаданинг китобларини, айниқса "Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита" ва "Шримад Бҳагаватам" асарларини ўқиб юриш лозим.

3. Қалбини поклаш ва ҳар хил моддий иллатлар билан булғанишдан сақланиш учун инсон ҳамиша аввало Парвардигорга таклиф қилинган вегетариан таомлар истеъмол қилиб юриши лозим. Шунда у қилган гуноҳлари оқибатидан халос бўлади.

4. Инсон ҳар бир қилган ишининг натижасини Худога, Парвардигор Кришнага бағишлаши керак. Агар юқорида кўрсатилган асосий тўрт қоидага бевосита зид бўлмаса, инсон ҳар қандай фаолият билан машғул бўлиши мумкин, у фақат қилган меҳнатининг натижаларини Худога бағишлаш лозим.

5. Зикр қилиш ёрдамида рухий юксалиш йўлига жиддий интилаётган киши кундалик турмушда иложи борича, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, қизиқиши ўзининг қизиқишларига яқин одамлар билан кўпроқ ҳамсухбат бўлиб юришга ҳаракат қилиши лозим. Натижада у рухий жиҳатдан кучлироқ қудратга эга бўлиб юради. Албатта, атрофимиздаги одамларнинг гаплари, ишлари бизга кучли таъсир кўрсатади, шу

боис, рухий ҳаёт билан қизикмайдиган иймонсиз одамлардан узоқроқ юрган маъқул.

Прасад - илоҳий таом.

"Бхагавад-гита"да Парвардигор Кришна Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини таърифлаб бўлгандан кейин, хулоса қилиб шундай дейди: **"Нима иш қилсанг ҳам, нима қурбонлик қилсанг ёки нима берсанг ҳам, қандай риёзат чексанг ҳам - барчасини Менга бағишла, эй Кунтининг ўғли!"**(9.27). Шу ерда Парвардигор айтадики, инсон фақат аввал Парвардигорга таклиф қилинган таом билан овқатланиши лозим. Демак, Парвардигор Кришнага таом таклиф қилиш - Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Парвардигор Ўзи одамлардан қандай эҳсонларни қабул қилишини ҳам кўрсатган: **"Агар инсон муҳаббат ва садоқат билан Менга барг, гул, мева ёки сув таклиф қилса, Мен уларни қабул қиламан"**(9.26). Парвардигор Кришна гўшт, тухум ёки балиқ қабул қиламан, деб айтмаган, шунинг учун содиқ Унга бундай нарсаларни таклиф қилмайди.

Кришна онгида бўлган содиқ Парвардигорга ширин таом таклиф қилиш билан ўзининг Унга бўлган муҳаббатини, садоқатини изҳор қилади. Ҳатто моддий дунёдаги ҳаётда ҳам инсон севгани, унга боғланиб қолгани учун бировга овқат пиширади, унинг овқатини еган киши эса, энг аввало овқат пиширишдаги унинг меҳрига, муҳаббатига эътибор беради. Худди шундай, Парвардигорга овқат таклиф қилиш жараёни ҳам қалбимизда Худога нисбатан муҳаббат уйғонишига, Унга боғланишимизга ёрдам беради.

Албатта, инсон қалбида ҳеч қачон кўрмаган Зотга нисбатан муҳаббат уйғониши қийин, лекин, ведавий муқаддас китобларда Парвардигорнинг шахсий кўринишлари батафсил таърифланган. Гарчи бошқа муқаддас китобларда Парвардигор бизнинг отамиз деб кўрсатилган бўлса ҳам, унинг шахсий кўринишлари таърифланмаган. Иисо "Худонинг ўғлиман",- дейди, Муҳаммад пайғамбар эса, "Худонинг элчисиман" - деган, лекин, Парвардигорнинг Ўзи ким? Муқаддас китобларда "Парвардигор одамни Ўзига ўхшатиб яратди" дейилган.

Ведавий муқаддас китобларда Парвардигорнинг шахсий сифатлари батафсил таърифланган. У ҳамиша ёш, гўзал, навқирон ёшда. У гўзаллиги билан барча тирик мавжудотларни Ўзига махлиё қилади.

Биз Парвардигорнинг шахсий сифатларини англаб етганимизда, Унга таом таклиф қилиш, У билан бевосита мулоқотда бўлиш осонроқ бўлади.

Парвардигор Кришна мутлақ илоҳий, руҳий табиатга эга бўлгани сабабли, У билан бевосита алоқада бўлган ҳар қандай моддий нарсалар ҳам покланиб, мутлақо илоҳий сифатларга эга бўлади. Илоҳий қувватлари ёрдамида Кришна моддани руҳга айлантиришга қодир. Агар биз темир бўлагини оловга қўйсак, у чўғдай қизиб, оловнинг сифатларига эга бўлади. Худди шундай, моддий унсурлардан таркиб топган таом ҳам, Парвардигор Кришнага таклиф қилингандан кейин бутунлай руҳий, илоҳий сифатларга эга бўлади. Энди бу таом "прасад" яъни, "Худонинг марҳамати" деб аталади.

Бхакти-йога, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида прасад жуда муҳим аҳамиятга эга. Муқаддас китобларда прасаднинг фазилатлари ва унинг инсонга кўрсатадиган илоҳий таъсири ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган. Беш юз йил муқаддам Ҳиндистонда Ўзини Чайтанья Махапрабху киёфасида намоён қилган Парвардигор прасад ҳақида шундай деган эди: "Бу моддий таомларни аввал ҳам одамлар татиб кўрган, лекин, ҳозир бу таом ўзидан бутунлай бошқача, ажойиб таъм ва анвойи хид таратиб турибди. Энди бу таомнинг нафақат мазаси, таъми, ҳатто унинг ширин ҳиди ҳам кишини ўзига бутунлай маҳлиё этиб, бошқа ҳар қандай ўткинчи лаззатларни эсдан чиқариб юборишга мажбур қилади, чунки, бу таомга Парвардигор Кришнанинг лабларидаги илоҳий шарбат аралашган ва унга Парвардигорнинг барча илоҳий сифатлари ўтиб қолган". Ведаларда, "хаётда инсон бўлиб яшашдан асосий мақсад - мангу руҳнинг Парвардигор билан ўзаро муносабатини қайта тиклашдан иборатдир" - деб кўрсатилган, прасад ана шу мақсадга эришишда жуда катта ёрдам беради.

Прасад тайёрлаш

Энг аввало Кришнага таклиф қилмоқчи бўлган таом тайёрландиган озиқ-овқат маҳсулотларини танлашга эътибор беришимиз керак. Парвардигор "Бҳагавад-гита"да моддий табиат гуналари - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналари асосида барча озиқ-овқат маҳсулотларини уч турга ажратади. Сут маҳсулотлари, дон маҳсулотлари, ширинликлар, сабзавот ва мевалар - эзгулик гунасидаги маҳсулотлар бўлиб, уларни Кришнага таклиф қилиш мумкин.

Эҳтирос ва ғафлат гунасидаги маҳсулотлардан қилинган таомларни Кришнага таклиф қилиш мумкин эмас. "Бхагавад-гита"да "ундай овқатлар азоб-уқубатларга, бахтсизлик ва ҳар хил касалликларга сабаб бўлади" деб кўрсатилган. Гўшт, балиқ, тухум, пиёз, чой, кофе, саримсоқ ва кўзикорин сингари маҳсулотлар ана шундай овқатларга киради.

Худоба ишонмайдиган, иймон-эътиқодсиз одамлар тайёрлаган овқатларни ҳам рад этиш керак, чунки табиат қонунларига асосан, овқат пишираётган одамнинг онги ҳам таомга салбий таъсир кўрсатади. Агар биз руҳий онга эга бўлмаган иймон-эътиқодсиз одам тайёрлаган таомдан овқатлансак, таом билан бирга, уни тайёрлаган кишининг моддий онгининг бир қисмини ҳам ўзлаштириб олган бўламыз.

Овқат тайёрлаганда тозалikka жиддий эътибор бериш керак, чунки тозалик билан такводорлик - опа-сингиллар ҳисобланади. Парвардигор Кришнага нопок нарса таклиф қилиш мумкин эмас, шунинг учун ошхонани ҳамиша пок, тоза тутишга ҳаракат қилиш керак. Овқат тайёрлашдан аввал албатта покланиш, қўлни ювиш лозим. Таом тайёрлаётиб, унинг таъмини татиб кўриш мумкин эмас. Тайёрланган таомдан энг аввало, биринчи бўлиб Кришна таътиши, биринчи бўлиб Кришна лаззатланиши керак. Шунинг учун таомни тайёрлаб бўлиб, уни Кришнага таклиф қилинг.

Таомни Кришнага таклиф қилиш.

Кришнанинг алоҳида идиш-товоқлари бўлиши, улардан Кришнанинг Ўзидан бошқа ҳеч ким фойдаланмаслиги керак. Тайёр бўлган таомлардан ана шу идишларга солиб, Кришнанинг тасвири олдига қўйиш керак. Таомни Кришнага таклиф қилишнинг энг осон йўли: "Эй Парвардигор, о Кришна, мана шу арзимас нарсаларни мендан қабул эт!" - деб, калбингиздан самимий айтишдан иборат. Аслида Парвардигор Ўзига тўла бутун ва Унга ҳеч нарсанинг керак эмас. Парвардигорга таом таклиф қилиш - бизнинг Унга бўлган миннатдорчилигимизни, муҳаббат ва садоқатимизни изҳор этиш усулидир. Кришнага таом таклиф қилиб, бироз вақт Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш керак: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Кейин Кришнанинг олдидан прасадни олиб дастурхонга қўйиш мумкин. Энди тайёрланган таомнинг ҳаммаси *прасад* бўлади, Кришнанинг

идишидаги таомлар эса, "*маха-прасад*" бўлади. Ҳар бир одам ана шу маха-прасаддан албатта татиши лозим. Прасад инсон қалбини барча гуноҳлари оқибатидан поклаш билан бирга, жуда лаззатли, ширин ҳам.

Рухий юксалиш жараёни ЙОГА деб аталади. Рухий юксалиш йўлидан бораётган киши - ЙОГ ҳисобланади.

Йога билан шуғулланишнинг маъноси, йоганинг энг олий мақсади Худони, Парвардигор Кришнани англаб етишдан иборат.

Кришнани англаш йўлидан бориш - энг олий йога билан шуғулланишдир.

"Бхагавад-гита"да Парвардигор Ўзининг яқин дўсти ва содиқ хизматкори бўлган Аржунга ана шу йога тизимини ўргатган эди.

А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада мазкур рисолада шу йўлни батафсил тушунтириб берган.

Ҳазрат А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада.
Кришнани англаш Халқаро жамиятининг асосчи-ачаряси

Его Божественная милостѣ
А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада

Сознание Кришнк
Вксшая система йоги

Бхактиведанта бук траст
ISBN 91-7149-433-2

Нашриётдан

Мазкур рисола Ҳазрат А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабхупаданинг 1966-1971 йиллар давомида жаҳоннинг турли давлатларида ўқиган маърузалари асосида тайёрланган.

Ҳазрат А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабхупаданинг
ўзбек тилида нашр қилинган асарлари

Маҳобҳорат - Бҳагавад-гита

Насиҳатлар лаззати

Шри Ишопанишад

Бошқа сайёраларга енгил саёҳат

Ўзликни англаш таълимоти

Йога камолоти

У дунёдаги ҳаёт

Мукаммал саволар ва мукаммал жавоблар

Ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлади